ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

# “ТАҲЛИЛИЙ ЖУРНАЛИСТИКА”

**Тузувчи: фил.фан.ном.Н.Тошпўлатова**

**ТОШКЕНТ—2014 йил.**

**1-Мавзу: Таҳлилий журналистика тўғрисида тушунча**

1. **Таҳлилий журналистика ва унинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида тушунча.**
2. **Таҳлилий журналистика жанрлари, уларнинг ўзига хослиги ва бошқа жанрлардан фарқи.**
3. **Таҳлилий журналистикада мавзу, факт ва фикрнинг аҳамияти**

## Таҳлилий журналистика ва унинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида тушунча.

Жаҳон журналистикаси тараққий этгани сари табиийки, бу соҳанинг ҳозиргача мавжуд бўлган анъаналари ва қадриятлари ҳам ўзгарди. Чунки асос солингандан бери ахборот етказишни мақсад қилган мумтоз журналистика билан алоқа воситалари, шунингдек ахборот олиш ва узатишнинг энг ривожланган технологияларга асосланган бугунги фаолияти катта ривожланиш йўлини босиб ўтди. Шунингдек журналистиканинг асосий вазифаси ҳам ўзгариб бормоқда. Унинг ижтимоий ҳаётда содир бўлган воқеа-ҳодисалар ҳақида жамоатчиликка хабар бериш вазифаси билан бирга, унинг фикрини шакллантириш ва бошқариш, жамиятнинг турли гуруҳлари, жамоалари, кишилари ўртасида коммуникатив муносабатлар ўрнатиш, муайян ғоя ва мафкураларни тарғибот ва ташвиқот қилиши, тарбиялаши, ахборот бозорига маҳсулот етказиб берувчи ишлаб чиқариш корхонасига айланиши сингари каби фаолият турлари ҳам ривожланди.

Жамиятнинг ахборотга бўлган бугунги талаби ҳар қачонгидан ҳам юқори. Аммо ҳар қандай ахборотни етказиш ва уни жамоатчилик томонидан қабул қилиниши билан ахборотга бўлган эҳтиёж қондирилмайди. Айниқса, бу жамиятнинг турли бўғинларида муаммоли масалаларнинг кўндаланг бўлганида яққол кўзга ташланади. Жамоатчилик ОАВдан ахборот етказиб беришдан кўпроқ нарсани кутади. Ва аксарият ҳолларда ОАВининг ёрдами муаммонинг ҳал қилинишига қодир куч сифатида тасаввур этилади. Табиийки, бу жараёнлар ОАВ учун ҳам ахборот етказиб беришдан кенгроқ,

изчилрок фаолият олиб боришни тақозо этади. Айниқса, жамиятнинг бирор бир бўғини, соҳасида қарама-қаршилик, муаммо ёки жумбоқ юзага келадиган бўлса, у ҳақда фақат ахборот бериш жамоатчилик ўртасида воқеликка бўлган қизиқишни янада орттиради. Жамоатчилик ўша вақеа-ҳодиса ҳақида кўпроқ маълумотга эга бўлишни истайди. Бунинг учун энди ахборот етказишдаги уч мумтоз: “Нима?”, “Қачон?”, “Қаерда?” саволларга жавоб топишнинг ўзи камлик қилади. Бу саволларнинг ортида яна “Нега?”, “Қандай қилиб?” сингари янгилари туғиладики, журналист уларга ҳам жавоб бериш мақсадида изланади.

Предметнинг ҳаракати, унинг ташқи олам билан муносабати, улар орасидаги илғанмайдиган боғлиқлик, қарама-қаршиликка аниқлик киритиш талаб этилади. Ўз-ўзидан булар бутун бир жараёнлар тизимини ташкил этадики, журналист уларни ўрганиб, муайян мавзуга бағишланган факт ва далилларни йиғиш, уларни бир-бири билан қиёслаш, таққослаш, муҳим ва иккинчи даражали маълумотларни ажрата билиши, тизимга солиш, муаммонинг тугуни, уни келтириб чиқарган сабаблар, етказадиган оқибатлар, уларнинг воқеликка таъсири, муаммонинг ечимини топиш йўллари орқали ушбу мавзуга аниқлик киритади. Бу жараёнлар бир сўз билан айтганда – **таҳлил** деб аталади**.**

**“Таҳлил”** – ( русча “***анализ”*** сўздан олинган бўлиб***)***, 1. илмий текшириш усули; объектив воқеликни илмий билиш, ўрганиш воситаси; 2. таҳлил қилиш; 3. текшириш деган маъноларни англатади. [1] (Русча-ўзбекча луғат. -Тошкент.1983, 31-бет) **Шу нуқтаи назардан, таҳлилий журналистиканинг асосий вазифаси содир бўлган воқеликни таҳлил қилиш орқали жамоатчиликка етказишдир.**

Воқеликнинг долзарблиги, аҳамияти, сабабларини ўрганишдан аввал, воқеанинг ўзи нима, уни ташкил этувчи қисмлар нималардан иборат, деган саволга аниқлик киритиб олиш зарур.

Рус тадқиқотчиси А.Тертычныйнинг фикрича, “ воқеа муайян маконда ва маълум вақт оралиғида, жараёнда (аниқ боши ва ниҳояси мавжуд) содир бўлган ҳаракат,жамоатчилик қадами ҳисобланади. Табиат ҳодисалари

катаклизмалар ҳам воқеа дейилади. Фақат журналистика учун бундан табиий ҳодисалардан фарқли ўлароқ кишиларнинг жамият ҳаётига ёки унинг бирор бир жараёнига таъсир кўрсатадиган аниқ мақсад ва натижага эга ҳаракатларини ўрганиш ва уни ёритиш муҳим ҳисобланади. Воқеа жамиятнинг муайян ижтимоий-сиёсий вазиятларида, иқтисодий, маънавий-аҳлоқий ҳаётида туғилади, содир бўлади". [2] (Тертычный А.А. Жанры периодической печати. Учебное пособие. –М.: Аспект Пресс, 2000. С.10-12.]

Одамларни кўпроқ бевосита ўзлари яшаётган жамиятда содир бўлган воқеалар қизиқтиради. Шу маънода журналистиканинг ўрганиш объекти, аввало бу жамиятнинг ўзи эканлигини таъкидламоқ зарур. Айниқса, бу воқеалар жамият фуқаролари манфаатларига бевосита дахлдор бўлса, содир бўлган бирор бир янгилик эътиборсиз қолмайди. Табиийки, жамиятнинг турли соҳалари, сиёсат, иқтисод, ҳуқуқ, дин, маданият, маърифат, ахлоқ, спорт ва бошқалар журналистиканинг ўрганиш объектидир. Қолаверса, инсонни ўраб турган ички ва ташқи олам, табиатдаги турли ўзгаришлар, фавқулодда ҳодисалар ҳам журналистиканинг объекти ҳисобланади.

Журналистиканинг ўрганадиган объект ҳақида гап кетар экан, унинг қандай мезонлар асосида, қандай предметга таяниб тадқиқ этилиши масаласи кун тартибига чиқади. Умуман олганда, фанда барча соҳаларнинг ўрганиш, тадқиқ этиш объекти ва предмети мавжуд. Бундан журналистика илми ҳам мустасно эмас.Шу нуқтаи назардан журналистикада объект ва предмет тушунчалари мутахассис-олимлар томонидан кенг ўрганилган. Масалан, рус тадқиқотчиси В.Лекторский журналистикада объект билан предмет хусусида баҳс этаркан, улар ўрасидаги фарқни алоҳида назарда тутади: "предмет объект билан бир қаторда турадиган нарса эмас, предмет объектнинг мазмунини ифода этувчи унинг аниқ бир ташқи жиҳатидир", деб таъкидлайди. [3] (Лекторский В.А. Принципы воспроизведения объекта в знании // Вопросы философии. 1967.№4. С. 49.) Бошқа бир олим В. Горохов журналистика предмети "уни ташкил қилувчи кўпгина ижтимоий вазиятларнинг (объектнинг- таъкид бизники) замонавий бирлиги" [4] ( См. Горохов В.М. Закономерности публицистического творчества. М., 1975)

сифатида тан олишини таъкидлайди. Бу фикрларни инкор этмаган ҳолда, юзага келган ҳар қандай ижтимоий вазият тушунчаси ҳар доим ҳам долзарб бўлмаслиги, у яна ҳам торроқ, яна ҳам аниқроқ мазмунни тақозо этиши мумкинлигини ҳам инкор этиб бўлмайди. Масалан, журналистикада ҳар бир воқеанинг аниқ предмети бўлиши билан бирга, бир неча мустақил воқеалар, вазиятлар, жараёнларни бир-бирига ўзаро боғловчи воқеаларни ўрганиш учун яхлит бир предмет ҳам бўлиши мумкин. Айтайлик, одам савдоси қурбони бўлиш бу бир вазият (ҳуқуқий жиҳатдан ўрганиш объекти) бўлса, у билан боғлиқ ҳуқуқий саводсизлик, бирор бир касб ёки ҳунарга эга бўлмаганлик, ишсизлик, оиладаги етишмовчилик, эр-хотин ўртасидаги ахлоқий муносабатлар, бола тарбияси билан боғлиқ муаммолар сингари бевосита шу масалага дахлдор бошқа бир неча вазиятларни юзага келтиради. Бунда воқеа, ҳодиса, жараён, вазиятларнинг ўрни алмашиши ҳам мумкин.

Жамиятда содир бўлган воқеаларнинг ичидан журналист ёритиш учун предмет бўладиганини ажратиб олиб, тадқиқ эта бошлайди. Танланган ва ОАВда ёритилишга мўлжалланган воқеа жамият аҳамиятига молик, ундаги турли ижтимоий гуруҳлар, қатламлар, муайян шахсларни қизиқтирадиган ва биринчи навбатда бутун жамиятни, қолаверса ана шу ижтимоий гуруҳлар, кишиларнинг қизиқишлари ва талабларини қондиришга мўлжалланган бўлиши керак. Танланган воқеа қанча кўп одамга тааллуқли бўлса, унинг долзарблиги шунча ортади.

**Вазият нима?** Вазият ташқаридан қараганда ҳолатга ўхшаб кетиб, бир-бирига боғлиқ фаолият қатнашчилари, одамларнинг қизиқишларини қондиришга қаратилган ҳаракатдир. Вазият аниқ, қандайдир социал гуруҳлар, жамоа аъзоларининг муайян муддат, вақт оралиғида юзага келган ўзаро муносабатлари ҳолатидир. Вазиятлар ижобий, салбий, барқарор, беқарор, мураккаб, чигал, жумбоқ ва ҳ.з. бўлиши мумкин. Вазиятни таҳлил қилиш учун журналист камида унинг ўзида қандай тасаввур уйғотганини матнда қайд этиб олиши, шу вазиятга жавоб берадиган асосий жамоатчилик вазифаси аниқлаб олиши зарур. Шундан кейин вазият билан боғлиқ жараёнларни, уни келтириб чиқарган омиллар ва ечимини топишга хизмат

қилувчи йўлларни излайди. Вазиятни таҳлил қилишдаги биринчи қадам унинг барча иштирокчилари қизиқишлари, эҳтиёжлари ва улар ўртасидаги фарқни солиштириш орқали қўйилиши керак.

Қизиқишлар – одамлар хулқини йўналтирувчи, эҳтиёжлари мавжудлигини кўрсатувчи муҳим асос. Эҳтиёжлар эса инсонларнинг ҳаётий фаолиятларида учрайдиган турли қарама-қарши ҳатти-ҳаракатлари туфайди келиб чиқади. Бу йўлда мақсад ва вазифаларнинг тўғри қўйилиши одамларнинг фаолиятини бирлаштиради. Қизиқишлар ҳам ҳар хил бўлиши мумкин: шахсий қизиқишлар, жамоавий қизиқишлар, ижтимоий, ҳуқуқий маиший ва бошқалар. Моҳиятига қараб бу қизиқишлар мустақил ёки жамиятнинг умумий манфаатларига тегишли бўлиши мумкин. Жамиятнинг умумий қизиқишлари жамиятнинг умумий манфаатларидан келиб чиқиб тегишли ҳужжатлар билан мустаҳкамлаб қўйилади.

Журналист ҳар қандай воқеанинг асосини, таркибий қисмини унда иштирок этган турли ижтимоий гуруҳга мансуб одамларнинг аниқ сони, уларнинг муайян жой, ҳудуд ва вақт оралиғида амалга оширган ҳаракатлари, алоҳида ҳолатлари, интилишлари, эришган натижаларини аниқ вазифалар асосида таҳлил қилиши зарур. Ҳар қандай воқеанинг таркибий тузилиши: қандай воқеа, қачон ва қаерда содир бўлди, деган асосий саволларга жавоб бериши зарур.

Таҳлилда воқеа: қандай? нима учун? деган саволларнинг туғилиши билан бошланади. Буни ҳисобга олиб воқеани ёритаётган журналист ана шу саволларни бир-бирига боғловчи занжирнинг уланиш нуқтасини топиб олиши керак. Амалиётда журналист бор одамнинг (кишиларнинг) аниқ ҳатти-ҳаракатларини, самара берадиган далилларни ўзи учун қайд қилиб бориши мақсадга мувофиқдир. Оддий детал ҳам таҳлил жараёнида катта ечимга олиб келадиган натижа бериши мумкин. Содир бўлган воқеа-ҳодисалар ичидан ёритилиши керак бўлган энг муҳими, энг долзарб воқеани топишга ҳаракат қилиши лозим. Бу эса осонликча кечмай, балки журналистдан мавжуд шароит ҳақида етарлича билимга эга бўлишни тақозо этади.

Агар журналист таҳлил жараёнида жамоатчилик вазияти уларнинг қизиқишларига қанчалик мувофиқ эканлигини билишни истаса, у жамиятнинг, ундаги турли ижтимоий гуруҳларнинг, шахсларнинг қизиқишлари орасидаги ўзаро алоқадорлик деалектикасини яхши англамоғи ва бу қизиқишларнинг кесишиш нуқтасини ҳам топа билмоғи лозим.

Вазиятни таҳлил қилиш чоғида журналист нафақат қизиқишларнинг қарама-қаршилигини, балки уларнинг шакли ва ривожланишини ҳам билиши керак. Қарама-қаршиликлар асосида юзага келувчи муаммонинг тўғри ҳал этилиши у ёки бу соҳанинг ривожланишига ҳам боғлиқ.

Журналистикани фақатгина жаҳонда содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларнинг фундаментал (аслида бу фаннинг вазифаси) қонуниятлари қизиқтирмайди, балки бугун содир бўлаётгани қанчадан-қанча воқеа-ҳодисаларнингўзаро алоқаси ва уларнинг бугунги кун одамлари ҳаётига қанчалик таъсир этиши қизиқтиради. Шунинг учун журналист матнида ўқувчи топадиган образлар ҳаракатини билишнинг шундай усуллари ёрдамида тасвирлаши керакки, у ишонарли бўлсин.

Аҳамиятли томони шундаки, аудиторияни, ахборот истеъмолчиларини фақатгина ўзларини ўраб турган оламдаги воқеа-ҳодисалар қизиқтириб қолмай, шу билан бирга унда фаолият юритаётган, ҳаракатланаётган шахсларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳам қизиқтиради. Шу ўрнида шахс истеълоҳига ҳам ойдинлик киритишга тўғри келади.

Шахс ким, деган саволга рус олимлари Б Мешеряков ва В. Зинченколар тузган “Катта психологик луғат”да шахс- русча “личность” ингилизча personality; лотинча persona сўзидан олинган бўлиб, ( “актёрнинг ниқоби”, роль, ҳолат, кўриниш деган маъноларини англатади) индивиднинг жамоатчилик орасидаги ўрни, муайян фаолиятига асосланган ролидир, [5] (Большой психологический словарь. Сост. Мещеряков Б., Зинченко В. –М., Олма-пресс. 2004.17-бет.) дея таъриф берса, бошқа тадқиқотчи А.И.Леонтьевнинг фикрича, **шахс** – бу алоҳида фазилатларга эга индивид бўлиб, у айни шу фазилатлари воситасида одамлар орасидаги муносабатларни уйғунлаштиради, мақсад-муддаоларини аниқлаб, уларни

жамоага айлантиради, [6] (Леонтьев А.А. Психология общения. – М.: Мысль, 1999.11-бет) деб ёзади. Шу нуқтаи назардан ҳар қандай шахс ўз ҳаётий тарихи, табиати, феъл-атвори, дунёқараши, ҳис-туйғулари, шахсий одатлари, мойиллик ва имкониятларига эга. Конкрет вазиятларда журналист шахснинг қандай хусусиятларига қараб мўлжални олиши мумкин? Мисол учун бирор инсондаги иштиёққа қараб, унинг атрофидаги одамларнинг қизиқишларини (китобга, ўсимлик, гулларга, автомобилга ёки овга) аниқлаш мумкин. Ёки шахснинг ғайриодатий имконияти ўз атрофига кўп ҳолларда одатий имкониятлардан кўпроқ хусусиятга эга, айтайлик экрасенслар, ноёб қобилият ёки хотира эгаларини тўплайди ва ҳ.з. Бундай шахслар табиийки, бошқаларни қизиқтиради. Умуман нафақат журналистикада бошқа соҳаларда ҳам шахс доим одамларнинг, кўпчиликнинг диққат марказда туради. Бекорга журналистлар улар ҳақида ёзишга интилмайдилар. У ҳақидаги журналистик асарлар турли жанрлар гуруҳига мансуб материалларда акс этади. Буни журналистика илми шаклланиши жараёнида у билан бирга такомиллаша борган жанрлар мисолида ҳам кузатиш мумкин.

Журналистика фаолиятининг асосини жамиятдаги бир объектни ўрганиш, у ҳақда қай тарзда хабар беришда аниқ мақсадга йўналтирилган бирламчи вазифалари билан боғлиқ. Иккинчи ўринда журналистнинг воқеликнинг аслида қандайлигини идрок этишга қаратилган соф ижодий фаолияти туради. Ижодий мақсад билан боғлиқ вазифаларга рус олими А.Тертичный қуйдагиларни киритади:

- тасвирланаётган воқеликнинг (у ёки бу даражада) муайян ахборий «модели»ни яратиш;
- сабаб-суриштирувларни муносабатларини ўрнатиш;
- воқеликнинг аҳамиятини (баҳосини) аниқлаш;
- тадқиқ этилаётган воқеликнинг келгусидаги ҳолатини (башорат) аниқлаш;
- таҳлил қилинаётган воқеликка боғлиқ фаолият режаси, дастурларини шакллантириш.

[7] (Тертычный А.А. Жанры периодической печати. Учебное пособие. –М.: Аспект Пресс, 2000. С.7-8.]

Бундан ташқари журналистнинг бевосита фаолиятига тааллуқли вазифалар ҳам бор. Уларга қуйидагилар киради:

- таҳририят топшириғини бажариш;
- қаҳрамонининг адолатни қарор топтиришга ёрдамлашиш;
- ўзининг истеъдодини намойиш этиш;
- ҳодисада ким айбдорини тушунтириш;
- ҳамкасбларига “танбеҳ” бериш;
- гонарар ишлаш ва ҳ.з

Журналист жамиятда содир бўлган турли хил ижтимоий воқеаларни ўрганиш, тадқиқ этиш, таҳлил қилиш орқали ўзининг ижодий фаолиятнинг моҳиятини аниқлаш, воқеанинг сабаб ва оқибатлари, ўрни ва аҳамиятини кўрсатиб бериш билан белгиланади. Бу вазифаларни амалга оширишда журналист жамият ҳаётининг турли томонларини аудиторияга тезкор, таҳлил асосида ва ҳис-ҳаяжонли, образли воситалар орқали кўрсатишга ҳаракат қилади. Ижодий фаолият жараёнида журналист билишнинг, воқеликни англашнинг турли методларида фойдаланади.

“Метод тушунчаси - деб ёзади Корконасенко, - замонавий фаннинг у ёки бу турида ечилиши зарурлиги илмий жиҳатдан исботланган ҳаракатларнинг тизимидир. У самарадорликка эришишга хизмат қилувчи фаолият жараёнида топилган фавқулодда табиий усулдир.” [8] (Основы творческой деятельности журналиста.под ред С.Г. Корконосенко. СПб.: Знание, СПбИВЭСЭП, 2000 г.с.51)

Олим ОАВ ходимлари олдига қўйган билишнинг вазифаларини, яъни журналист фаолиятини англаш методларини икки: эмперик ва назарий методлар гуруҳига ажратади. Биринчиси, маълумотлар олишга қаратилган эмперик методлар, иккинчиси содир бўлган воқеликнинг моҳиятини англашга қаратилган назарий методлар гуруҳи. Бошқа тадқиқотчи А. Тертычный эса улар учта катта: эмперик (ҳужжатлилик), назарий ва бадиий методлар гуруҳига бўлади.

Биринчи гуруҳ – **эмперик (ҳужжатлилик)** методларда асосий эътибор материаллар (манбалар) йиғишга қаратилади. Унда кузатиш, суҳбат, интервью, ҳужжатларни саралаш каби усуллар етакчилик қилади. Бунда эътибор воқеликнинг характеридан келиб чиқиб асосан предмет ҳақидаги ташқи маълумотларга қаратилади. Бунинг натижасида ахборот юзага келади. Ҳар қандай ахборот эса муайян жанрга ва методга жавоб бериш керак. Хабарсиз, кундалик содир бўлган воқеа-ҳодиса, жараён, вазият, ҳолат ва уларнинг муҳимлиги, салмоғи, кўлами, фойдасию зарари билан боғлиқ натижаларсиз ахбори журналистикйа мавжуд бўлмайди. Булар аслида ахборий журналистиканинг кундалик “нони”. Шундан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, ахборот жанрлари янгиликларни етказадиган материалларга нисбатан қўлланади. Шу боис кўпроқ эътибор ахборот йиғиш методларига қаратилади.

Иккинчи гуруҳ – **назарий** усуллар бўлиб, у билишнинг умумназарий талабаларидан келиб чиқади. Бу гуруҳга мансуб методлар таҳлилий жанрлар моҳиятини ўзида акс эттириб ахборотларни шарҳлаш, изоҳлашни талаб этади ва унда қўлланадиган методлар мантиқий ёндашувни назарда тутади. Уларга: **анализ** (таҳлил- воқеаларни ҳар томонлама, қисмларга бўлган ҳолда батафсил ўрганиш), **синтез** (ҳодисаларни ўзаро боғланган, бир бутун ҳолда текшириш, олинган натижаларни умумлаштириш, яхлит зулоса чиқриш), **индукция** (айрим ҳодисалардан умумий хулоса чиқариш, умумий хулосага келиш), **дедукция** (умумий ҳолатдан аниқ ёки хусусий хулоса чиқариш), суриштирув-сабаб алоқаларни ўрнатиш, умумийликдан бўлакларга, қисмларга ажратиб ўрганиш сингари методлар киради. Таҳлилий жанрлар тадқиқот ишларини олиб боришни кўзлайди ва улар ёрдамида: муаммолар қўйилади ва ечими топилади, шахсий ва жамоатчилик муносабатларига ойдинлик киритилади, маънавий –руҳий ижод маҳсулларига баҳо берилади, ижтимоий башоратлар қилинади ва ҳ.з.

Учинчи гуруҳ – **бадиийлик** методлари воқеликни баддий тасвирлар, образлар ёрдамида методларидан ташкил топади. Бу гуруҳга–ижодий тасаввур, метофорлаштириш, метономия, ҳиссий ҳолат, гиперболизация

(бўрттириш), деталлаштириш, индивидуаллаштириш каби методлар киради. Шундан келиб чиқадиган бўлсак, эмперик тадқиқот усуллари кўпроқ журналистикада информацион жанрларда қўлланилади. Назарий методларга асосланган билиш таҳлилий жанрлар орқали намоён бўлади. Журналистикада бадиий усулларнинг қўлланиши эса бадиий-публицистик асарларни пайдо қилади.[9] (Тертычный А.А. Жанры периодической печати. Учебное пос обие. –М.: Аспект Пресс, 2000. С.7-8.]

Методга амал қилиш журналистик асарнинг ички шаклини белгилайди. "Предмет, функция ва метод – жанрни ушлаб турадиган учта кит, уч бузилмас устундир". [10] (Шибаева Л. Жанры в теории и практике журналистики.Учебно-методическое пособие. Москва. 2000) Жанрнинг бу уч асосий "қўрғон"идан ҳар бири алоҳида ва кўпроқ эътибор қаратишга лойиқ ҳисобланади.

Жамиятдаги бирор бир воқеликни ёритиш журналистдан катта билим ва маҳоратни талаб этади. Россиялик назариячилардан бири М.Ким журналистнинг профессионал маҳоратини уч асосий белгисини кўрсатади. Булар – **билим, қадриятлар ва анъаналардир**. Яна бир рус назариячиси В.А.Лекторский билим турлари ва журналист учун аҳамиятли жиҳатларга эътиборни қаратади. "Билим – деб таъкидлайди у, – шундай махсус таълимки, у олиб борилаётган ишнинг реал ҳаёт билан мос келишидир".

Дарҳақиқат, журналист ўз касбий фаолиятини олиб бориш учун соҳага таллуқли бўлган назарий билимларни билиш керак, шу билан бирга, албатта амалий фаолиятда бўлиши лозим. Ўзининг касбий фаолияти жараёнида олиб борилган таҳлилларда журналистнинг шахсий фикри, ўз позицияси, мантиқий тафаккури, воқеликдан чиқарадиган хулосаси талаб этилади. Ана шу хулоса кишилар ўртасидаги муносабат кайфиятини пайдо қилишга, унда ўзлари ҳам ушбу воқелик юзасидан эркин фикрларини билдиришларига имкон беради.

## Таҳлилий журналистика жанрлари, уларнинг ўзига хослиги ва бошқа жанрлардан фарқи.

Ҳар қандай журналистик асар ўзининг композицион тузилиши, яхлит кўриниши, амал қилиши лозим бўлган қатор прициплари, олдига қўйган мақсади, иш олиб бориш усуллари ва вазифаларига эга. Бу ҳар бир журналистдан ўзига хосликни белгиланган тамойиллар асосида иш кўришни, бевосита ёки билвосита ёндашувни, услуб ва маҳоратни талаб этади. Журналист ўзи тайёрлаётган асарнинг тартиби қандай бўлиши, нимадан бошлаши, қандай маълумотни биринчи ўринга олиб чиқиши, воқелик, жараённи қай тартибда ёритиши ҳақида ўйлайди. Уларни бир тизимга тартибга келтиришнинг ўзи эса матнга нисбатан муайян шаклни, яъни жанрни талаб этади. Шу нуқтаи назардан **жанр – ҳаётий материалнинг композицион тузилишини ўзида ифода этадиган ва воқелик ҳақида аниқ тасаввур берадиган ўзига хос шаклдир.** Оддий қилиб айтганда журналистик асарнинг шакли.

Хабар – янгилик ҳақида тезкор ахборот беришни, интервью – аудиториянинг қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда журналистнинг суҳбатдош билан диалогнинг олиб борилишини, ҳисобот –воқеани кетма-кет баён этишни, репортаж эса – воқеликнинг вақт билан боғлиқ чегарада содир бўлганини ўзи гувоҳ бўлиб тасвирлайди.

Ташқаридан қараганда ёзиладиган асар шаклининг ҳеч қандай назарияга ёки таърифга эҳтиёж йўқдай кўринади. Аммо шакл барқарор тушунча. Агар жанрнинг ўзига хос белгилари бўлмаса, хабарни мақоладан, тақризни шарҳдан ажратиш мумкин бўлмай, бир хил қолипдаги матн сифатида тасаввур уйғотади. Кўпинча журналистика факультетига эндигина ўқишга кирган талабалардан бирор бир жанрда ижодий иш ёзиш сўралганда, қандайдир жанрда эмас, ўз фикрларини шаклга солмасдан, эмин- эркин ифода этишни афзал кўришади. Уларнинг фикрича, ўқувчи жанр ҳақида ҳеч қандай тушунчага эга бўлмаса-да журналистик асарни ўқийди.Чунки уларга қандай шаклда бўлишидан қатъи назар асар қизиқарли чиқса бўлди. Шундай экан нима учун уни ёзадиган ижодкорга чегара қўйиш керак? Энг муҳими, ҳар қандай журналистик асарни чин юракдан ва маҳорат билан ёзилса бўлгани.Талабалар буни исботламоқчи бўладилар. Аммо уддасидан

чиқолмайдилар. Оддий мисол. Ҳеч қандай жанрга мансуб бўлмаган асарнинг боши ва охири бўлиб, улар бир-бирига боғлиқ, ана шу боғлиқликнинг ўзи қандайдир мазмунни беради. Мазмуннинг ўзи кутилмаган ҳолда қандайдир шаклни талаб этади. Кўпинча янги ҳаётий материалнинг ўзи энг оддий, тажрибада синалган шаклни тақдим этади. Буни тадқиқотчи Л.Шибаева шундай изоҳлайди: “XX асрнинг ўрталарида инсоният коинотга парвоз қилди. Бу ҳақида газеталарда миллионлаб сатрлар ёзилди. Ҳаммаси репортаж, интервью, очерк сингари эски жанрларда акс этди. Дунё ўзгарди, аммо жанрлар тизимининг ўзгариши учун бу камлик қилади. Бунинг учун инсоннинг оламга бўлган қарашлари ҳам ўзгариши керак. Масалан, нима учун интервью жанри кеч пайдо бўлди? Ваҳоланки,журналистикада пайдо бўлган жанрларнинг энг биринчилардан бўлиши керак эди. Ахир савол бериш ҳар бир инсонга болалигидан одат, қолаверса дунё адабиётида, антик файласуфлардан тортиб драматургларгача жуда катта диологлар заҳирасини қолдирган. Шунга қарамай бу жанр X1X асрнинг иккинчи ярмида шаклланди.” [11] (Шибаева Л. Жанры в теории и практике журналистики.Учебно-методическое пособие. Москва. 2000)

Дарҳақиқат, жанр тушунчаси журналистика пайдо бўлгандан бери ўз даврига қараб ривожланадиган, ижтимоий жараёнларнинг ўзгаришига қараб ўзгарадиган тарихий категориядир. Уни олимлар ёки назариячилар яратмаган ёки ўйлаб топмаган. У ҳамма даврда ҳам, одамларнинг ахборотга қизиқишлари, уни қабул қилишга бўлган муносабатларига қараб ривожланади. Шу боис, жанрлар тадрижи инсоннинг ўзини ўраб турган оламни англаб етишига тўғридан-тўғри боғлиқ. Буни рус журналистикаси назариётчиларидан бири Г.Корконосенко шундай изоҳлайди: “Ишбилармонларнинг ўзаро муносабатлари газета саҳифларида “ҳисобот” жанрини пайдо қилди. сир тутишга бўлган эҳтиёж туфайли - хат жанри юзага келди. 1800 йилда “Журналь де Деби” деб номланган француз газетаси инқилобдан кейин одамларни ўзига кўпроқ жалб этиш ва демократик матбуотнинг кўриниши сифатида тасаввур пайдо қилиши учун фелеътонни

ўйлаб топди. Шу тариқа барча жанрлар тарихан оддийликдан мураккабликка, оддий хабардан тортиб таҳлилий мақолагача ривожлана борди.” [12]

Тадқиқотчиси журналистикани ривожланиши жараёнида жанрнинг мазмун-моҳияти тадқиқ қилар экан, унинг композицион, типологик, гнесеологик, морфологик, аксиологик категорияларни кўрсатиб берган ҳолда, бу таснифлашнинг эскирганлигини ва унинг ўрнига замонавий журналистика назариясида “янгиликлар журналистикаси”, “муаллифлик журналистикаси” “ таҳлилий журналистика”, “шарҳлаш журналистикаси”, “репортёрлик журналистикаси”, “публицистик обзор” сингари бошқа атамалар пайдо бўлганлигини таъкидлайди.

“Шунга қарамай, -деб ёзади у, - ушбу таснифлар қандай шаклда таклиф этилмасин публицистик матн учта муҳим компонентни: а) янгилик ёки мавжуд муаммо ҳақида хабар бериш; б) вазият парчаси ёки шарт-шароит ҳақида фикрлаш; в) аудиторияга эмоционал таъсир этиш усулларини ўз ичига олади ” [13].

Жанрларни мазмун-моҳиятига қараб таснифлаш XX асрда ривожланди. Ғарб журналистикасида жанрлар икки гуруҳга: янгиликлар ва фикр журналистикаси турига бўлинади. Рус журналистикаси, умуман собиқ шўролар иттифоқи давридан жанрлар уч гуруҳга бўлиб ўрганилди. Булар: информацион (ахборот), таҳлилий ва бадиий публицистик жанрлар. Бу бўлинув ўтган асрнинг охирларида Б.Стрельцов тадқиқотларида ҳам учрайди. Олим информацион жанрларга хабар, янгилик, ахборот, интервью, репортаж, ҳисобот; таҳилилий жанрларга: коореспонденция, мақола, тақриз, журналист суриштирувчи; бадиий-публицистик жанрларга: хат, очерк, эссе, феълетон, памфлет, кичик сатирик жанрларни киритган. [14] XX асрнинг охири XX1 асрнинг бошларида бу турлар орасида ҳам ўзаро интеграция жараёнлари содир бўлди. Хусусан А.Тертычный жанрларни уч гуруҳга ажратган ҳолда уларни бошқача таснифлаган. Масалан у информацион жанрлар гуруҳига: хабар, инфорацион корреспонденция, информацион ҳисобот, информацион интервью, блиц-сўров, савол-жавоб, репортаж, некрологни киритган. Таҳлилий жанрларга эса: таҳлилий ҳисобот, таҳлилий

корреспонденция, таҳлилий интервью, таҳлилий сўров, суҳбат, шарҳ, социологик резюме, анкета, мониторинг, рейтинг, тақриз, мақола, журналист суриштируви, ОАВ обзори, башорат, версия, тажриба, хат, иқрорнома, маслаҳат(рекомендация), таҳлилий пресс-релиз; бадиий публицистик жанрларга эса: очерк, фельетон, памфлет, пародия, сатирик шарҳ, маиший тарих, афсона, эпиграф, эпитация, латифа, ҳазилни киритган. [15] А.Тертычный гарчанда ҳар бир жанрнинг маъносини факт ва мисоллар орқали исботлаган бўлса ҳам, социология методларни ҳамда адабий жанрларни ҳам қўшиб юборган. Г.Корконосенко юқорида журналистикада жанрларни инкор этмаган ҳолда янги атамалар пайдо бўлганини тан олсада, матбуот материаллари мазмунан беш гуруҳга бўлади:

1) тезкор (оператив)-янгиликлар – барча турдаги хабарлар;
2) тезкор (оператив)-тадқиқий – интервью, репортаж, ҳисоботлар;
3) тадқиқий-янгиликлар – корреспонденция, шарҳ, тақриз;
4) тадқиқий – мақола, хат, шарҳ;
5) тадқиқий-образли (бадиий-публицистик) – очерк, эссе, фельетон, памфлет. [16] 100 б.

Биз жанр турларининг таснифланишига тўхталиб ўтирмай, буларни ичида мавзумизга алоқадор таҳлилий жанрлар ва уларнинг журналистикада тутган ўрни ҳақида гаплашамиз. Таҳлилий жанрлар қандай мезонлар асосида ажратилади ва уларнинг асосий вазифаси нима? Ушбу саволга рус тадқиқотчиси Б.Стрельцов “уларнинг вазифаси ва фаолият усуллари кундалик ҳаётда содир бўлаётган муайян воқеа, ҳодисалар, вазиятлар, фактларни таҳлил қилишдан иборат” дея таъриф беради. [17]

Таҳлилий жанрларнинг мазмун-моҳиятига тўхталишдан олдин уларнинг информацион жанрлар билан таққослаб кўрамиз.

Информацион жанрлар асосан жамиятда содир бўлган ва бўлиши тахмин этилган ҳаётий воқеалар, янгиликлар ҳақида хабар беради. Уларнинг асосий имконияти воқеликни акс эттириш ва зарур ҳолларда мавжуд фактларни қисмларга ажратиб етказиш билан белгиланади. Ўқувчи мухбирдан бўлиб ўтган воқеа-ҳодиса ҳақида (хабар, ҳисобот, интервью,

репортаж) маълумот олади. Бу ерда жанрлар мўлжали ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки уларнинг ҳар бири алоҳида ҳаётий материал, асосга таянади. Масалан: ахборот жанри орқали воқеанинг бўлганлиги ҳақида хабар, янгилик берилади. Репортаж орқали воқеани содир бўлиш жараёни акс этади. Интервью – содир бўлган воқеани кимнингдир қараши ёки, фикри орқали ифода этилади. Аммо бўлиб ўтган ҳар қандай воқелик, содир бўлган ҳодиса ҳақидаги хабарни эшитган, кўрган, ўқиган одам уни бир хилда тушунмайди ва қабул қилмайди. Бунинг учун ўша воқеанинг қачон, қаерда, ким томонидан содир этилгани ҳақидаги хабарнинг ўзи ўқувчига, томошабин ёки тингловчига камлик қилади. У кўпрок билгиси, воқеани келтириб чиқарган сабаблари, тафсилотлари, муаммолар, воқеалар ривожи, ечимлар, ижтимоий ҳаётга, келажакда жамоатчиликка кўрсатадиган таъсири ҳақида атрофлича тасаввурга эга бўлишни хоҳлайди. Бу табиийки таҳлилий жанрларга эҳтиёжни пайдо қилади.

Таҳлилий журналистика жанрларида жамиятда содир бўлган ижтимоий, сиёсий, маданий, маънавий ва бошқа соҳаларига тааллуқли ҳодисаларни жанр хусусиятларидан келиб чиқиб очиб беришга қаратилади. Шу нуқтаи назардан оммавий ахборот воситаларининг мақсади нафақат янгиликлар ҳақида хабар беришга қаратилган, шу билан бирга содир бўлган воқеа-ҳодисалар,вазият ва жараёнларни таҳлил, тадқиқ этиш, қарама-қаршиликларга ойдинлик киритиш билан ҳам белгиланади. Айнан ОАВнинг ҳаракати билан журналистика соҳасида таҳлилий жанрларнинг самарали тизими яратилди. Шу билан бирга улар доимий тарзда ривожланади, таҳлилий журналистика олдига қўйган вазифаларга мослашиб боради.

**Таҳлилий журналистика мазмун-моҳияти, йўналиш ва ёзилишига кўра бир неча жанрлар билан чегараланади. Буларга корреспонденция, мақола, тақриз, журналист суриштируви каби жанрлар киради.** Бу жанрларнинг бир-бирига ўхшаш ва шу билан бирга фарқли томонлари бор. Ўхшаш томони шундаки, ҳар бир жанрнинг объекти битта—яъни, муайян бир воқеликдир. Ҳар бир жанр фактларга асосланади. Бу фактлар ана шу воқеликдан олинади ва қайта ишланади. Ҳар бир жанрда таҳлил устивордир.

Унда журналистиканинг холислик, ҳаққонийлик, тарихийлик, ҳужжатлилик, миллийлик, халқчиллик, умуминсонийлик каби тамойилларига асосланади.

Фарқли томонлари эса жанрларнинг талабларидан келиб чиқади. Масалан, корреспонденциянинг асосий ахборий вазифаси “тушунтириш”, бўлиб ўтган воқеликни атрофлича ёритиш устиворлик қилиб, предметни қисмларга бўлиб, кенгроқ ўрганади. Шу боис у кўпроқ кенгайтирилган ахборотга ахборотга ўхшайди. Унинг вазифаси “нимага”, “нима сабабдан” деган саволлар жавоб беришдир. Мақола бирор бир муаммо, масаланинг ечимини очиб беришга қаратилиб, “нима қилиш керак?” деган саволга жавоб бериши кўзда тутади. Мақолада эса эркинлик, таҳлил орқали воқеликни ҳар томонлама ёритишга имкон бор. Тақриз айнан воқеликни эмас, балки мавжуд объектни, яратилган воқеликни ўрганади. Шу боис, бу жанрни “ахборот ҳақидаги ахборот” дейиш мумкин. Журналист суриштирувида эса бўлиб ўтган воқелик юзасидан ҳақиқатни сир тутган ҳолатларда, адолатни барқарорлаштириш учун олиб борилади. Мазкур жанрларни бирлаштирувчи асос эса бу—таҳлилнинг мавжудлиги билан белгиланади.

Журналистика соҳаси умуминсоний характер касб этгани, ахборот етказувчи воситаларнинг турлари, шакллари кўпайгани ва ривожлангани сари журналистика назариясида жанр тушунчасига бўлган муносабатнинг ўзгариши ва жанр тақдири билан боғлиқ башоратларнинг юзага келиши табиий албатта. Қолаверса, бунга қайсидир маънода асос бор. Чунки бир томондан, ахборот узатишнинг турли шаклларини ривожланиши, бора-бора жанр тушунчасига бўлган эҳтиёжни йўқотади, деган қарашни юзага келтирди. Бунга сўнгги пайтларда феълетон, очерк, памфлет сингари жанрларининг камайиб кетганлиги сабаб сифатида кўрсатилди. Иккинчи томондан журналистик жанрларнинг итергарциялашуви ана шундай фикрларнинг юзага келишига сабаб бўлди. Айниқса, сўнгги пайтларда жаҳон журналистикаси илмида (Ғарб назариячилари кўпроқ урғу беришади) журналистиканинг бош ва асосий вазифаси фақат ахборот етказишдан иборат, “жанр” тушунчаси вазиятни чигаллаштиради ва ўзгартириб юборади, шунинг учун у бош қотиришга арзимайди, деган карашлар устиворлик

қилмоқда. Шундай шароитда журналистика назарияси нуқтаи назаридан жанрни ўрганишнинг эҳтиёж борми ёки йўқми? Журналистиканинг бирламчи вазифаси жамоатчиликка зарур бўлган ахборотни етказиб беришдан иборат экан, уни қай шаклда етказиш керак? Ушбу саволларга жавоб бериш мазкур масаланинг чиндан ҳам мураккаб эканлигини кўрсатади.

Таъкидлаш жоизки, жаҳон журналистикасида жанр хусусида янги фикрларнинг пайдо бўлиши табиий ва ижобий ҳодисадир. Чунки янги фикрлар бу тушунчанинг қотиб қолган ( догма) эмаслигини, назарияларнинг ривожланиши баробарида жанр тушунчасига аҳамиятсиз қараб бўлмайди. Бунинг сабабини рус олими А.Тертычный бир неча омилларини санаб ўтади "**Биринчидан,** журналистика соҳасига тааллуқли асар тури тарихий шаклланган ва "жанр" сифатида аниқ кўринишга эга бўлган тушунча сифатида назариячиларнинг, шунингдек амалиётчиларнинг фикрларидан қатъи назар мавжуд ва у муайян матн кўринишида намоён бўлади"[18].

Турли матнларнинг ўхшаш сифатларига қараб алоҳида гуруҳларга ажратиши мумкин. Бундай гуруҳларга ажратиш турли тадқиқотчилар ёки амалиётчиларнинг муҳим деб ҳисоблаган долзарб масалаларни матннинг биринчи қисмига олиб чиқиш бўйича илгари сурган асосларга таянилади. Айнан шу жиҳат А.Тертычный фикрича, журналистик жанрлар ранг-баранглиги ҳақида тасаввур деради.

"**Иккинчидан,** жанрлар ҳақидаги аниқ тасаввур журналистларнинг профессионал мулоқотига ёрдам беради. Таҳририят бош муҳаррирининг "авиация ҳақида яхши бир материал тайёрланг", дейиши билан "синовчи-учувчи ҳақида очерк ёзинг" деган таклифи бошқача вазифани журналист зиммасига юклайди. Охир оқибатда журналист ундан айнан қандай материал кутаётганини яхшироқ тушунади". [19]

Демак, таҳлилий жанрларда журналист муайян воқелик ҳақида хабар бериш билан бирга, ушбу воқеликни келтирган чиқарган объектив ва субъектив сабаблар ўрганилади, улар юзасидан керакли маълумотларни, фактларни тўплайди, уларни текширади, қараш, фаразларни далиллайди, масалага ойдинлик киритади, муаммони кўтаради ва ечимини топади.

## 3. Таҳлилий журналистикада мавзу, факт ва фикрнинг аҳамияти

Журналистиканинг асосий кучи, аввало унинг ишончлилиги ҳамда исботлилиги билан белгиланади. [20] Журналист учун у қандай жанрда ёзмасин уч асос жуда муҳим. Булар: **мавзу, факт** ҳамда **фикр**дир. Энди уларнинг ҳар бирига алоҳида тўхталиб ўтамиз.

**Мавзу**— ҳақида “Энциклопедик луғат”да шундай таъриф берилади: “Мавзу—муаллиф томонидан асар ёзиш учун танланган ҳаётий ҳодиса ёки муаммога асосланган ғоявий ёндашувидир” [21]. У асарда акс этадиган ҳаётий воқеликни тадқиқ этиш, тасвирлаш доираси. Оддий қилиб айтганда воқеага тегишли маъно, моҳият. Рус олимаси С. Лазутина қисқача қилиб, мавзу - асар нима ҳақида эканлигини, ғоя – бу ҳақда муаллиф нима демоқчилигини кўрсатувчи тушунчалардир, деб айтади [22] 61б. Дарҳақиқат, журналист ахборот излаш ва тўплашга киришишдан олдин мавзу танлайди. Танлов ҳар доим жамоатчиликнинг эътиборини тортадиган, унинг эҳтиёжлари, ҳаётий воқеаларга тааллуқли қарама-қаршиликларга аниқлик киритиш ва тушунтиришда журналистнинг аралашувини талаб этадиган масалаларга қараб белгиланади. Жамоатчилик аҳамиятига молик мавзуни аниқ белгилаш нафақат ҳар бир журналистнинг профессионал маҳоратини, балки у ишлаётган газета ёки бошқа ОАВнинг ҳам мавқини белгилайдт. Ҳар қандай мавзу эса ўз аудитроиясини шакллантиради. 75 б.Лазутина

Кўпинча талабалар ёзишга мавзу тополмасликдан қийналишлари ҳақида айтишади. Гўё ёзилмаган мавзу қолмагандай. Аммо ёзмоқчи бўлган ҳаваскор учун ҳаётда содир-бўлаётган ҳар қандай воқеа-ҳодиса мавзу ролини ўташи мумкин. Факат бунинг учун у ижтимоий аҳамиятга эга бўлиши, яъни кўпчиликка тааллуқли бўлиши зарур. Айримлар катта-катта мавзуларга қўл уришга урадилари кейин уни очиб бера олмай қийналадилар ёки мавзунинг ичига ғарқ бўлиб йўлини йўқотадилар. Шунинг учун танланадиган мавзуда бутун воқеликни қамраб олиши шарт эмас, балки унинг бир жиҳатини, ҳолатини очиб бериш мақсадга мувофиқдир. Яъни мавзу қанчалик тор олинса, шунчалик кенг очиб берилади. Масалан, жиноятчиликнинг ўзини ҳодиса сифатида олмай балки “жиноятчиликнинг сабаблари”, фақат сабаблар эмас, социал-психологик табиатини ўрганиш назаримизда мавзуни аниқлаштиришда муҳимроқ ҳисобланади. Шундай қилиб мавзу бу — муаллифнинг томонидан тадқиқ қилишга танланган муайян бир ҳодисага бўлган муносабати ҳақидаги асосий фикрдир.

Мавзу – сўз сифатида кенг маъно касб этиб, турли томонлар ва чегараларга эга бир бутун объект сифатида тасаввур уйғотади. Масалан, журналист таҳририят топшириғи билан ёритиши керак бўлган объектга, айтайлик, математика бўйича мактаб ўқувчилар ўртасида бўлаётган халқаро фан олимпиадасини ёритишга кетди. У ерда турли хил ОАВдан ўзига ўхшаган журналистлар, ҳамкасблари ҳам борган. Уларнинг ҳаммаси гўё битта мавзуни ёритадиган бўлиб кўради. Аммо иштирок этаётган ҳар бир журналист ўзининг таҳририяти топшириғи ва йўанлишидан келиб чиқиб

фаолият олиб боради. Кимдир олимпиаданинг очилишини ёритиш, кимдир ташкилотчилардан бири билан суҳбат қилиш, кимдир тадбирнинг бориши тўғрисида репортаж тайёрлаш каби вазифаларни бажариш топширилган. Булар объектнинг саноқсиз томонларидир. Аммо унга журналистнинг эътибори, ўзи танлаган мавзу алоҳида ва уни ёритиш предмети турличадир. Мана шунда айнан мавзу предмет сингари муайян жанр орқали ифода этилади. Мавзу танлашда журналист учун эркинлик объект ичидан ("катта" мавзу) аниқ мавзуни мустақил танлай олишдир.56 НШибаева. 66. Буни тадқиқотчи НШибаева шундай мисол билан исботлашга уринади : "Бизнинг давримизнинг энг долзарб муаммолардан бири бўлган – қаровсиз болалар мавзусини ёритиш ҳақида ўйлаб кўрайлик. Вазифа –қаравсиз болалар билан ишлаш бўйича юқори натижаларга эришган педагогнинг улар ҳақидаги фикрларини билиш. Бизга керак одам анчагина обрўли, демак жанр – интервью зарур бўлади. Қўллайдиган метод: саволларни тузиш ва суҳбатлашиш.

Ким билан суҳбатлашиш керак? Афсуски, бу борада юқори натижаларга эришган педагоглар жуда кам. Борлари ҳам ҳамманинг кўз ўнгида, чунки улар ҳақида аллақачон ёзишган, кўрсатишган, суҳбатлашишган ҳам. Бошқа "йўл"ларни қидирамиз. Милиция формасидаги педагогми ёки руҳониймиʼ? Балки хорижлик машҳурлар Етиб бориш қийин. Айтишларича, чет элда болалар тарбияси бўйича ҳали ҳам Макаренко тажрибасини ўрганишар экан, ҳатто кўпчиликка замонавий ҳаётимизга мос қимматли маслаҳатлар қўл келган эмиш. Шундай экан нега биз оғриқли саволларимизни Антон Семеновичга бермаймиз? Тўғри у аллақачон вафот этган, аммо унинг бир неча томлик мақолалари, маърузалари, хатлари ва ҳатто «Педагогик поэма»си қолганку?! У ерда нафақат социалистик тарбия, балки бизнинг саволларимизга ҳам жавоб топилар. Қадрли ўқувчи бундаги янгилик ҳам, фойда ҳам, қаноатланиш ҳам мавзунинг кутилмаган қарори туфайлидир. Шундай қилиб вазифанинг бажариш йўллари ўшандай – интервью, савол бериш ва жавоб олишдан иборат. Аммо у муаллифнинг ўзига хос "юриши" ҳужжатларни (адабий) ўрганиш орқали бажариш йўлидир." 69-72 НШибаева

Таҳлилий журналистикада мавзу билан бирга ёзилажак журналистик асарнинг концепцияси ҳам жуда муҳим. Журналист мавзуни топган бўлса-ю, уни ёритишга бағишланган муайян режа, хатти-ҳаракат, мақсад ва вазифалар бўлмасачи, умуман мавзу танланган у ишни нимадан бошлайди, нимани ўрганади ва бу қандай самара беради, қандай натижага олиб келад. Рус публицисти В.Аграновскийнинг фикрича, агар мавзу – у муаллифнинг содир бўлган воқеликка нисбатан билдирадиган муносабати, фикрлар миқдори, бўлса, концепция ҳам худди шу фикрлар миқдори, фақат тизимга, тартибга солингани, яъни бўлғуси асарининг модели, қурилмаси ҳисобланади.

"Концепция – ёшга нисбатан мавзунинг синглиси,-деб ёзади публицист,- чунки у мавзудан кейин туғилади, моҳиятан, асосланиши жиҳатидан эса опаси. Мавзуни исботсиз шаклга солиш мумкин, концепцияга эса асос, исбот керак бўлади. Ўй-қарашдан мавзуга қадар ярим қадам, концепциягача эса бутун қадам." [7] (Валерий Аграновский. Вторая Древнейшая. Беседы о журналистике. М., Изд. «ВАГРИУС», 1999. С.23) Баъзан фараз билан мавзу бир пайтнинг ўзида

туғилиш мумкин.  Шундай пайтда журналист белгиланган мавзуни ўзининг фаразлари орқали тасаввур этиши, уни амалга ошириш йўллари ҳақида ўйлаши ва манбалар устида бош қотириши зарур. Аммо кўпинча фараз  фақат мавзуни ҳис қилиш бўлиши ёки ўй-хаёл амалга ошмай қолиши ҳам мумкин. Бу ҳам вақт ва тажриба билан боғлиқ жараёнлар. Айрим ҳолларда ёзмоқчи бўлган мавзу хаёлдан ўтадию, эсдан чиқади. Демак уни ёзишга зарур бўлган вазият, жараёнлар ҳали етарли даражада ўрганилмаган.   Шу нуқтаи назардан замонавий журналистиканинг олдига турган вазифалари, қатор маҳоратли журналистларнинг тажрибаларига таяниб айтиш мумкинки, концепция мақола учун материаллар тўплангандан кейин эмас, унга қадар ишлаб чиқилиши керак.

Масалан, муҳаббат, Ватан ёки, она ҳақида ёзиш осон ва яхши" дегувчилар кўп. Аммо уни ёзишга жазм қилинганда муҳаббат ҳақида фараз бору, унинг асоси – **фикр** йўқ. Шу нуқтаи назардан, таҳлилий журналистиканинг яна бир муҳим талаби унда **фикр**нинг мавжудлигидир. Фикр қаердан пайдо бўлади, умуман фикрнинг ўзи нима? Бу ҳақда В.Аграновский шундай дейди: "Фикр мавзудан олинади деган қараш мавжуд. Аслида ҳам шундайми? Бу журналистика маҳоратидаги чуқур илмий асос талаб қиладиган масала. «Фикр –публицистиканинг негизи. Яхши ёзадиган одам яхши ёзмайди, яхши фикрлайдиган одам яхши ёзади.»[15] [14] Аграновский А.Д. Очерки разных лет. М., 1960. С. 107 Ватан ҳақида кўтаринкилик билан ёзмоқчи бўладию, ўхшамайди. Бировнинг гапини такрор ёзаётгандай тасаввур уйғотади. Чунки мавзу аниқ эмас. Она, Ватан, Муҳаббат катта мавзулар ҳисобланади. Унинг ҳар биридан ўнлаб мавзулар қилиш мумкин. Ва албатта уни бирор бир муҳим ҳаётий вазият билан боғлаш зарур. Вазият ёки бўлиб ўтган воқеадан ҳаётий талаб этилса, журналист уни исботлаши учун муайян асосга таяниши керак. Ана шу нарса - манбадир, маълумотдир. Қандай манбалар фикрни уйғотиши мумкин? В.Аграновский унинг иккита турини кўрсатади. Биринчиси — журналистнинг ўзига хос ижтимоий тажрибаси, маълумотлар йиғиндиси, яъни унинг билимидир. Иккинчиси эса— фикрнинг пайдо бўлишига туртки берадиган фактнинг ўзидир.

Журналистик таҳлил ва талқинни бир-биридан ажратиб турувчи нозик чегара  мавжуд. Журналист мавзуни очиб берар экан, ёритилаётган мавзу атрофидаги фактларга асосланади. Бу журналистик таҳлилга мисол бўлиши мумкин. Журналист ўзи ёритаётган мавзуга, воқеликка, инсонлар тақдирига яқиндан кириб бориб, жараёнларга шахсий нуқтаи назарини сингдириш орқали мавзуни ўз нигоҳида талқин этади.

.

"Факт, фикр, сўз булар журналист ижодини ташкил қилади, журналистиканинг устунлари деб айта оламиз. Факт журналист ижодининг асоси, фикр унинг мотори, сўз эса қурилиш ашёси. Айнан ана шу учлик журналистиканинг юрагини ташкил қилади, булар бўлмаса, журналистика ҳам мавжуд эмас."1

---

1 Карпенко В. Основы профессиональной коммуникации.- К.: Нора принт, 2002.- С. 55-71.

**Факт** — бу журналист ўз материалида қўллайдиган ҳужжатли асос, маълумот. У орқали журналист айтмоқчи бўлган фикрини исботлайди. Мавзуни очиб беради. Журналистика назариясида фактга жуда кўп таъриф берилган. Масалан, А. Ракитов “факт” аҳамияти катта эканлигини таъкидлаган ҳолда унинг энг кенг тарқалган учта аҳамиятини ажратиб кўрсатади: “ҳақиқат”нинг синоними, “воқеа”нинг синоними, тажрибадан олинган эмперик натижалар ҳақида статистик маълумотни ўзида ифода этувчи ўзига хос тур. Сўз сифатида факт қандай маънога эга?

Факт сўзи лотин тилида factum «қилинган, содир бўлган» деган маъноларни англатади. Олимлар бу тушунчанинг онтологик ва гнесологик хусусиятлари ва улар орасидаги жиддий фарқни ўрганганлар. Онтологик маънода факт – «мавжудлик бирлиги, кузатиш мумкин бўлган, аммо инсон тафаккуридан мустақиб ҳолда мавжуд»; Гносеологик маънода — «тафаккур кўриниши, реалликнинг якка акси». 65б. Лазутина

Бу борада В. Гороховнинг фикрлари ҳам олиманинг қарашларига ҳамоҳангдир. В.Гороховнинг фикрича, биринчидан содир бўлган воқеа онтологик факт бўлса, ушбу фактнинг инсон миясида айланиб, фикр уйғотиши гносеологик факт дейилади. Репортер баъзи ҳодисаларни яширган онтологик факт маълум маънода кўпинча ишонарли бўлиши мумкин.

Таъкидламоқ керакки, факт универсал тушунчадир. У ғоя, муаммо, зиддият, далил, образ, деталь, парадокс, рамз бўлиши мумкин.

Факт – қайсар нарса. Ақл билан ёндашишини талаб этади. Бу машҳур формулада биз ҳужжатлар билан ишловчилар учун энг асосий нарсани ифодалайди: унинг қайсарлиги билан ҳисоблашмаслик мумкин бўлмаган ҳамда у билан ишлашни уддалашга боғлиқ бўлган – фактнинг сифатидир. Фактнинг бутунлигига путур етказмасдан, унга ҳеч нарса қўшмасдан, олмасдан, бўрттирмасдан, тегмасдан, умуман олганда унга маҳорат билан ёндашиш фактнинг сифатини белгилайди. 78 б(Валерий Аграновский. Вторая Древнейшая. Беседы о журналистике. М., Изд. «ВАГРИУС», 1999. С.23)

Биринчидан, факт бу ҳақиқатда содир бўлган ҳодиса бўлса, иккинчидан факт сўзининг тагида қайд этилган ҳодиса деган маънони ҳам англашимиз мумкин. Масалан, краннинг иссиқ сувини бурасак, жўмракдан иссиқ сув оқиши, бу факт. Ёки видео, аудио тасмаларга ёзиб олинган далилларни келтиришимиз мумкин. В. Здоровеганинг фикрига қараганда, иккинчи ҳолатда, яъни бирор техник буюмга ёзиб олинган факт, озгина бўлса ҳам субъективликка асосланган бўлади. Шундай қилиб, фактларни иккига бўламиз. Реал ва акс эттирилган фактлар.

Ролига кўра факт қуйидагиларга бўлинади: 1) журналист асарида факт мустақил ролга эга бўлади ва нима, қаерда, қачон, ким билан, қандай саволларига жавоб бўлади. 2) журналистнинг фикри, унинг таҳлили, шарҳи, баҳоси, хулосалари акс этган бўлади. Бу ерда факт муаллифнинг фикрини тасдиқловчи, унинг позициясини англатувчи ҳужжат сифатида намоён бўлади. Айнан факт ёрдамида журналистлар реал ҳаётнинг ранг-баранг моделини яратадилар. Журналист асарида фактларнинг ўрни ва вазифалари кўп тарафламадир. Улар хабарнинг асосий ахбороти бўлиши, далил сифатида

иштирок этиши, ёки илмий асосланганган исбот сингари кўп вазифаларни амалга оширади. «Журналистикада факт ижтимоий аҳамиятга эга бўлган воқелик реал кўринишда ишончли тақдим этишдир»2[4].

Умуман муаллифлар таҳлилий материалларда фактларни беришда бир неча усул ва йўллардан фойдаланади:

- биринчидан, турли қонун ҳужжатлари, статистикалар, халқаро ва маҳаллий ташкилотлар маьлумотларидан фойдаланиш орқали;
- иккинчидан, соҳага оид мутахасислар билан суҳбатлашган ҳолда уларнинг тилидан ёки унинг ўз фикрини бериш орқали;
- учинчидан, журналистнинг бевосита ўзи кўрган, гувоҳ бўлган маьлумотлар орқали ва ҳоказо.

Ҳар доим фактларни қўллашда уларнинг асосини кўрсатиш яхши самара беради. Баьзан эса топилган фактларни асосли чиқиши учун уларни исботлаб бериш ҳам талаб этилади. Шунингдек топилган фактни қандай бўлса шундайлигича ўқувчига узатишдан тийилиш лозим. Чунки унинг тўғрилиги ҳали исботланмаган. Масалан, воқелик ҳақидаги ҳамма мишлар ёки оғзаки маьлумотлар факт бўла олмайди. Агар ушбу миш-мишлар ёки оғзаки маьлумотлар чиндан ҳам қизиқарли бўлиб, мавзунинг очиб берилишга кўмаклашишига кўзи етса ва бу фактни беришни истаса бу борадаги тегишли ташкилот, ёки мутахасислар билан маслаҳатлашгани маьқулдир. Чунки баьзан бу каби фактни тўғридан-тўғри бериш ўқувчида шубҳа уйғотиши мумкин. Масалан, “Чархи гардун” газетасининг 2010 йил 9 июнь сонида чоп этилган “Абитуриент 2010: Доллар зўрми ёки билим?” номли мақолага диққат қаратайлик. Мақолада мамлакат олийгоҳларидаги шартнома асосида ўқишга кираётган абитуриентлар хусусида фикр юритилиб, уларда ўрнатилга шартнома пули масалалари журналист томонидан таҳлил этилади. М.Манишвар томонидан ёзилган ушбу мақолада қуйидагича факт келтирилади : “ ... Маориф вазирлиги бу йил шартнома пулининг микдорини ўзгартирмаганини таькидлашмоқда. Бироқ кўпгина университетларда амалдаги тайинланган 900 доллар ўрнига 1000 доллар контракт пули ўзбошимчалик билан ўрнатилган...”. Журналист ушбу фактни келтиргач конкрет университетни мисол келтирмайди. Бу эса кўпчиликда ушбу фактга нисбатан шубҳа пайдо қилиши мумкин. Агар журналист конкрет бир университетни мисол келтириб, керак бўлса бунинг сабабини суриштирганда унинг ишончлилик даражаси ошарди.

Журналист иши факт тўплашнинг ўзида чегараланиб қолмасдан, унинг ишлаш ва тақдим этиш катта аҳамият касб этади. Фактларни йиғиш бу ишнинг 50фоизидир. Фактларни тўғри тақдим этиш журналист маҳоратига боғлиқ. Шу ўринда алоҳида таъкидлаш лозим, зерикарли янгилик бўлмайди, уларни зерикарли тақдим этиш ҳоллари кўп учрайди. Шунинг учун ҳам нашрлар кўп, уларнинг орасида севиб ўқиладиганлари саноқли. А. Коноваловaнинг фикрига кўра, фактларни маълумот учун тақдим этиш, уларни маъноли қилишдан бошланади. Фактлар, албатта ижтимоий

---

2[4] Поелуева Л.А. Указ. соч. С. 5.

аҳамиятга молик бўлиши даркор. Аммо бу ҳам камлик қилади. Тақдим этилаётган факт аудиториянинг дунёқарашини кенгайтириши ва тасавурини ошириш лозим. Шунинг учун ҳам ушбу икки нарсани бир фактга бирлаштириш лозим. Факт қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

1. жамоатчилик фикрини уйғотиши;
2. ахборийлик қийматига эга бўлиши;
3. ҳаққоний, тезкор ва тўлиқ бўлиши керак.

Фактларнинг позицияли жойлашганлигини қуйидагилар орқали билиб олиш мумкин:

– вақт тамойилига кўра, бу ҳолатда факт воқеалар ривожининг маълум бир вақт оралиғида содир бўлганини англатади;
– қарама-қаршилик тамойилига кўра;
– фактларнинг муаммоли гуруҳига кўра.

"Муаллиф вақт тамойилига кўра жойлаштиришни кўпинча хронологик тарзда фактларни тақдим этаётганда маъқул кўради. Бу ҳолатда тўғри ёки бўлмаса тескари хронологиядан фойдаланилади.

Журналистлар учун воқеани холис ёритмоқ учун фактларга қатъий риоя этиш муҳим ҳисобланади.
«Журналистлар учун холислик математик ёки илмий аниқлик дегани эмас балки, аниқроғи янгиликларни ҳаяжондан, фактдан фикрни ажратиб ёритишдир. Кўп журналистлар холислик деганда фактларни аниқ акс эттиришни ва воқеаларни ҳеч қандай эҳтироссиз ёритиш ҳисобланади. Охирги пайтларда, айтмокчи бўлган холислик назарияси воқеаларни эҳтирослар билан ёритишдан узоқ таҳлилий акс эттиришга эътибор қаратишмокда.»3[3].

Савол туғилади, битта журналистик материалда нечтагача факт қўллаш мумкин? Фактларга нисбатан миқдорий талаблар борми? Энг кўпи қанча бўлиши керак, энг ози қанча? Саволларнинг бундай қўйилиши бежиз эмас. Чунки агар журналистик материалда бирорта факт бўлмаса, у муносабат ёки мулоҳазадан бошқа нарса бўлмайди. Агар фактлар керагидан ортиқ қўлланса ўқувчини зериктиради, шу материални ўқигиси келмайди.
"Француз журналистикасида факт шаклига кўра энг кичик жанр ҳисобланади. Фактлар газетада 4-5 қаторга жойланади ва 4 та узун бўлмаган гапдан иборат бўлади. Факт сарлавҳага ва ҳеч қандай стилистик бўёққа эга бўлмайди. Ушбу кичкинагина саҳифа ўқувчилар орасида жуда машҳур бўлиб, кўпи билан бир дақиқа вақтни олади. Ушбу фактлар деярли шарҳсиз бўлади, бўлса ҳам цитата орқали берилади. Муаллиф фикри эса умуман бўлмайди. Улар асосан 4 та саволга жавоб беради: ким? Нима қилди? Қачон? Қаерда? Биринчи битта ёки бўлмаса иккита сўз қалин шрифтлар билан тўнкарилган эҳром шаклида ёзилган бўлади."4 Бу борада рус назариячилар ёндашув бироз ўзгача.

---

3[3] Дэниис Э., Мэррилл Дж. Беседы о масс-медиа. М., 1997. С. 177.

4 Гид журналиста: Сб.уч. матер./ Сост. А. Лазерова. – М.: Полиграф. Центр Киев. Ун- т им. Т. Шевченка, 1999 .-С. 21-22

Рус олимаси Лазутинанинг фикрига кўра, журналистга нисбатан қўйиладиган муҳим профессионал талаблардан бири: агар у фақат битта факт ҳақида ҳикоя қилмоқчи бўлса ҳам, албатта вазиятни ўрганиши керак. Уни кўриши, таҳлил қилиши, бошқа фактлар билан алоқаси, содир бўлган мазкур воқелик парчасидаги характерли жиҳатини билиши керак. Ваҳоланки, битта факт ҳақида ҳеч қачон ёзиб бўлмайди. Ёзиш учун камида учта факт бўлиши керак. 66 б.

Ёш тадқиқотчи Ф.Саидовнинг олиб борган таҳлилларида шундай маълумотларни учратиш мумкин. "“Жамият” газетасининг 20.11.2008 йил сонидаги “Бир финжон каҳвага 140 литр сув” номли мақола эьлон қилинган. Мақолада журналист мамлакатимизда сувдан фойдаланишдаги исрофгарчиликлар хусусида фикр юритган. Ва шу масалани муамммо сифатида кўтариб ўқувчиларга ҳавола этган. Бироқ мақоланинг деярли учдан икки қисми фақат статистик маьлумотларга тўлдирилган. Ушбу статистик маьлумотларнинг барчаси бошқа давлатларга тегишлидир. Журналист мақолани ана шундай статистик маьлумотлар билан бошлаб, сўнгги қисмидагина асосий мауамммонинг тахлилига ўтади. Мақолани ўқиш жараёнида ушбу узундан-узун ва кетма-кет ишлатилган статистика маьлумотлари ўқувчини зериктириб қўйиши тайин. Шу сабабдан ҳам мақоланинг асосий мавзусини очиб беришга хизмат қиладиган рақамлардан фойдаланиш ва икккинчи даражали маьлумотлардан воз кечиш лозимдир.”

Хабарнинг мақсадига қараб журналистлар фактларни беришнинг: қайта очиш, тасвир, исботлаш, далиллаш усулларидан фойдаланади.

Манбалар билан ишлашга киришда журналисти учта асосий муаммони: энг ишончли ахборот манбаларни танлаш, унга эришишнинг таъминлаш ва олинган маълумотларни текширишни ҳал этади. 77Корконосенко.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, фактлар деб ҳар қандай маълумотни айта олмаймиз. Фактлар билан ишлаётганда уларни бир эмас икки маротаба текшириш зарур, ҳаттоки манба ишончли бўлса ҳам. Шу ўринда савол туғилади, қандай қилиб текшириш мумкин. Бунинг ўзига хос қоидаси мавжуд:

1) ҳамма маълумотларни икки маротаба, керак бўлса ундан ҳам кўп маротаба текширишга ўрганиш керак.

2) ҳамма рақам ва фактларни қанча кўп манба орқали тасдиқланса, шунча яхши.

3) мақолани нашрга беришдан олдин, албатта исми шариф, инциаллар, лавозим ва бошқа статистикаларни текшириш лозим.

Д. Эвереттнинг айтишига кўра, одатда муҳим туюлмаган факт журналистга кўп оворагарчиликлар келтириши мумкин.

Факт шундай ҳодисаки, кўп фактларга ва билимга эга бўлган журналист бемалол фактлардан ўз фойдасига фойдаланиши мумкин. Аммо шундай фактлар ҳам борки, уларни инкор этиб бўлмайди. Шундай экан, фактлардан унумли фойдалана олган журналист ўз асарининг муваффақиятли чиқишига замин яратган бўлади.

Мақола жанрида қаламга олинган битта муаммо айнан аниқликни, мавзудан чиқиб кетмасликни таъминлагани боис, фикрни аниқ ва равшан фактларга асосланган ҳолда ифодалаш имконини беради. Агар журналистнинг шахсан ўзи воқеа-ҳодисанинг гувоҳи бўлмаса, маълумотни қаердан, кимдан олинганлиги ҳақидаги манба кўрсатилиши керак.

**2-мавзу: Корреспонденция**

1. **Корреспонденция жанри ҳақида тушунча. Унинг информацион жанрлардан фарқли жиҳатлари.**
2. **Корреспонденция турлари: информацион ва таҳлилий корреспонденция.**
3. **Матбуотда таҳлилий корреспонденциянинг ўрни ва аҳамияти.**

***Корреспонденция* — таҳлилий журналистиканинг мустақил жанрларидан бири бўлиб, предметнинг қачон, қаерда, қандай қилиб содир бўлганлиги ҳақида кенг ва атрофлича хабар бериш орқали, предметга боғлиқ ички ва ташқи омиллар, уларни келтириб чиқарган сабаблари, натижалари ўрганилади ва бу ҳақдаги ахборот батафсил ёритилади.** Унинг асосида муайян бир воқелик, ҳолат, вазият, жараён ҳақида атрофлича ахборот етказиш ётади.

**“Бахтли бўлиш ўз қўлимизда”**

*“Қонуний никоҳсиз тўй, гўё эгасиз қолган қайиққа ўхшайди. Уни кучсизгина эсган шамол ҳам қирғоққа чиқариб ташлаши мумкин. Афсуски, бу каби салбий иллатлар, оз бўлса-да ҳаётимизда учраб турибди. Бунинг асл сабаби ҳуқуқий билимларнинг етишмаслигидадир. Бироқ негадир буни тан олгимиз келмайди. Биз фарзандларимизга мактабдаёқ никоҳ ва оила муқаддас эканини чуқур ва ҳаётий далиллар асосида сингдириб боришимиз зарур. Зеро, оила – миллат ва жамият таянчидир.*

*Биз ёшларни оилавий ҳаётга тайёрлаш ва улар дуч келиши мумкин бўлган салбий ҳолатларнинг олдини олиш борасида Ғиждувон туман Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш бўлими мудираси Р.Сафаровага мурожаат қилдик".*

Шу тарздаги кириш билан бошланувчи ушбу корреспонденциянинг асосий мавзуси расмий никоҳдан ўтишга ёшлар ва катталарнинг муносабати ҳақидадир. Журналист уни аниқ бир объект асосида, яъни Бухоро вилояти Ғиждувон тумани фуқаролик далолатномаларини ёзиш бўлими мисолида олиб боради. Ушбу масала юзасидан тумандаги ҳолатни битта воқелик асосида кўрсатиб беради.

*"... тўй куни белгиланди. Замиранинг онаси қонуний никоҳдан ўтиш ҳақида сўз очганди, қудалар "ЗАГСдан ўтиш учун бир ой кутиш керак, бу ишга кейин ҳам улгиришади" дея гапни қисқа қилишди. Тўй ўтди. Рустамжон ишлагани кетди. Орадан уч ой ўтди. Бу орада қайнона-келин можароси келиб чиқди. Буни қарангки, қайнона келиндан яхши фазилат эмас, аксинча қусур излашни канда қилмади. Охир-оқибат Замира ҳомиладор ҳолида онасиникига кетиб қолди. Ўша ерда кўзи ёриди. Оқибатда у ҳужжатларда ёлғиз она деб қайд этилди. Қизнинг, хусусан ота-онанинг эътиборсизлиги, соддалиги улар учун қимматга тушди. Қаранг, ҳали қонуний никоҳдан ўтмаган оила бузилиб кетди".*

Журналист бу воқеа орқали туман судига бир йилнинг ичида 67 та ёлғиз она ариза бергани, ўтган йилга қараганда 166 та оталикни белгилаш ҳолати камайгани ҳақидаги далилларни келтиради. Бундай воқеаларни олидини олиш учун туман миқёсида қандай ишлар амалга оширилаётганига эътиборни қаратади. Масалан, *""Оила дорилфунуни" иш режаси асосида аҳоли ўртасида расмий никоҳсиз оила қуришнинг салбий оқибатлари ҳақида давра суҳбатлари, ўқув-курси машғулотларига 1097 нафар ёш келин-куёв жалб этилди, уларга ҳуқуқий тушунчалар берилгани,* шунингдек *иш жараёнида ёлғиз она ёки оталикни белгитлашнинг сабаблари ҳам таҳлил этиб борилаётгани ҳақида далиллар келтиради"*.
Корреспонденциянинг сўнгида муаллиф бу масалани тўғри ҳал қилиш учун... *оилада, маҳаллада, мактабда ёшлар тарбиясига эътиборни янада кучайтиришни, уларни оилавий ҳаётга тайёрлаш масаласига жиддийроқ ёнашиш лозимлигини* таъкидлайди.
Манноп Отабой **("Миллий тикланиш" 2009 йил 7 январь 2(11) сон)**

Корреспонденция моҳиятан ун ча катта бўлмаган жанр ҳисобланса-да, воқеликни таҳлил қилиш орқали кенг ёритиб беришни талаб этади.

Унинг ҳажми баъзан 100-120 қаторни ташкил қилса, баъзан бутун бир газета саҳифасини эгаллаши ҳам мумкин. Аммо бугунги матбуот нашрларида бундай корреспонденциялар деярли учрамайди.

Корреспонденциянинг келиб чиқиш тарихига назар ташлайдиган бўлсак, Россия матбуотида "корреспонденция" деган тушунча XYIII асрлардаёк мавжуд эди. Шу ўринда қайд этиш жоизки, газета, журналлардаги кўпгина материллар корреспонденция деб аталиб келинган. Фақат XIX асрга келибгина бу тушунча муайян жанр сифатида мувофиқлашди. Ҳажмидан қатъий назар, корреспонденциянинг воқеликни ёритишда аниқ вазифаси бўлган.

Замонавий матбуот нашрларида чоп этиладиган материаллари аниқлик ва қисқаликни талаб этади. Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб корреспонденцияда ҳам воқеликни аниқ ва лўнда берилиши, аммо албатта таҳлилга асосланиши лозимлиги талаб этилади.

**Корреспонденция иккига**: информацион ҳамда таҳлилий корреспонденцияларга бўлинади.

**Информацион (ахборот) корреспонденция** – ҳақида гап кетганда кўпинча унинг хабардан деярли фарқ қилмаслиги таъкидланади. Яхлит олиб караганда хабар ва информацион корреспонденция бир-бирига жуда ўхшаб кетади. Аммо хабарда асосан бўлиб ўтган воқеа ҳақида қисқа ва лўнда ахборот берилса, информацион корреспонденцияда эса предмет қисмларга бўлиниб, таҳлил орқали кенгроқ ёритилади. Информацион корреспонденциянинг предмети ҳам қандайдир воқеа, ҳодиса, вазият, жараён ҳисобланади. Унда предметнинг фақат фактларга асосланиб ёритиш билан бирга, ўша фактларнинг ичида муҳимини аҳамиятсизидан фарқлаши, баҳолай олиш, тасаввур ва хулосага эга бўлиши керак. Бу дегани информацион корреспонденция ёзаётган муаллиф ўз олдига ёритаётган предметнинг воқелик билан ўзаро муносабатига аниқлик киритиш вазифасини қўймаслиги зарур. Унинг учун энг асосийси— ёритаётган воқеликнинг сиртида ётган омиллари ҳақида хабар беришдир.

Информацион корреспонденция мазмунан репортажга ўхшаб кетади, аммо улар айнан бир хил бўла олмайдилар. Бунинг бир неча сабаблари бор. Аввало, корреспонденция муаллифи репортаждаги сингари воқелик содир бўлган жойда бевосита бўлиши шарт эмас. Қолаверса, корреспонденция репортаждагидек ёритилаётган воқеликнинг бутун ҳис-ҳаяжон, катнашчиларнинг ҳолатини тасвирлаб бериш вазифасини ўз олдига мақсад қилиб қўймайди.

**“Мусиқани таржима қилиб бўлмайди”**

*“Эъзоза 11 ёшидан санъат мактабига кириб келган эди. Дугоналарининг бу даргоҳга қатнаётганини эшитиб, ўзбек халқ чолғу асбоблари бўлимининг дутор мутахассислиги бўйича мураббийга учрашди. Ўқитувчи унинг кечикканини, дарслар сентябрдан бошланганини айтди. Эъзоза эса қайтиб кетмади, умидини ҳам узмади. Келаверди, келаверди. Ўқитувчи кўрдики, бу жиккакина қизда санъатга қизиқиш кучли.*

*- Майли, сенга имконият бераман, аммо синов шарти билан қабул қиламан, - деди ниҳоят устози. Шу тариқа Эъзоза ўқув йилининг ярмидан санъат мактаби сабоқларига қатнай бошлади”.*

Ушбу информацион корреспонденцияга келтирилган мисолда “Янги авлод” болалар ижодиёти фестивалида ғолиб бўлган Эъзоза Жалилованинг ҳаёти ва ҳаракати мисолидаги вазиятлар, жараёнлар орқали қандай қилиб бунга эришганлиги очиб берилган.

Бир қараганда ўқувчи учун оддий ахборотдай бўлиб кўринади. Аммо жиддий эътибор берилса, ушбу корреспонденцияда изчил таҳлил бор. Журналист ўқувчи учун оддий ахборот деган тасаввурдан узоқлаштириш учун Эъзозанинг бошқа ўзи сингари мусиқа ўрганувчи болалардан нимаси билан фарқ қилади, деган саволни қўяди. Ушбу саволга мусиқа ёзади, деган оддий жавобни бериш мумкин эди. Аммо муаллиф шу воқеликнинг гувоҳи бўлган Эъзозанинг устози Муҳаррам Каримовага мурожаат қилади :

*- У санъат оламига шунчаки ижрочи, созанда бўлиб эмас, балки ижодкор сифатида кириб келяпти. Куларнинг бирида “Опа, бир куй басталадим, эшитиб кўринг-чи”, деганида қулоқларимга ишонмадим. Нимадир бор, яна бир оз ишласа, натижа чиқади. Сўнг унга алоҳида меҳр билан сабоқ бера бошладим.*

Унинг сўзларини эса ушбу бастакор қизчанинг 10 дан ортиқ куй яратгани ҳақидаги фактлар билан далиллайди. Шу билан бирга Эъзозанинг

фикрларини ҳам ҳавола этади: *Унинг кўп бор такрорлайдиган гапи "Шеър ёки романни таржима қилиш мумкин, аммо мусиқани таржима қилиб бўлмайди".*

**ЛолаЎроқова,** ("Оила ва жамият газетаси" 2009 йил, 14-20 май, 21* сон)

Фақат корреспонденция сўнгидагина муаллиф Эъзозанинг шахсини, қаерда яшаши, қайси мактабда, нечанчи синфда ўқиши, қандай орзулар билан яшаётгани ҳақида маълумот беради.

Информацион корреспонденцияла кўпинча оддий воқеаларгина эмас, вазиятлар, жараёнлар ҳам ёритилади. Мухбир учун муҳими - ишнинг моҳиятини ёритиш, репортёр учун эса воқеликнинг мазмунини тезкорлик билан баъзан жамоатчиликнинг ҳиссиётларига таъсир орқали бериш муҳимдир.

**Таҳлилий корреспонденция**

Таҳлилий корреспонденциянинг асосий феномени ҳам қандайдир воқеа-ҳодиса ҳисобланади. Шу жиҳатдан бу жанр маълум маънода репортаж, ҳисобот, информацион корреспонденцияга яқин туради. У таҳлил орқали воқеа-ҳодисалар ҳақида тасаввур пайдо қилиш билан бирга, уларни ривожлантиришига туртки беради. Айнан шу туртки, ривожлантириш таҳлилий корреспонденциянинг биринчи навбатда репортаж, ҳисобот ва информацион корреспонденциядан ажратиб турадиган жиҳатидир. Туртки бериш, воқеа - ҳодисаларнинг сабабини аниқлаш, уларнинг аҳамияти, баҳосини белгилаш, ривожланишини башорат қилиш кабилар орқали кечади. Замонавий таҳлилий корреспонденция икки таркибдан иборатлиги, яъни воқеа ҳақида хабар бериши ва унинг ривожанишини изоҳлаш билан бошқа бир жанр – шарҳга ҳам ўхшаб кетади. Аммо бу икки жанр моҳиятан бир-биридан фарқ қилади. Шарҳлаш жараёнида воқеалар талқини асосини воқеа ҳақидаги умумий ва муайян фактлар, фикрлар, таклифлар, башоратлар, баҳолар ташкил қилади. Кўп ҳолларда ўша воқелик хусусида аудитория учун авторитет бўлган шахсларнинг фикрларига ҳам таянилади.

Таҳлилий корреспонденцияда эса воқеа ҳар томонлама муҳокама қилинади, сифати аниқланади, сабаблари кўрсатилади, баҳо берилади, ривожланиши тахмин қилинади. Шу боис таҳлилий корреспонденция

предметининг марказида битта аҳамиятли факт туради, қолган парчалар, мисоллар, муҳокамалар воқеликни ёритишда ёрдамчи материал сифатида хизмат қилади. Ҳолатнинг номланиши таҳлилий корреспонденция билан мақола жанрлари орасидаги чегарани аниқ кўрсатиб беради. Буни қуйидаги мисол орқали кўриб чиқамиз:

**“Таннур нималигини биласизми?”**

*“Ўзбек ҳовлисининг тўрида ҳар бир оилани едириб-ичириб, эвазига ҳеч нарса таъма қилмайдиган — тандир ҳақида нималарни биласиз? Унинг тарихи қандай? “Тандир” сўзининг ўзи қандай маънони англатади? ”*

Ўқувчига савол билан мурожаат қилиш орқали муаллиф таҳлил қилаётган мавзуга эътиборни тортиш билан бирга ўзи учун ҳам, ўқувчи учун ҳам йўналишни аниқлаштириб олган. Сўнг ушбу мавзудаги аниқ фактга мурожаат қилади. Яъни, “тандир” сўзининг қайси тилдан олингани, луғавий маъноси, қандай маъно ва вазифани бажаришини (тилшунос олим Шавкат Раҳматуллаев томонидан тузилган “Ўзбек тилининг этимологик луғати”, “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси” сингари) илмий манбалар орқали аниқлаб олади. Шундан сўнг муаллиф тандир билан боғлиқ фикрларни қуйдагича давом эттиради:

*“Юқорида келтирилган маълумотлар кўпчиликка таниш бўлиши мумкин. Лекин ўзига хос нон ёпиш қурилмаси — тандирнинг келиб чиқиш тарихи, унинг ибтидоий кўриниши, қандай мақсадларда фойдаланганлиги ҳақида билиш кўпчилик учун қизиқари. Табиийки, биз учун ҳам”*

Тандир билан боғлиқ ўзи келтирган фактларни изоҳлаш учун мутахассис, археолог олимга мурожаат қилади. Мутахассис тандирнинг келиб чиқиш тарихи, дастлабки кўринишлари, турлари, шакли-шамоили, қандай унсурлардан яратилиши, қўлланишдаги ўзига хосликлар ҳақида гапириб беради.

Мутахассиснинг фикрларига таяниб муаллиф мавзуни шундай давом этитиради:

*“Ўзининг 2 минг йилдан ортиқ тарихига эга тандирнинг ҳозир ҳам ўзбек ўчоқбошисида ўрни ва аҳамияти юқори. Бу борада юртимизда тандирчилик ҳунари кенг тараққий этаганини алоҳида таъкидлаш лозим. Ҳатто, тандирчилик билан шуғилланадиган махсус ҳунарманд қишлоқлар бор бўлиб, улар бутун республикамиз аҳлини*

*турли кўиришдаги тандирлар билан таъминлайди. Мисол учун, Фарғона вилояти, Бувайда тумани, Гул қишлоғи аҳолиси тандирчилик билан шуғилланиб, миллий ҳунармандчиликнинг ривожлантиришга ўз ҳиссаларнини қўшиб келмоқдалар ".*

Корреспонденция сўнггида муаллиф қуйидагича хулоса қилади:

*"Шундай қилиб, ўзбек ўчоқбошисининг кўрки бўлган тандирлар бизни шунчаки иссиқ нонлар билан таъминлаб қолмай, миллий ҳунармандчилигимизнинг ноёб намунаси сифатида дунё тан олган Афина маданиятию, Рим Колизейларидан ҳам қадимийроқ эканлигидилимизга ифтихор туйғусини уйғотади. Фақатгина ифтихор туйғуси, фахрланиш билан чекланмай, бой тарихимизни кўпроқ ўрганиш лозимлигини тақазо этади".*

**Камола Аҳмедова (“Оила ва жамият” газетаси 2009 йил 14-20 май, № 21.)**

Ушбу корреспонденциянинг таҳлилий дейишга биринчи сабаб, мавзу аниқ танланган, иккинчидан, детал (тандир) билан боғлиқ маълумотлар тўпланган ва ўрганилган. Учинчидан, манбалар бир-бири билан қиёсланган Тўртинчидан, мутахассисга мурожаат қилган. Бешинчидан ўз нуқтаи назарини билдирган. Олтинчидан, хулоса чиқарган.

Шу ўринда мана шу корреспонденцияни репортаж қилиш мумкинми, деган савол туғилиши мумкин. Албатта, қилиш мумкин. Бунинг учун тандир билан боғлиқ бутун жараёнларни муаллифнинг шахсан ўзи кузатиши ва унинг замирига чуқур кириб кетмасдан, кўрганларини тасвирласа бўлади. Аммо таъкидлаш жоизки, журналистика амалиётида ҳар доим ҳам корреспонденцияда очиб берилган айрим нозик жиҳатлар, репортажда жонли чиқмай қолиши мумкин. Айниқса, газета репортажида бу камдан-кам ҳолатларда кузатилади.

Тан олиш керакки, сўнгги пайтларда матбуот нашрларида жанрлар орасидаги нозик фарқларга, умумий ўхшашликларга унчалик эътибор қаратилмайди. Бу муаммо корреспонденцияда ҳам кўзга ташланади. Кўпинча уни репортаж билан алмаштириб юборишади. Ваҳоланки, репортажда журналистнинг шахсий кузатуви муҳим ва шу билан бирга шахсий иштироки ҳам зарур.

## 3-мавзу: Мақола

1. **Мақола – таҳлилий журналистиканинг етакчи жанри сифатида.**
2. **Мақоланинг тузилиши, ўзига хослиги ва асосий хусусиятлари.**
3. **Жанрга қўйиладиган талаблар.**
4. **Мақолада мавзу, фикр ва фактнинг аҳамияти.**

Публицистиканинг энг мураккаб жанрларидан бири бу – мақоладир. У таҳлилий журналистикада асосий ўринни эгаллайди. **Мақола** — арабча сўздан олинган (лотинча “**articulus**”) бўлиб, “бўғин”, ”аъзо”, “қисм” деган маъноларни англатади. Газета нашрларида эълон қилинган ҳамма матнларнинг мақола деб аталишининг бежиз эмаслиги, унинг номланишида ҳам кўриш мумкин.

**Мақола — публицистиканинг энг асосий жанрлардан бири бўлиб, ижтимоий ҳаётдаги маълум воқеа, ҳодиса, жараён, вазият, ҳатти-ҳаракатларини аниқ факт ва фикр асосида таҳлил қилиш орқали исботланган журналистик асардир.**

Статья. Если в корреспонденции публицист анализирует конкретную социальную ситуацию, опираясь на лично наблюдаемые (или – самостоятельно обнаруженные) факты действительности, то в статье обобщение носит более широкий характер. Здесь дается всесторонний анализ явлений, процессов и проблем. Опираясь на факты социального бытия, публицист рассматривает закономерности эволюции действительности в различных ее проявлениях – политических, экономических, нравственных, культурологических и т.д. При этом публицист не просто иллюстрирует мысль примерами из жизни (как иногда принято думать), а кладет факт в основание своего исследования. Как правило, в статье автор оперирует группами фактов, создающих определенную социальную ситуацию, т.е. круг проблем, объединенных единым процессом.

Статья «Ничье старичье?» («Санкт-Петербургские ведомости») посвящена судьбам стариков, живущих на полном государственном обеспечении. Нетрудно догадаться, что проблема эта – нравственная («В петербургских интернатных домах престарелых... живут десятки людей, напрочь забытых своими родственниками. Да что там забытых... Чаще всего собственные дети, родственники и отправляют их с глаз долой»). «Похоже, гораздо сильнее, чем девальвация рубля, ударила по нам девальвация нравственных ценностей», – пишет газета. Конкретные судьбы превращаются в отправные точки рассуждений: а) государство берет на себя функции родственников – детей, внуков, братьев и сестер, заботясь о престарелых; б) материальные интересы подчас оказываются важнее судеб конкретных стариков; в) у общества явно недостаточно сил, чтобы обеспечить престарелым спокойную жизнь, хотя определенное движение в нужном направлении осуществляется.

Поскольку статья – это всегда развернутый поиск закономерностей, структурно она представляет собой цепь умозаключений (от частного к общему или от общего к частному). Это определяет и композицию повествования, и место факта в тексте. Сегодня вряд ли можно говорить о том, что факт в статье занимает подчиненное место, лишь иллюстрируя определенные теоретические положения, выдвигаемые автором.

Современная статья активно вбирает в себя элементы других жанров – репортажа, очерка, корреспонденции, интервью. Она становится более эмоциональной по тону, более личностной, хотя, разумеется, развитие мысли остается основой ее структуры.

Каковы жанровые признаки статьи?

Ø Масштабное расширение границ повествования – пространственно-временные пределы текста определяются масштабностью фактов и их разнообразием (глобализация обсуждаемых проблем);

Ø факты, используемые публицистом, могут быть почерпнуты из различных источников – личных наблюдений, встреч, обработки документов, выступлений СМИ, писем в редакцию и т.д.;

Ø структура текста статьи – это комплекс положений, рассуждений, суждений и умозаключений, то есть система доказательств, опирающихся на выявление причинно-следственных связей между отдельными фактами;

Ø определенная объективация письма: текст чаще всего выдержан в интонациях строго научной лексики, публицист оперирует образами-понятиями, образами-тезисами; отсюда – обращение публициста к логически-понятийному, категориальному аппарату, четкость формулировок.

Публицистическое обозрение – один из старейших газетно-журнальных жанров (достаточно вспомнить знаменитые литературные, экономические, социально-нравственные обозрения Бестужева-Марлинского, Белинского, Минаева, Шелгунова, Благосветлова, Салтыкова-Щедрина). Отдавая приоритет оперативности другим жанрам, обозрение представляет собой текст, фиксирующий принципиальные события и явления в их максимально полном объеме за определенный период (ежедневное международное обозрение, помесячное театральное обозрение или, например, «Теленеделя» в «Известиях» и т.д.). По своим признакам обозрение – специфический жанр, близкий и к корреспонденции, и к статье, и к комментарию. С корреспонденцией его сближает опора на факты действительности, со статьей – движение мысли, с комментарием – очевидное личностное начало, господство персонифицированной точки зрения. Но эти же факторы и разводят обозрение с близкими ему формами журналистского творчества. Если в корреспонденции публицист оперирует группой фактов, объединенных одной, относительно неширокой темой, то в обозрении могут быть использованы разнообразные данные, позволяющие сделать повествование многотемным. Многотемье приводит к тому, что композиция текста приобретает «цепочечно-эпизодический» характер: мысль автора движется от описания и анализа одного эпизода к другому.

В чем специфика обозрения как жанра? Прежде всего, его предметную основу составляет не механический конгломерат разрозненных сведений, а совокупность социальных фактов в форме панорамы жизни всего общества или определенной его сферы. Каждый из них рассматривается не изолированно, а как элемент более обширного целого. При этом главное значение имеют не рассуждения автора, а события, явления, процессы в их сущностном выражении. Панорамность изображения достигается тем, что журналист предлагает, с одной стороны, максимально широкий охват действительности, а с другой (по аналогии с панорамой как произведением живописи) – различную глубину изображения: крупный план, средний, общий. Крупный план – это лично наблюдаемые

автором факты, воспроизводимые в отдельных эпизодах, картинках, репликах. Средний план – описание возникшей социальной ситуации, процессов и явлений. Общий план – установление взаимосвязи между отдельными фактами, создание целостной картины действительности в ее противоречиях, выявление общих закономерностей развития социального мира, создание собственно панорамы событий.

Обозрение, на что обратил в свое время внимание Е.П. Прохоров, универсально по содержанию и форме. Эта универсальность жанра определяется тем, что в качестве предмета исследования публицист берет реальную жизнь в разнообразных ее проявлениях: в СМИ встречаются обозрения нравов, процессов, протекающих в искусстве, экономике, политике, науке, военном деле, спорте и т.д. Обозрение универсально и по назначению, поскольку ставит своей задачей выявить закономерности как на бытийном, даже бытовом уровне, так и в общенациональном, международном, цивилизационном масштабе. Наконец, оно универсально, поскольку элементы других жанров в его тексте выступают не как чужеродные вкрапления, а как естественные компоненты структуры. Чрезвычайно значима и фигура автора. Журналист-обозреватель – это не просто системно мыслящий человек, эрудит в определенной области, он совмещает в себе функции зоркого наблюдателя, глубокого аналитика и мастера точного слова. Обозрение – публицистический жанр, представляющий собой основанную на разнообразных фактах картину действительности в форме панорамы жизни общества. В последние годы в отечественных СМИ господствует тематическое обозрение.

Письмо (вариант названия – открытое письмо) не следует путать с почтой, приходящей в редакцию от аудитории. Как специфический жанр периодики оно встречается нечасто, его появление, как правило, бывает вызвано остротой проблем, требующих немедленного разрешения. В этом смысле о письме надо говорить как о жанре оперативно-исследовательском, хотя его формальная оперативность заметно ослаблена тем, что излагаемые в нем факты чаще всего уже стали достоянием гласности. В то же время письмо – остропублицистический жанр, ибо предлагает аудитории личностно окрашенную точку зрения, требующую ответной реакции. Жанровое своеобразие письма характеризуется следующими признаками:

Ø в тексте отчетливо прослеживается коммуникативная цепочка: автор – проблема – адресат. Персональная адресность письма в сочетании с его проблемностью делает послание максимально актуализированным;

Ø ядром текста служит проблема, требующая немедленного разрешения;

Ø явственно просматриваются как личность адресата, так и личность автора (ссылки на факты собственной биографии, упоминание эпизодов из жизни адресата и т.д.);

Ø материал строится по принципам «мягкой аргументации»: в нем взвешиваются «за» и «против», текст представляет собой доверительный (хотя и публичный) разговор с адресатом.

Мақоланинг асосий хусусияти жамиятда содир бўлган ижтимоий воқеликнинг кичик бир қисмини, бирор бир жараён, вазият, ҳодисани атрофлича, чуқур мантиқий асосланган хулосалар ва умумлашмалар билан ёритиб беради. Мақоланинг жанр сифатидаги ўзига хослиги шундаки, у жамиятда ижтимоий аҳамиятга эга бўлган долзарб муаммолар, вазиятлар,

жараёнларни таҳлил қилади. Мақолани ўқиш жараёнида ўқувчи жамиятда ўзини қизиктирган масалага ойдинлик киритиши, саволига жавоб топиши зарур. Шу маънода мақоланинг асосий вазифаларига тўхталиш жоиздир.

Мақола жанри орқали ўқувчиларга долзарб жараёнлар, вазиятлар, ҳодисаларнинг моҳиятини жамиятнинг ҳар бир фуқароси учун аҳамияти тушунтириб берилади. У аудитория эътиборини воқеа, ҳодисалар, жараёнлар, вазиятларни ўрганишда юзага келган муаммо, ҳолат ва вазифаларни, жамоатчиларга боғлиқ жиҳатларини кўрсатиб беришга қаратади. Мувафаққиятли чиққан мақола жамиятдаги муҳим бир вазият, ҳолат, жараён ҳақида аниқ тасаввур уйғотади ҳамда уни амалий ҳаётда қўллаш, қабул қилинган ғояларга асос бўлиб хизмат қилади. Тўғри ёзилган мақола ҳамиша ёритилаётган предметнинг ўзига хос аниқ моҳияти, табиати борлигини кўрсатиб беради.

Мақолада битта аниқ мавзу танланиб, ўрганилиши ва ёритилиши керак. Агар журналист битта мақоланинг ўзига бир неча саволни қўйиб, унга жавоб беришга ҳаракат қилса, йўлини йўқотиши тайин. Мақола жанр сифатида ҳам ўз кучини йўқотади. Шунинг учун мақола фақат битта саволга ёки битта масалага бағишланиши керак. Қўйилган саволни майда деталларга, қисмларга бўлиниши, воқеликни турли томонларда ва ўлчамларда таҳлил қилинишига имконият яратади.

Мақолада фикр ва муаллифнинг шахсий мулоҳазалари шунчаки қуруқ бўлмай, аниқ далилга асосланган таҳлил ва мантиқий ёндашувга эга бўлиши керак. Бир мавзу атрофидаги фикрлар шу мавзуга тегишли бўлган бир неча саволларни келтириб чиқаради. Журналист ана шу саволларга жавоб излаш орқали ёритмоқчи бўлган мавзуга тегишли ҳар бир ҳолат, жараён, ҳодисаларни текшириб боради ва улар асосида қўлга киритган маълумотларни ўрганиб, бир-бири билан солиштиради, таҳлил этади. Бундан журналистнинг шахсий кузатуви муҳим рол ўйнайди. Баъзан воқеликнинг гувоҳи ёки иштирокчиси бўлиш ҳам мавзуни ишонарли очиб беришда асқотади.

Муаллифнинг бирор масала юзасидан шахсий фикрининг мавжудлиги кўпинча мақоланинг мавзусини белгилайди. Ана шу мавзуни бир тизимга солиш ва далиллаш зарур. Далиллаш ва исботлаш журналист учун энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Мавзуга тегишли саволларни текшириш орқали журналист воқеликни аввал ўзига, кейин ўқувчига очиб беради.

Публицистикада мақоланинг тарихий илдизлари чуқур саналади. Ва уларнинг турлари фарқланади. Шу нуқтаи назардан мақола воқеликнинг бошқа воқеликдан устунлиги, ўзига хослиги, ўз даврининг муҳим вазиятини ёритиш ва долзарблиги билан кўп йиллар давомида аҳамиятини йўқотмайди. Улар журналистика илмида турли ўлчамларда ўрганилади. Жумладан, ўзбек миллий матбуоти тарихига назар ташлайдиган бўлсак, асримизнинг бошларида миллий матбуотнинг дастлабки намуналарининг юзага келиши, “Тараққий”, “Шуҳрат”, “Хуршид” сингари илк миллий нашрларида эълон қилинган мақолалар мазмуни ҳозирги давр учун ҳам аҳамиятлидир. Шу маънода М.Беҳбудийнинг “Икки тил эмас, тўрт тил керак”, “Бизни кемиргувчи иллатлар”, Мунавварқорининг “Бизнинг жаҳолат жаҳли мураккаб”, Чўлпоннинг “Адабиёт надир” сингари мақолалари воқеликни ёритишда долзарблиги билан ҳозир ҳам таҳлилий журналистикада ибрат қилиб кўрсатиладиган мақолалари сирасига киради. Шулардан бири Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг “Бизни кемиргувчи иллатлар” мақоласига тўхталамиз.

*“Шариат китобларидан “Фароиз”, яъни худони буйруғи деган китобларға “Ўлукни молидан аввалан ўлукға керакли мувофиқ суннат ва исрофсиз кафан қилиб, дафн қилмоқға сарф қилинсун сўнгра қарзини берилур...” дейилган экан. Биз, билъакс, кафандан сўнгра қарзга бермай, ва ҳатто сағир ва бенаво хотунларни меросини йиртиш, азойи, садақа, ҳайрот... деб қарздан меросидан илгари тақсим қилиб олурмиз. Беш – олти маърака ва худойи, 8-10 жумъа оқшоми деб бутун маҳалла ва қишлоқ халқига палов берармиз. Бечора ўлукни зиммаси қарздан қутилолмай қолур. Худо учун айтингиз, бу хайротми ё худойими? Беш – олти кун сўнгра бу худойи ва хайотлар учун меросхўрнинг ҳаққи бўлган мол ва ерлар сотилур.*

*Астағфурилло, субҳонолло. Бизнинг қилатурғон ақлсизлигимизни яна ким қилур? Никоҳ, хатна, бу икки бало шундоғ қаттиғ иллатки, ўлмагунча қутулиб бўлмайдур... Биз бир таноб еримизни 200 сўмға сотиб, тўй қилмоқчи бўлсак,"ерни хўп пулға урдим"деб мажнунона шодланурмиз. Инсонни бу қадар аҳмоқлиги ажибдур. Бизға лозимки, тўй ва таъзияларимизни кичик қилиб ва ҳолимизча ҳаракатда бўлуб, келар замонимизни ўйлайлик.*

*Тўй ва таъзияға сарф қилинатурғон оқчаларимизни биз илм ва таълим йўлиға сарф этсак...*" ( "Ойна" журнали. 13-сон. 1915 йил)

Ушбу мақола чоп этилганига 100 йилга яқин вақт бўлса-да, дарвийлиги нуқтаи назаридан ҳозир ҳам унда кўтарилган муаммолар миллатимизнинг оғриқ нуқталаридан бири сифтаида кўпчиликни ўйлантиради.

Мақола – жуда жиддий ва мураккаб жанр бўлиб, журналистдан катта куч, билим ва маҳоратни талаб этади. Унинг композицион тузилиши аниқлик ва оддийликка асосланиши ҳамда публицистиканинг асосий қонунияти бўлган ижтимоий воқеликни кенг ёритишга қаратилиши керак.

Мақола жанрида воқеликни ифодалаш, таҳлил қилиш жараёнида мазкур ҳодиса м уаллиф қарашига тўғри келиши ёки зид бўлиши мумкин. Айнан шу ҳол объектга нисбатан муаллифнинг ўз нуқтаи назари, хулосасини пайдо қилади. Ғарб журналистикасида бу тан олинмайди. Чунки воқеликка нисбатан муаллифнинг нуқтаи назари доимо бир томонлама бўлиши мумкин, деган фикр мавжуд. Яъни бўлиб ўтган воқеликнинг журналист руҳиятига, кайфиятига маълум даражада таъсир қилиши, унинг ҳис-ҳаяжонини кўзғатиши, бундай таъсир орқали эса холисликка путур етиши мумкин, деган қараш устивор. Шу боис, ҳатто нуқтаи назар ёки хулосанинг объективлиги ҳам ўрганилган фактларнинг қиёсига асосланиши ва у журналистнинг шахсий позицияси бўлиб қолмаслиги таълаб этилади. Аммо Шарқ журналистикасида бу масалага ёндашувда сезиларли фарқ кўзга ташланади. Яъни, ҳатто мустақил фикрлашга ҳам кимнингдир фикри туртки бўлади. Кўпинча журналист ўзи билдирган шахсий хулосаси орқали мазкур воқеликнинг жамиятга нисбатан фойдали ёки зарарли, урф-одатлар, миллий ўзига хослик, қадрият ва анъаналарига мос ёки зид эканлигини кўрсатиб

беради. Шу боис фактларни таҳлил этишда муаллифнинг нуқтаи назари муҳим роль ўйнаши ҳисобга олинади.

**4-мавзу: Мақоланинг турлари**

1. **Мақола жанрининг мазмун-моҳиятан бўлиниши.**
2. **Бош мақола, илмий-маърифий, тарғибий-ташвиқий мақолалар**
3. **Уларга қўйиладиган асосий талаблар ва ёзиш усуллари.**

Журналистика назариясида жанрлар билан боғлиқ билимларда ушбу материалларнинг шакли, мазмуни, ҳажми, йўналиши, ёзилиши тартиби, услуби, олдига қўйган мақсади, бажарадиган вазифасига қараб бир-биридан фарқ қилади. Ҳатто бу фарқлар мақола жанрининг ўзида ҳам кузатилади. Айтайлик, мақолаларнинг баъзилари умумаҳамиятга молик масалаларни кўрса, таҳлил қилса, баъзилари фақат битта жиҳат ёки масалага бағишланиши мумкин. Ёки баъзи бир мақолалар мазмунида илмнинг бирор соҳасини йўналишини тадқиқ қилиш орқали янгликлар берилса, бошқасида ана шу янгиликларнинг пайдо бўлишидаги ҳолатларни ибрат қилиш орқали муайян бир ҳаракат, ғоя, фикр тарғиб қилинади. Шу нуқтаи назардан мақола жанрига кирувчи газета материалларини мазмун-моҳиятан бўлиниши, уларнинг умумий ва ўзига хос томонларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Мақоланинг турлари ҳақида гап кетганда, бу жанрдаги газета материалларининг саҳифаларда жойлашиши ҳам ҳисобга олинади. Бундай ҳолатда гапни газетанинг биринчи бетида бериладиган, матбуотда сўнгги пайтларда аҳамияти нисбатан пасайган бош мақоладан бошлаймиз.

Статья. Если в корреспонденции публицист анализирует конкретную социальную ситуацию, опираясь на лично наблюдаемые (или – самостоятельно обнаруженные) факты действительности, то в статье обобщение носит более широкий характер. Здесь дается всесторонний анализ явлений, процессов и проблем. Опираясь на факты социального бытия, публицист рассматривает закономерности эволюции действительности в различных ее проявлениях – политических, экономических, нравственных, культурологических и т.д. При этом публицист не просто иллюстрирует мысль примерами из жизни (как иногда принято думать), а кладет факт в основание своего исследования. Как правило, в статье автор оперирует группами фактов, создающих определенную социальную ситуацию, т.е. круг проблем, объединенных единым процессом.

Статья «Ничье старичье?» («Санкт-Петербургские ведомости») посвящена судьбам стариков, живущих на полном государственном обеспечении. Нетрудно догадаться, что проблема эта – нравственная («В петербургских интернатных домах престарелых... живут десятки людей, напрочь забытых своими родственниками. Да что там забытых... Чаще всего собственные дети, родственники и отправляют их с глаз долой»). «Похоже, гораздо сильнее, чем девальвация рубля, ударила по нам девальвация нравственных ценностей», – пишет газета. Конкретные судьбы превращаются в отправные точки рассуждений: а) государство берет на себя функции родственников – детей, внуков, братьев и сестер, заботясь о престарелых; б) материальные интересы подчас оказываются важнее судеб конкретных стариков; в) у общества явно недостаточно сил, чтобы обеспечить престарелым спокойную жизнь, хотя определенное движение в нужном направлении осуществляется.

Поскольку статья – это всегда развернутый поиск закономерностей, структурно она представляет собой цепь умозаключений (от частного к общему или от общего к частному). Это определяет и композицию повествования, и место факта в тексте. Сегодня вряд ли можно говорить о том, что факт в статье занимает подчиненное место, лишь иллюстрируя определенные теоретические положения, выдвигаемые автором. Современная статья активно вбирает в себя элементы других жанров – репортажа, очерка, корреспонденции, интервью. Она становится более эмоциональной по тону, более личностной, хотя, разумеется, развитие мысли остается основой ее структуры.

Каковы жанровые признаки статьи?

Ø Масштабное расширение границ повествования – пространственно-временные пределы текста определяются масштабностью фактов и их разнообразием (глобализация обсуждаемых проблем);

Ø факты, используемые публицистом, могут быть почерпнуты из различных источников – личных наблюдений, встреч, обработки документов, выступлений СМИ, писем в редакцию и т.д.;

Ø структура текста статьи – это комплекс положений, рассуждений, суждений и умозаключений, то есть система доказательств, опирающихся на выявление причинно-следственных связей между отдельными фактами;

Ø определенная объективация письма: текст чаще всего выдержан в интонациях строго научной лексики, публицист оперирует образами-понятиями, образами-тезисами; отсюда – обращение публициста к логически-понятийному, категориальному аппарату, четкость формулировок.

**Бош (умумтаҳлил) мақола**

Бош мақола газета учун ҳам, унинг ўқувчиси учун ҳам жамиятнинг ижтимоий тараққиётидаги асосий йўналишларни ифода этувчи ўзига хос ҳужжат вазифасини ўтайди. У мамлакатнинг маълум бир сиёсий мавзуси, воқеаси, иқтисодий йўналишининг ривожланиши хусусида ёки бугунги кунда жамиятнинг маънавий савияси ва унга таъсир қилувчи омиллар ҳақида бўлиши мумкин. Бош мақола қандай вазифани бажармасин, қатъий тартибда ҳужжатлилик тамойилига асосланади.

Ҳужжатлиликнинг асосий белгилари эса аниқ воқеликни таҳлил қилиш асосида жамият ривожидаги объектив қонунларга суяниш, мақола мавзуси кенг оммага, жамоа, ижтимоий гуруҳларнинг манфаатидан келиб чиқиши, муаммони ҳал этишнинг амалий ҳаракат дастури йўналишларини белгилаш орқали нафақат мақсадни, балки шу мақсадга эришиш омилларини ифодалашдан иборатдир. Собиқ шўролар тузуми даврида коммунистик мафкурага асосланган матбуотда ҳар бир нашр у марказий ёки ҳудудий бўладими, бундан қатъий назар ғоявий талабларни ўзида ифода этувчи бош мақола билан чиқиши қатъий тартибда белгиланган эди. Мустақилликдан кейин ўзбек матбуотида газеталарга қўйилган бундай талаблар барҳам топди. Шунга қарамай жамият ва фуқаролар учун ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий аҳамиятга эга бўлган воқеа-ҳодисаларга бағишланган бош мақолалар бериб борилади.

Бош мақола мазмун-моҳиятан умумжамият аҳамиятига молик бўлган кенг масалаларни таҳлил қилади. Масалан, мақола муаллифи жамиятдаги иқтисодий сиёсий йўналишларнинг моҳияти ҳақида сўз олиб бориши мумкин ёки жамиятнинг маънавий, сиёсий савияси ҳақида ва ёхуд қандайдир давлатлараро уюшмаларнинг тузилиши ва уларнинг икки давлат муносабатларига таъсири ҳақида ёзиш мумкин ва ҳоказо. Шунингдек, бош мақола жамиятда бирор бир сана билан боғлиқ бўлган воқеалар ҳақида ҳам ёзилади. Шундай мақолалардан бирини кўриб ўтамиз.

**Ободлик, покизалик, саришталик**

**юртимизга файз-барака, кўркамлик фарвонлик бахш этади**

*“Юртимизда Наврўз байрами арафасида ҳашар уюштириш анъанага айланган. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Фармойиши билан мамлакатимизда жорий йилнинг март-апрель ойлари “Ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ойликлари” деб эълон қилинди ва унинг доирасида 14-15 март кунлари умумхалқ хайрия ҳашари ўтказилиши белгиланди* ***(ҳашарнинг аҳамияти, миллий қадрият сифатида халқ ҳаётида тутган ўрни тасвирланади)****... Олинган маълумотларга қараганда, бу йилги ҳашарни ўтказиш мақсадида “Маҳалла” хайрия жамғармаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги, Соғлиқни сақлаш вазирликлари, “Ўзкоммунхизмат” агентлиги, маҳаллий ҳокимликлар томонидан тадбирлар дастури ишлаб чиқилди. Унга мувофиқ, икки кунлик ҳашарда 16 миллион нафар ҳамюртимиз иштирок этиши кўзда турилган. Уларнинг кучи билан 30 минг гектар майдон ободонлаштирилади, 24 минг километрлик латок ва ариқлар тозаланади, 5 минглан зиёд зиёратгоҳ ва қабристонлар обод этилади. 70 минг тонна маиший чиқинди белгиланган жойларга чиқарилади. Бундан ташқари, йўл ва ариқ бўйларидаги мавжуд 17 миллион туп дарахтга шакл берилиб, оқланади. Уларнинг ёнига 10 миллион туп манзарали, 4 миллион туп мевали дарахт кўчати, 1 миллион тупдан ортиқ тут ниҳоллари, 10 миллион тупдан зиёд турфа гуллар экилади. Булар ҳали ҳаммаси эмас... ”* **И.Ўтбосаров., С.Раҳмонов (Халқ сўзи. 14 март, 2009 йил, 54-сон. )**

Шунингдек, ушбу бош мақолада мамлакат миқёсида ўтказиладиган тадбирда қилинадиган хайрия ишлари, ижтимоий ва жисмоний имкониятлари чекланган фуқаролар, кам таъминланган оилалар, қариялар, болаларга кўрсатилиши белгиланган ёрдамнинг тури, миқдори ва уни амалга оширишни зиммасига олган ташкилот ва муассасаларнинг ҳиссалари ҳақида, шу билан бирга ушбу саъй-ҳаракатлар давлат дастури доирасидаги тадбирлар ижросига йўналтирилганлиги ҳақидаги фикр ва мулоҳазалар ўрин олган

Бош мақола кўпича газетанинг биринчи-иккинси саҳифаларидан жой олади. Шу боис унда муаллифнинг қарашларидаги юксак савия, билимдонлик жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Кўпинча бош мақола газетанинг бош муҳаррири ёки энг маҳоратли журналистлар томонидан ёзилади. Бугунги матбуот нашрларига эътибор берилса, бош мақолаларга қўйиладиган талаблар бирмунча ўзгарганлигини кузатиш мумкин. Жамиятда, мамлакат сиёсатида энг муҳим саналган воқеалар ҳақидаги мақолалар кўпроқ шарҳларга ҳам ўхшаб кетади. Бу биринчи томони бўлса, иккинчидан ҳозирги ўзбек матбуоти нашрларида биринчи саҳифадан энг муҳим янгиликларга

ўрин бериш оммалашди. Бу жаҳон газетачилигига хос бўлган хусусиятлардан биридир.

Бош мақолада рамзий мактубот тасвири ва очерк – элементлари чегараланган бўлиши билан бирга мазкур жанрдаги публицистик бўёқ фактларни ҳиссий изоҳи, ишончли сиёсий тарғибот, лўнда таҳлиллар орқали кучайтирилади.

## Илмий – маърифий мақолалар

Илмий-маърифий мақолаларда ҳам таҳлилий жанрларга хос бўлган умумий хусусиятлар акс этади. Жамиятда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мақола жанрнинг асосий хусусиятидан келиб чиқиб ёндашиш, назарий ва амалий жараёнларни умумлаштириб, уларни илмий таҳлил қилади.

Илмий-маърифий мақолалар асосан аниқ билимлар асосида ёки фаннинг бирор конкрет соҳасидаги масалаларга бағишланади. Унда олиб бориладиган илмий тадқиқотлар, ихтиролар, ташаббуслар, илғор ғоялар моҳиятини очиб бериш орқали унинг илм-фан учун, шунингдек, жамият ва халқ учун аҳамияти, авзаллик томонлари кўрсатиб берилади.

Ёзилишига кўра илмий-маърифий мақолалар жуда мураккаб жанр ҳисобланади. Унинг мураккаблиги шундаки, у бирор бир муайян муаммо юзасидан фақатгина билимни талаб қилиб қолмайди, балки ўша масаланинг илмий муаммо сифатида соҳада мавжудлигини ва унинг ҳаракатини назарий жиҳатдан тушунтириб бериш зарур. Бу аслида маҳоратли журналистга қўйиладиган талаб. Эндигина бошлаётган журналист эса аввало, эътиборни илмий-маърифий мақолани тайёрлашнинг бир неча омилларини аниқлаштириб олиши керак бўлади. Бунинг учун журналист нимага эътибор бериши зарур? Журналист бу мавзуга қўл уриши учун ривожланган замонавий матбуотда кўтариб чиқишга арзийдиган қандай долзарб масалани бермоқчи эканлини аниқ билиб олиши зарур. Шундан келиб чиқиб, у мақоланинг асосий тезисларини ишлаб чиқиши лозим бўлади. Бунинг учун ёритмоқчи бўлган соҳанинг ҳаракатлантирувчи асосий қонун ва қонуниятлари ҳақидаги билимларни етарли даражада ўзлаштириб олиши зарур. Айнан улар ҳақидаги муҳокамалар унинг мақоласига тезис бўла олади.

Навбатдаги жараён ўша соҳанинг ҳаракатлантирувчи қонун ва қонуниятлари муҳокама қилинаётган муайян мавзунинг омиллари сифатда ўзини қанчалик намоён қила олишини аниқлаштириш лозим. Бошқача қилиб айтганда, шаклга солинган тезисларни замонавий долзарб амалий малакалар билан бойитиш керак. Бу тажриба ёки малака мақолада илгари сурилган тезислар учун исбот, асослаш, изоҳлаш вазифасини ўтайди.

Илмий-маърифий мақоланинг тузилишига қўйиладиган умумий талаб шундан иборатки, у аниқ концептуал асосга эга бўлиши зарур. Бу асос бир талай фактларнинг ичида йўқолиб кетмаслиги керак. Муаллиф фикрни аниқ ифодалаш керакки, ўқувчига бўлаётган жараённинг сиёсий, иқтисодий ёки бошка жиҳатини кўрсатиб бера олсин. Шу билан бирга ўқувчига журналистнинг ҳодисага бераётган баҳоси қўллаган методлари, усуллари орқали тушунарли бўлиши керак. Бу аудиторияга ўша воқеликнинг тўғри қабул қилишига ёрдам бериши билан аҳамиятлидир.

Илмий-маърифий мақоланинг асосий белгиси қатъий фикрни, яъни маълум воқелик атрофида шаклланган қатъий фикрни, аниқ йўналишда ривожланиши, муаллифнинг шарҳлар ва изоҳлар тизимига тўғри муносабатда бўлиши билан белгиланади. Ва шу жиҳатдан илмий-маърифий мақолалар публицистикада таҳлилий жанрлар ичида муҳим ўрин эгаллаб, энг мураккаб ва кўп меҳнат талаб қиладиган жанрлар турига киради.

Илмий-маърифий мақола яна шу жиҳати билан мураккабки, у айнан фаннинг муайян бир соҳасига ёки жамиятнинг муайян бир илмий-амалий муаммосини асослашга қаратилгани ҳам боис, ҳар доим ҳам кенг жамоатчиликка мўлжалланмай, балки маълум гуруҳлар, соҳалар вакилларига қаратилади. Унинг асосий мақсади янги илмий фикрни илгари суриш бўлгани учун, бутун диққат-эътибор ўша айтилмоқчи бўлган илмий янгиликка қаратилади. Тадқиқ этилаётган илмий муаммонинг аҳамиятини кўрсатиб бериш учун билишнинг эмперик ҳамда назарий методларига, шунингдек таҳлил олиб боришнинг ҳам қатор усулларига таянилади.

Мақолаларнинг бир-бирига боғловчи ва йўналишини белгиловчи жиҳати-унда ташвиқот хусусиятининг мавжудлигидир. Чунки у ўрганган,

тадқиқ қилган масала фақат бир давр билан чегараланиб қолмайди. Ундаги илмий асослар ҳамма даврда ҳам ана шу илм соҳаси учун аҳамиятли бўлиб қолиши керак. Ҳеч бўлмаганда тадқиқ этилган соҳа, маълум вақтдан кейин ўз навбатида тадқиқ қилиш манбасига айланиши мумкин. Шунинг учун айниқса, илмий-маърифий мақолалар устида узоқ ишлашга тўғри келади. Баъзан уни илмий жамотачиликка айтиши лозим бўлган янги фикрларини, янги таҳлил натижаларини ойлаб кутиш мумкин.

Илмий-маърифий мақолаларнинг бугунги матбуот учун аҳамиятли жиҳатлари каттадир. Ижтимоий-гуманитар фанларга хос билимларда янги ғоялар, қарашлар, мафкураларни илмий асослаш ва жамоатчиликка етказишда, зарур хулосаларга келиш бирмунча осон, аммо аниқ фанларга оид илмий мақолаларни тайёрлаш муаллифдан анча вақт изланишни, илмий фаразлар ва мавжуд бўлган назарияни таққослаш орқали янги, айтилмаган янги илмий хулосалар чиқариш учун эса анча вақт керак бўлади. Шунинг учун илмий мақолаларни ёзишга кўп вақт кетади. Баъзан муаллиф таҳлил ва тадқиқ жараёнида фаразлар, янги илмий хулосалар беришини ойлаб ҳам кутади. Кўпинча бундай ҳолатлар юз бергудай бўлса, бирор бир илмий масала юзасидан туркум мақолалар юзага келади ёки худди шу соҳа вакиллари ўртасида баҳсга сабабчи бўлади. Охир-оқибатда ана шу илмий муаммо ҳал этилмаса-да, унга ойдинлик киритилади. Масалан “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасидаги “XX аср ёзбек адабиёти”, “Бир мавзуда икки хил фикр”, “Ўзбек романчилиги: кеча ва бугун”, “Баҳс” сингари рукнларда бериладиган мақолаларнинг ҳаммасида ҳам илмий янгилик бўлавермаган. Ёхуд илмий янгилик деб илгари сурилган фикр мутахассисларнинг таҳлил назаридан ўтар экан, улар илгари сурилган янгиликнинг, чиндан ҳам муайян илм соҳаси учун янгилик бўла олишини ёки аксинча, унинг аҳамияти нечоқлик эканлини ўзларидаги мавжуд фактлар, манбалар билан асослашга, исботлашга ҳаракат қилишади. Бу жуда жиддий масала. Шу боис илмий-маърифий мақолага қўл урган муаллиф унинг ана шундай жиҳатларини ҳам ҳисобга олиши керак ва имкон қадар кўтарган илмий муаммоси ёки мавзусига доир мавжуд манбаларни ўрганиши, тадқиқ

қилиши мақсадга мувофиқдир. Илмий мақолалар жамиятдаги маълум бир гуруҳларга, ўқувчилар аудиторияларига мўлжалланиши ҳам бежиз эмас. Уни омма бирдай тушунавермайди. Бундай мақолалар соҳа газеталарида, кўпроқ илмий журналларда, тўпламларда чоп этилади. Шундай мақолалардан бирини кўриб ўтамиз.

**Мирзо Қўқонбой ким бўлган?**

**Ҳаёт ғаройиб воқеаларга бой**

*“Биз узоқ ва яқин ўтмишда яшаган ўрта осиёлик машҳур сиймоларни қанчалик билмайлик, француз адиби Стендаль ифодаси билан айтсак, тасодиф жанобларининг амри билан фан ва маданият оламида чуқур из қолдирган янги-янги олимлар, шоир ва ёзувчиларнинг номлари тарих қаъридан чиқиб келаверади.*
*Шундайлардан бири, ушбу мақоламиз қаҳрамони Мирзо Қўқонбой Абдуҳолиқзодадир… ”*

***Ғаройиб топилма***

*Ўтган асрнинг сўнгги йилларида Шуҳрат Абдухолиқов исм-шарифлик самарқандлик йигит ота-бобосидан қолган уйни таъмирлаётган вақтида ертўладан чириб, чанг босиб кетган каттагина жомадонни топиб олади. Бу кутилмаган топилма Шуҳратни довдиратиб қўяди. Жомадон ичида нима бўлиши мумкин?... Шуҳрат дарҳол ҳушёр тортиб, акасига қўнғироқ қилди... Кўп ўтмай Таълат Абдухолиқов етиб келиб, ака-ука жомадонни секин оча бошладилар. Жомадондан сарғайиб, аксар саҳифалари титилиб кетган 200 дона дафтар чиқди. 12 ва 24 варақли бу дафтарларга араб ёзувида нималардир битилган эди... Таълатжон ҳам бу дафтарларнинг кимга тегишли экани ва уларга нималар ёзилганини билмасди. У ҳаяжонини бироз босиб укасининг савол аломати бўртиб турган юзига қараб, деди:*

*—Болалик пайтларимда раҳматли дадам ўз оталари тўғрисида кўп ғаройиб гапларни айтиб берардилар... бобомиз ўз даврининг пешқадам кишиларидан бири бўлганлар. “Самарқандда ўша пайтлар отамдек донишманд, маърифатпарвар, бир неча тилларни билаган адиблар кўп бўлмаган. Отамиз ўша улуғлардан бири бўлганлар”, —дер эдилар дадам ...*

*...У дафтарларда нималар ёзилганини билолмади.*

*—Университетда таниш домлалар бор, араб ёзувини биладиган. Шуларга кўрсатсак, бу дафтарларда нима ёзилганини айтиб беришади. Балки дадам айтганларидек, бобмиз адиб бўлгандирлар. Агар шундай бўлса, бу дафтарлар фақат биз, набираларнигина эмас, балки олимларни ҳам қизиқтириб қолса ажаб эмас.*

Мақоланинг давомида муаллиф шундай ёзади:

*“Камина Чўлпон ҳаёти ва фаолиятига доир маълумотлар ахбариб, давлат архивларидан бирида ишлаб юрардим. Шундай кунларнинг бирида бир хуфияномага кўзим тушиб қолди. Унда қуйидаги сўзлар ёзилган эди” “...1927 йили Самарқандда Қўқонбой Абдухолиқнинг уйида бўлиб ўтган зиёфатда мен, Вадуд Маҳмуд, Чўлпон, Мунаввар қори ва хонадон соҳиби иштирок этганмиз. Зиёфат Мунаввар қорининг Самарқандга келиши шарафига берилган эди... Қўқонбойнинг шу уйига кейинчалик Чўлпон кўчиб кирган. Қўқонбой Мунаввар қори гуруҳига мансуб эски жадидлардан биридир...”*

*Наим Каримов,филология фанлари доктори*

*(“Ҳуррият” газетаси 2009 йил , 27 май.22-сон)*

Ушбу келтирилган парча илмий-маърифий мақола турига мансуб бўлиб, бир воқелик асосида мамлакат тарихи ва адабиётига тааллуқли, ҳозирги замон кишиси учун янгилик бўлган манбалар ўрганилган ва XX аср бошларида жадидлар ҳаракатининг фаол иштирокчиларидан бири Қўқонбой Абдухолиқ шахси, ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги янги маълумотлар берилган.

Илмий-маърифий мақолани ёзиш учун журналист ижтимоий ёки табиий фанларнинг бир жиҳатини танлаб олиб тадқиқ этиши лозим. Мавзу қанчалик тор доирада, аниқ танланган бўлса, у шунчалик атрофлича очиб берилади. Савол туғилиши мумкин. Илмий-маърифий мақолада албатта янги ахборот бўлиши шартми, ёки муаллиф айтмоқчи бўлган фикрни тўғри ечимини топа олмаса, қандай иш тутиш лозим? Ёзишдан воз кечиши керакми ёки изланишда давом этгани маъқулми? Имкон қадар илмий мақолада муайян фанга оид янгилик, ҳеч бўлмаганда янги фикри мавжуд бўлиши керак. Бунинг учун муаллиф илмий мақолани қанчалик пухта ёзганлигидан қатъи назар, уни албатта шу соҳанинг малакали мутахассиси назаридан ўтказиши мақсадга мувофиқдир. У билан маслаҳатлашиб, мақоланинг композициясини биргаликда тузиш, бу борада ўзининг ижодий натижасини беради.

Кўпинча илмий мавзуларда ёзиладиган мақолаларга маърифий деган сўз қўшиб айтилади. Бу бежиз эмас албатта. Чунки илмий мақолаларда айтиладиган янгиликнинг, жамоатчилик учун илғор жиҳатлари мавжуд. Яъни аудитория (у илмий ёки оммавий бўлишидан қатъи назар) ўша янгиликни ўзлаштиради, янги билимдан бохабар бўлади. Уни эзгу мақсадларда қўллайди. Бунинг таъсирида янги билимлар, янги ғоялар кашф этилади,

ривожлантиради. Фан учун, жамият ривожи учун фойдали жиҳатларини англайди. Бу унинг маърифийлигидан далолат беради.

**Тарғибий-ташвиқий мақола**

Ушбу турдаги мақола жамият фаолияти ва тараққиётининг турли соҳаларидаги назария ва амалиёт муаммоларини таҳлил этиш орқали мазкур масалани жамоатчилик ўртасида тарғибот ва ташвиқот этади. Ана шундай мақолалардан бирини кўриб ўтамиз.

**Зар жилолар, ипак жилолар**

*“Бухоро осмонида порлаётган қуёш нурларининг илк тажаллиси осмонўпар Минораи Калон, улуғвор мадрасалар нақшларида жиловланади. Сўнгра заррин шуълалар бухоролик уста-ҳунармандлар қалб қўри билан тикаётган зардўзлик буюмларига кўчади. Асрлар силсиласида бу нур, тароват минглаб уста-шогирдлар маҳоратида сайқал топган. Унинг ҳар бир зиёси мозийнинг минг бир саҳифасидан сўзлагудек мукаммал...”*

Ушбу парчада муаллифнинг қарашлари воқеликни кузатишлари орқали исботланади.

*“...Тилла суви юритилган зар иплар усталар тафаккурининг юксаклигини ифодалайди. Зардўзларнинг таъкидлашича, қандай кийим бўлмасин, қай гул танланмасин, ҳар бирининг ўз маъноси, ўз ўрни ва моҳияти борки, унинг тарихи узоқ ўтмишимизга бориб туташади.*

*—Зардўзликнинг тарихи эрамизнинг 1-111 асрларига тўғри келади, —дейди зардўз-уста Бахшулла Жумаев. —Тарихий манбаларда араб истелоси даврида лашкарбошилар зардўз кийимлар кийишгани қайд этилади. 1403 йилда испаниялик элчи Луи Гонзалес Клавихо Амир Темур саройида бўлганида зардўз кийимларни кўриб ҳайратланган. XYI асрдан бошлаб эса Бухоро зардўзлик марказига айланган. Сабаби, зардўзлик учун керакли ҳамма нарса шу ернинг ўзида тайёрланадиган, ишлаб чиқариладиган бўлган. Олтин суви юритилган иплар, духобалар тўқийдиган бутун бир саноат тизими шаклланган. Кейинчалик Буюк Ипак йўли бўйлаб бухоролик уста-ҳунармандларнинг ишлари тарқалган ва довруғи бутун дунёга таралган.”*

Факт мақолада ишонарли бўлиши керак, акс ҳолда у мақолада журналист чиқарган хулосалар билан қарама-карши бўлиб қолиши мумкин.

*“Ўзбекистон Қаҳрамони, зардўз-уста Муяссар Темированинг айтишича, зардўзликда 72 тикиш усули бор. Моҳир усталар гулларни яхлит композиция ҳолида тикишга алоҳида синчковлик билан ёндашади...*

*...Зардўзи кийимларнинг заррин оҳанрабоси қадимда фақат эркак усталар томонидан зеб берилган. Бу ҳақда кўплаб ривоятлар сақланиб қолган. Айтишларича, эркак усталар зардўзи гулларни тикишда қуёш нури қайси тарафдан тушса, қандай жилоланишини ҳам инобатга олишган. Яна бир ривоятда айтилишича, аёллар кўзидаги нурнинг ўткирлиги зар ипларни қорайтириши мумкин экан. Шу сабабли амир саройида фақат эркак усталар зардўзлик билан шуғилланишган. Аслида бу ривоятлар замирида Шарқда аёлларни она сифатида эъзозлаш фалсафаси ётади”.*

Фактлар билан ишлашда уларнинг тўғри ёки нотўғри эканлигини аниқлашда муаллифнинг ўз позицияси бўлиши керак.

*“Аслида, табиий усулда тўртта ранг —яшил, қизил, жигарранг ва кўк ранглар мавжуд. Бошқа ранглар эса уларнинг аралашмасидан олинади. Момоларимиз бўлган иплар ўз жилосини йўқотмаслиги учун аччиқтош билан ҳам ювишган...*

*—Бухоро каштачилигининг ўзига хос сифати — у поклик, беғуборлик рамзи сифатида оқ матога тикилган, —дейди Мавлуда Нарзуллаева. — Турмушга чиқаётган қизлар сепига ўз қўли билан ткилиган 40 та каштачилик буюмларини қўшиши шари бўлган. Ёстиқаўш, сўзана, дасторпеч, рупокча, яккабанд, белбоғ, жойнамоз, чодиршаб, танпоккун, бўғжома кабилар шулар жумласидандир. Ҳар бир буюмга алоҳида ранглар композицияси ишлатилган. Анор гули серфарзандлик, бодои гуллари—тинч оила ва саодатмандлик рамзи бўлиб, матони безаган” .*

Фикрнинг аста-секин ривожлана бориши, унинг факт ва далиллар ҳисобига тўлиқлашгани сари мақоланинг муаллифи ўқувчини ҳам фикрлашга, берилаётган қарашлар орқали хулоса қилишга ундайди. Шу маънода бундай турдаги мақолаларда хулоса - муаллиф фикрининг изчил ривожланиши орқали пайдо бўладиган мантиқий нутқдир.

*“...Қайси ҳунар бўлмасин, уларнинг ҳар бирида аждодларимиз, момларимизнинг ҳаёт ҳақидаги фалсафаси мужассам. Воҳада яралаётган зардўзлик буюмларидан, кашталаридан таралаётган жилолар — Бухоро нурларидир. Жаннатмонанд юртимиз кўрки, халқимизга хос гўзалликни севиш, мукаммалликка интилиш, эзгулик яратиш бу нақшларнинг ҳар бирида ўз ифодасини топган. Бугун бу анъаналарнинг муносиб давомчилари бор. Бухоронинг асрлар бўйи қад кўтариб турган осмонўпар тарихий обидалари каби, бу санъат асарлари ҳам ҳайратга ҳайрат қўшиб яшайверади”.*

***Мунисхон Каримова (“Жамият” газетаси 2009 йил 13 февраль 6-сон)***

Мақолада мавзу орқали ўқувчи ўзи учун чиқарган хулосаси унинг ҳаётига, фаолиятига, ҳаракатига таъсир қилиб ижобий томонга ўзгартириши

мумкин. Бу тарғибий-ташвиқий мақолаларда таъсирчанлик хусусияти хос эканлигини кўрсатади.

### Муаммоли мақола

Муаммоли мақоланинг номини ўзи ушбу жанрининг мураккаб тури эканлигидан далолат беради. Матбуотда жамиятдаги, ижтимоий турмушдаги мавжуд ҳар қандай муаммо ёки камчиликларни кўтариб чиқадиган мақолаларга нисбатан муаммоли мақола атамаси қўлланилади. Шунингдек, у амалий-таҳлилий мақола деб ҳам юритилади. Матбуотда қачон муаммоли мақолага эҳтиёж туғилади? Умуман, муаммоли мақолалар қандай масалаларга бағишланади? Особенности воздействия журналистского произведения – отсюда же. Вот почему есть основания согласиться с утверждением профессора Е. И. Пронина, что журналистский текст несет в себе особый вид информации – журналистскую информацию. Согласно его исследованиям она характеризуется комплексом свойств, вызывающих определенные типы реакции на публикации. Их зафиксировано три:

1) реакции вовлечения – действия (внешние или внутренние), в которых обнаруживает себя отношение получателя информации к описываемым реалиям;

2) реакции исполнения – действия, которые представляют собой непосредственное осуществление рекомендаций или вариантов поведения, предлагаемых журналистским текстом;

3) реакции социальной гарантии – действия (готовность к действиям), в которых проявляется ответственность определенных социальных сил за необходимые последствия публикации.

– Очень интересно. Только сегодня все говорят о снижении действенности журналистских материалов. Может быть, это означает, что время «реакций исполнения» и «реакций социальной гарантии» прошло?

– Тут есть о чем подумать, действенность в привычном смысле, действительно, снизилась. А если она просто изменила характер?.. Всмотритесь в события, вызванные нашумевшими публикациями. Вышла статья в «Известиях» о Коняхине – помните? Мэр города Ленинск-Кузнецкого... Президент специальным распоряжением направляет туда комиссию Генпрокуратуры для проверки фактов. В «Совершенно секретно» появился материал Ларисы Кислинской о банных приключениях министра Ковалева. Отставка! Александр Минкин своими статьями «выбил из седла» почти всю команду Анатолия Чубайса. Это, так сказать, кадровые вопросы. В них можно увидеть проявление борьбы экономических группировок. Можно сказать – политические интриги. Но суть дела от этого не меняется: есть журналистские материалы – и есть реакции на них. А вот совсем другая область отношений. «Новая газета» выступила с идеей акции «Забытый полк» – и сотни людей включились в нее, помогая майору Измайлову и рублем, и словом, и поступком. Тоже реакция на газетный текст! Реакция исполнения...

– Но насколько часто она сегодня наступает в процентном отношении...

– Да не будем мы сейчас считать в процентном отношении! Это сфера обсуждения плюсов и минусов сегодняшней журналистской практики. А нам надо закономерности выявить.

Раз есть перечисленные выше реакции на журналистские материалы, значит, есть и свойства информации, способные эти реакции вызвать. Вот и давайте смотреть, в чем они состоят.

– Но зачем это нам? Если сороконожка будет считать, сколько у нее ног, она с места не сдвинется!

– А человек будет топтаться на одном месте, если он дальше своего носа не видит! Широта взгляда, между прочим, – условие глубины мысли.

– Ну, и какой комплекс свойств у журналистской информации по-вашему?

– Да не, по-моему, а согласно концепции Е. И. Пронина, о которой я уже упомянула. От себя подчеркну только один момент: данный комплекс объединяет в себе специфическое свойство журналистской информации с ключевыми свойствами всей информации и массовой информации, и в этом слиянии суть Конкретно дело обстоит следующим образом.

Во-первых, журналистская информация характеризуется общим для всей информации свойством действительности: будучи воплощением связи человека с окружающим миром, одновременно она есть объективно необходимый действительный инструмент воздействия на этот мир.

Во-вторых, журналистской информации присуще общее свойство всей массовой информации – универсальность. Состоит оно в том, что эта информация «срабатывает» далеко за пределами отдельных ситуаций, вызывая ускорение или торможение социальных процессов. (Это третье свойство массовой информации, два других – общезначимость и общедоступность – нам уже известны. Нетрудно заметить, что универсальность производна от первых двух свойств. С другой стороны, она «снимает» их в себе, давая возможность при характеристике комплекса свойств информации того или иного рода обойтись указанием на нее как на интеграл.)

Третье свойство журналистской информации присуще именно ей, является ее специфической чертой: она отмечена идеолого-этической направленностью, то есть способностью с той или иной мерой императивности поставить адресата информации перед выбором собственной линии поведения (отношения) в контексте соответствующих идеолого-этических ценностей, в частности представлений о добре и зле, о благе, о смысле жизни.77 Лазутина

Муаммоли мақола ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маданий ҳаётнинг бирор бир соҳасида, ишлаб чиқариш, қишлок хўжалиги, тадбиркорлик, маданият, фан, таълим, бизнес, молия ва бошқа соҳалардаги долзарб амалий муаммога қаратилади. Мақола муайян бир муаммони кўтариш, ундан жамоатчиликни хабардор қилиш, муаммони келтириб чиқарган сабаблар, унинг оқибатлари, етказган зарарини кўрсатиш билан бирга, унинг олдига ечимини топиш вазифасини ҳам қўяди. Бунинг учун мавзуга яна ҳам

ойдинлик киритиш мақсадида муаммонинг ўзини аниқлаштириб олиш керак. Чунки муаммонинг ўзини нима эканлигини билмай туриб у ҳақда мақола ёзиб бўлмайди.

"Муаммо"— деган сўзининг маъноси камчилик, жумбоқ, ҳал этилмаган масала сифатида умумий тасаввур беради. Лекин унга ҳар бир инсон ўзининг тасаввури доирасида таъриф бериши мумкин. Шу нуқтаи назардан айрим тадқиқотчилар муаммога "эскилик билан янгилик ўртасидаги тўқнашув" деб таъриф беришса, бошқалар "жавоби берилиши шарт бўлган савол" деб аташади. Шунингдек, "ҳар қандай қарама-қаршилик ўртасида муаммо туради" дегувчилар ҳам бор. Нима бўлганда ҳам ҳар ким ўз тажрибаси, тафаккури доирасида муаммога муносабат билдиради.

Кўтарилган муаммо журналист асарининг асосини ташкил этувчи манба сифатида хизмат қилади. Журналистнинг мақола ёзишда дастлабки вазифаси асоснинг мавжудлигини кўрсатса, иккинчидан ўзининг олдига ана шу муаммони келтириб чиқарган сабаблар, омилларни кўрсатиб бериш ва унинг ечимини топиш мақсадини қўяди. Муаммоли макола — ҳаётдаги мавжуд муаммо вазиятнинг борлигидан жамоатчиликни хабардор қилиш билан бирга, бу вазиятдан чиқиб кетишнинг амалий йўлларини ҳам ўзида ифода этади.

Журналист муаммони воқеликдан ажралмаган ҳолда ифода этар экан, бунда ўз асарида воқеликнинг нотаниш жиҳати ва кўринишлари тўғрисида маълумот бериш, муаммони қўйиш ва унинг ечимини топиш учун жамиятни тайёрлаши, ижтимоий тараққиёт зиддиятларини ифодалаши керак бўлади. Муаммоли мақолада кўтарилаётган мавзу илмий ва амалий томондан очиб берилиши, муаммонинг сабаб-оқибат муносабатларини аниқлаш, таҳлил қилиш, шунингдек, бошқа ижтимоий ҳодисалар билан боғлиқ ҳолда ифодалаш, тадқиқ этишдан иборат бўлади.

Муаммоли мақолани ёзишга тайёргарлик воқеликдаги муаммоли вазият, ҳолат, истак билан имконият ўртасидаги қарама-қаршиликни ўрганишдан бошланади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ҳаётдаги одатий муносабатларда ҳам турли хил тўқнашувлар, қарама-қаршиликлар бўлиши мумкин.

Журналист ўрганаётган предмети ҳақида қанча кўп билса, бу борада унинг малакаси шунчалик ошиб, ёритмоқчи бўлган “ўзининг мавзуси”ни қизикарли чиқишини таъминлайди. Муаммонинг тўғри қўйилиши фақат ишонарли билим ва маълумотларга асосланиши керак. Шундай мақолаларнинг бирига мурожаат этамиз.

**“Саҳнада тилни унутиб қўйманг”**

**ёхуд Олим Хўжаевнинг сабоқлари хусусида**

*“Ҳамма инсоний туйғуларнинг бекаму-кўст ифодаласа бўладиган тилимиз борлигидан фахрланиши керак. Қаҳр ва ғазабни ҳам, меҳр-муҳаббатни ҳам... Унинг ранги бор, заргари айтса биллурдай товланади. Душманга ханжардай ботади, дўстнинг кўксини тоғдай кўтаради. Бир гап билан сўзловчининг ким эканлигини билса бўлади. Доно топиб гапиради. Унинг мезони битта, тил ҳақидаги қонун-қоидаларга риоя қилинса бас”.*

Мазкур муаммоли мақоланинг кириш қисми мавҳум бўлганилиги боис, ўқувчи бирданига гап нима ҳақида кетаётганини тушуниб етмайди. Муаллиф гапни узоқдан бошлаган. Мавзу ҳам, уни очиб беришга қаратилган мақсад ҳам мақоланинг асосий қисмида акс этади.

*“Ҳали университетда ўқиб юрган кезларимизда саҳна тилини Олим Хўжаевдан, радио тилини Қодир Махсумовдан ўрганиш кераклигини такрорлашарди. Мен ўшанда Ҳамза номли (ҳозирги Ўзбек Миллий) театрга бориб, спектаклларда роль ижро этаётган санъаткорларимизнинг талаффузини,сўзларга урғуларни тўғри қўйилишини кузатардим. Образнинг ички дунёсини тил билан очишдаги тенгсиз маҳоратига қойил қолардим. Бир сўз билан театрни тўлдириб ўтирган томошабинларни қўлга олиш мумкинлигини ҳис қилардим”...*

Мавжуд жараёнлар ичида муаммоли вазиятни ажрата олиш учун эса жараён таҳлил қилинади. Бунинг учун журналистга биринчи навбатда воқелик ҳақидаги аниқ маълумот, информация керак бўлади. Ана шу таҳлилнинг асоси, муаммони аниқлаб олиши керак.

*“...Бугун саҳнада роль ижро этаётган баъзи бир актёрлар образнинг ички дунёсини томошабинларга тўлақонли етказиб бера олмаётганининг асосий сабабларидан бири, тил устида пухта ишламаётганликдари деб айтса бўлади. Сир эмас, “образ”лар шевада гапираяпти, сўзларга урғуни тўғри қўллай олмаяпти. “П” ҳарфининг ўрнига “Ф” ҳарфи ишлатилади. Менинг деган сўзнинг охиридаги “нг” қўшимчаси эшитилмайди. Натижада мани, ман, сан деган сўзга айланиб кетади...*

*...Эҳтимол жамоат жойларида тилнинг қонун ва қоидаларига риоя қилиш бироз ноқулайлик туғдирар, аммо тил билан боғлиқ бўлган сабоқларда, радио эшиттиришларда, телевидение кўрсатувларида ўзбек тилининг талаб ва қонунларига тўлиқ риоя қилиш керак ва зарур. Ўзимиз тилнинг аҳамияти ҳақида шевада гапирсак, жаргон сўзларни "қалаштириб" ташласак, айтганларимизга ким ишонади?... Эътибор беринг, қанчалар кўп жаргон ва маҳаллийлашиш туфайли бузилиб кетган сўзлар тилимизнинг ичида "яйраб" юрибди"...* ***Пардабой Тожибоев, ("Миллий тикланиш" газетаси 2009 йил, 7-январь , 2-сон.)***

Ҳозирги замонавий ўзбек журналистикада муаммоли мақолага мақомига даъвогар мақолалар кўп учрайди. Уларда кўпинча жамоатчилик фикрига ҳавола этишга арзимайдиган саволлар қўйилади ёки муаммосифат вазиятлар кўрилади.

Ҳақиқий муаммо ҳамиша жамият учун муҳим бўлиб, уни ечимини топишга бўлган талаб билан боғлиқдир. У қанча кўп кишига таалluқли бўлса, ўша муаммонинг аҳамияти, долзарблиги шунча ортиб бораверади.

Журналистлар орасида муаммо қанчалик тўғри қўйилса, унинг салкам ярим ечими тайёр қабилидаги фикр юради. Бу фикрда бир оз муболаға бор. Аниқроғи муаммонинг ечими саволнинг қандай қўйилганига қараб белгиланади. Бунинг учун билишнинг эмперик ва шу билан бирга назарий методлар орқали муаммоли мақоланинг ёзиш мақсадини аниқлаштириб олиш керак;

1) муаммони келтириб чиқарган сабабларни аниқлаш (тўсиқ, вазифалар)
2) муаммони кўтариш режасини ишлаб чиқиш ва муаммонинг ечими йўлларини қидириш, яъни ҳаракатни шакллантириш,
3) муаммоли вазиятни тасвирлаш ва баҳолаш.

Шу ўринда эслатиб ўтиш лозимки, журналистик тасвири остида кузатув натижалари, интервью, суҳбат, олиб борган эмперик тадқиқотлар, яъни ўрганган ҳужжатларда фақат тўғри маълумотлар кетади, деган қатъий ишонч мавжуд. Ёки аксинча, муаммо билан боғлиқ бутун жараён объектив ўрганилганига қарамай сохта фикрлар кетиб қолиши мумкин, деган

шубҳалар ҳам йўқ эмас. Шундай ҳолатларда уларни турларга, гуруҳларга ажратиб ўрганиш зарурати юзага келади.

Журналистикада долзарб амалий муаммони ўрганишда, ҳаддан зиёд чуқур таҳлил қилиш маълум даражада таъқиқланади. Чунки муаммонинг ичига қанчалик чуқур кириб бориш, муаммонинг ечимини топишни шунчалик қийинлаштиради. Натижада журналист калаванинг учуни йўқотиб қўйиши мумкин, яъни нима учун муаммони кўтаргани, уни келтириб чиқарган қандай сабаблари борлиги қолиб, шу муаммо билан боғлиқ иккинчи муаммонинг ортидан кетиб қолади.

Муаммоли вазиятларни ўрганишда – журналист кенг кўламда иш олиб боради. Бунинг учун эса ҳам амалий, ҳам назарий жиҳатдан махсус билим керак бўлади.

Замонавий ўзбек матбуот нашрларига чоп этиладиган муаммоли мақолаларга эътибор берилса, уларнинг аксарияти моддийлик билан боғлиқдир. Улар чегараланмаган. Аслида бу мантиқий жиҳатдан тўғридир. Чунки муаммонинг ўзи моддий ҳаёт билан инсон маънавият орасидаги номутаносибликдан келиб чиқади

Муаммоли мақолалар таҳририятнинг турли соҳаларига оид ҳар бир бўлимда тайёрланади. Муаммоли мақолани ёзишга тайёргарлик, муаммоли вазиятни, қарама-қаршиликни, реал воқеликдаги имконият билан истакнинг ўртасидаги мутаносибликни атрофлича ўрганишдан бошланади. Муаммо журналистнинг қаршида унинг мулоҳазалари билан, ўй-фикрлари билан қарама-қарши туради.

Муаммоли мақоланинг жамоатчилик фикрини шакллантирадиган жамиятдаги аниқ вазиятлар, ҳолатларга фаол таъсир қилиш орқали амалий натижаларга эришишни ҳисобга олиб ёзилади.

Илмий-муаммоли мақолалар, илмнинг бирор бир тор доирасига тегишли бўлган, ечимини топишини кутаётган саволларни тадқиқ ва таҳлил қилиш орқали ёзилади. Бу борада газеталар олимлар, ўз соҳасини яхши биладиган мутахассислар билан ҳамкорлик қилади. Уларнинг чиқишлари, яъни ёзган муаммоли мақолалари кўпинча муаммони илмий, назарий асослайди.

Шундай ҳолларда олим публицистик услубни билмаса, унга журналист ёрдами керак бўлади. Агар бу жараёнда иккисининг ҳам хизмати катта бўлганлиги учун, мақола ҳар иккисининг имзосида берилиши мумкин.

Муаммоли мақолада, айниқса ахлоқ мавзусида ташвиқий йўналишини газетхонга аниқ билдирилиши зарур.

Ахлоқ муаммоси ҳозирги ОАВ ичида жуда муҳим ва етакчи мавзудир. Ахлоқ ижтимоий тушунча шакли бўлиб, тарихий шаклланган қарашлар, тамойиллар, меъёрлар, тушунчалар, удумлар, урф-одатлар, анъаналар ҳақида, қолаверса, алоҳида одамларнинг, гуруҳларнинг жамиятдаги фаолиятларини бошқарувчи шаклдир. Ахлоқ миллатлар ва халқларнинг ўзаро муносабатларига фаол таъсир қилади.

Муаммоли мақола воқеликнинг кўриниши кенг кўламда, фактларга таянган ҳолда, автор (муаллиф) мулоҳазаларининг кўриниши ва кўламли характерга эга бўлган хулосаларнинг бари табиий ва ишонарли бўлиши керак.

Журналист муаммони очмоқчи бўлди, ўрганди, лекин уни тўлиқ таҳлил қилиб беришга, муаммони ечимига куч тополмади, ёки нотўҚри хулосалар чиқарди. Бунда вазият юзага келганда нима қилиш керак? Бундай ҳолатларда **баҳс** - ўтказиш шу муаммо юзасидан бошқаларнинг шахсий фикр-мулоҳазаларни билдиришларига имкон бериш керак. Баҳслашиш орқали турли қарашлар, нуқтаи назарлар тўқнашади. Охир-оқибатда жамоа фикри ҳосил бўлади, у йўлсизликдан кўра, анча ишончли, тўғри йўлни аниқлайди. Муҳокамага тортилган муаммонинг ҳал бўлиш усуллари ва воситалари кўрилади.

**Кўнгилочар мақола.**

ОАВ фаолиятига “бозор” тушунчаси кириб келгандан бошлаб ўзбек матбуотда унинг асосий талабаларидан бўлган талаб ва таклиф, эҳтиёж ва имконият кўнгилочар газеталарнинг пайдо бўлишига замин яратди. Бундай газеталарда асосан кўнгилочар мақолаларнинг “бозори” чаққон бўлиб қолди. Айниқса, жамоатчилик орасида кўнгилочар мақолаларга нисбатан “сариқ матбуот” нинг фаолиятини таъминловчи асосий манба сифатида қараш

устунлик қилади. Шу ўринда савол туғилиши мумкин. Кўнгилочар мақолалар “сариқ матбуот” пайдо бўлгунга қадар мавжуд эмасмиди? Мавжуд эди, албатта. Аммо у журналистика назарияси қонуниятларига бўйсунарди ва бу талаблар ҳозир ҳам назарий жиҳатдан маълум маънода ўз аҳамиятини сақлаб қолган. Шу маънода аввал ушбу жанрга қўйиладиган асосий талабларга тўхталиш мақсадга мувофиқдир.

Кўнгилочар мақолалар журналистика жанрлари ичида ўз ўрни ва аҳамиятига эга жанрлардан ҳисобланади. У кўпроқ ўқувчилар аудиториясининг маълум гуруҳларига (уй бекалари, аёллар, эркаклар, нафақахўрлар, ёшлар, болалар) маълум пайтда (эрталаб, кечқурун, дам олиш пайтларида) ўқишга мўлжалланган газета материали бўлиб, асосий мақсади ўқувчиларнинг қизикишларига қараб турли хил, ранг-баранг мавзулардаги ахборот, маълумотларни етазиш орқали ҳаётидаги турли хил муаммолардан, жиддий масалалардан чалғитишга, дам олдиришга қаратилади. Фан, таълим, маданият, санъат, спорт ва бошқа соҳалардаги янгиликлар жаҳоншумул ихтиролар, кўз кўриб, қулоқ эшитмаган ғайриодатий воқеалар, машҳур кишиларнинг ҳаёти, жамоатчиликнинг диққат марказида бўлган куннинг долзарб мавзуси атрофидаги фикр-мулоҳазалар, миш-мишлар, криминал ҳаёт ахборотлари кўнгилочар мақолаларнинг асосий мавзулари ҳисобланади. Аммо уларнинг ҳар бири жиддий тайёргарлик, аниқ факт ва далиллар асосида бўлиши талаб этилади. Шундай мақолалардан бирини кўриб ўтамиз.

**Сочи билан...**

**18 та “Дамас”ни тортмоқчи бўлаётган уйчилик Тоҳиржон Собиров ҳақида сўз**

*“Халқимиз орасида “Қуш уясида кўрганини қилади”, деган нақлдан ташқари “битта индаги полапонларнинг ҳаммаси ҳам бир хил учирма бўлавермайди”, деган гап бор. Дарҳақиқат, Ғофиржон ака билан Жамилахон опанинг тўнғич фарзанди Тоҳиржон ҳам уч синглиси ва укасидан кўра бошқачароқ чиқди. У ёшлигиданоқ катталарга хос қатъиятли, самимий ва очиққўнгил бўлиб ўсди...*

*...Орадан йиллар ўтди Ўша шўх, ҳеч кимга ҳақини бермаган болакай вояга етди, уйланди. Тўрт фарзанднинг отаси Тоҳиржондаги ғалати “ўзгариш”-ни кўриб, уйдагилар анча вақт хафа ҳам бўлиб юришди. Яъни унинг ўзбекларга хос бўлмаган соч ўстиришидан номус қилган бобоси Собиржон ота ҳатто уйдан ҳайдашгача борди. Ота-онаси кўп бор*

*панд-насиҳат қилишди. Лекин у қайсарлик билан “йўқ сочимни кестирмайман” деб туриб олди...*

*...Буни қаранг-ки, Тоҳиржон кутилмаганда соч ўстираётгани сирини ошкор этди. Очиғи, у биринчи бор ўзининг нималарга қодир эканлигини намоён этганда сочи боғловга ҳам кирмасди. Шу боис ҳамқишлоқларидан бирининг қўлига сочларидан маҳкам ушлаган ҳолда “Дамас” автомобилини бир неча метрга тортиб борди...*

*...—Ишонасизми, ўшандагина ота сифатида уни мақсадидан қайтармоқчи бўлиб койиб, сўкиб хато қилганимни англаб етдим, — дейди отаси Ғофиржон ака.*

*Қаҳрамонимиз 2006 йилда Наманғандаги “Навбаҳор” стадионида сочи билан торган “Дамас”лар сонини бир нечтага ошириб, янаям ҳайратланарли натижаларга эришди...*

*...2008 йил Италияда бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида юртимиз терма жамоаси аъзоси сифатида қатнашган уйчилик Тоҳиржон Собиров Ўзбекистонда ҳам манаман, деган рекордчи паҳлавонлар борлигини яққол кўрсатиб қўйди...*

*...Эътибор беряпсизми, Тоҳиржон танлаган спорт тури бутунлай бошқача... Яъни соч билан оғир юк тортиб, дунёни лол қолдиришга ҳар ким ҳам журъат этолмайди. Эҳтимол, бу кимгадир ғалати туюлар. Лекни унинг ягона мақсади битта, у ҳам бўлса Гиннеснинг “Рекордлар китоби”га кириш...*

*...Унинг умр йўлдоши Ферузахон шундай дейди:*

*—...Тўғриси ўз сочларимга у қадар эътибор бермаслигим мумкин. Лекин у кишининг толаси ниҳоятда қалин бўлган, чуқур илдизли, ғаройиб сочларини парваришлаш учун алоҳида вақт топаман. Иложи борича, хна, ўсма, қатиқ, қаймоқ, тухум сингари табиий воситаларда ювиб парваришлайман...*

*...Тоҳиржонни кўриб, бир-бирига шивирлаб қўяётган одамларнинг у ҳақидаги самимий эътирофлари қулоғимизга чалинди:*

*— Эшитдингларми, Тоҳиржон 18 та “Дамас”ни тормоқчи эмиш...*

- *Э, ҳали кўрасиз бу йигитни, Гиннеснинг машҳур китоби бор-ку, ўшанга кираман, деб юрганмиш...*
- *Илоҳим, ниятига етсин, биздан ҳам чиқсин-да ўшанақа рекордчилар!”*

**Шаҳзода Акбарова, (“Оила ва жамият” газетаси 2009 йил, 11 – 17 июнь, 25-сон.)**

Кўнгилочар мақолани ёзишда асосий эътибор муайян мавзу юзасидан мавжуд ахборотларни ўқувчи томонидан осон қабул қилинишига қаратилиши керак. Бунинг учун мавзунинг ичига чуқур кириб кетмасдан, воқеликнинг энг муҳим, ўқувчи диққатини тортадиган жиҳатларини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқдир. Чунки мақсад газетхонни дам олдиришга қаратилар экан, унинг кўпроқ ўйлашга, қайғуришга мажбур қиладиган

маълумотлардан узоқроқ ушлаш лозим. Бу degани фақат олди-қочди воқеалар ҳақида мақолалар бериш degани эмас, албатта. Бериладиган маълумотлар инсон руҳиятига енгил таъсир қилишини ҳисобга олган маъқул. Ўқувчи бир пайтнинг ўзида кўнгилочар мақоладан номаълум бўлган воқелик ҳақида ахборотга эга бўлиш билан бирга, ана шу ахборотдан маънавий-руҳий озуқа ҳам олсин.

Агар кўнгилочар мақола фаннинг бирор соҳасида яратилган янгилик, ихтирога бағишланса-чи? Бундай ҳолатда ҳам фанда янгиликнинг яратилганлиги муҳим воқелик. Унинг қандай янгилик эканлиги, қай тарзда амалга оширилганлиги ва жамият учун аҳамиятли томонларини кўрсатиб бериш лозим. Бунинг учун журналист гапни ушбу янгиликнинг тегишли бўлган соҳаси, унинг устида иш олиб борган олимлар, уларнинг тадқиқотлари, янгиликкача бўлган ютуқлари, янгиликни амалга ошириш йўллари каби ҳаракатларнинг бошқа илм муассасаларида амалга оширилганлиги ҳақидаги маълумотлар билан бошлаш ўқувчини зериктиради. Қолаверса, бу жиҳатларни ўрганиш, таҳлил қилиш илмий-маърифий мақоланинг вазифасидир. Кўнгилочар мақолада эса асосий жиҳатларига эътибор қаратилиши лозим. Унда ҳам ана шу жиҳатларни ўқувчига тушунарли тарзда етказиб бериш зарур.

Кўнгилочар мақолада кириш жуда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, уни қанчалик қисқа ва қизиқарли бошласа, ўқувчини шунчалик ўзига жалб этади. Юқорида таъкидланган етакчи факт киришда берилиши мақсадга мувофиқдир. Унинг атрофидаги тафсилотлар асосий қисмда изчил берилади. Хулосада эса мазкур тафсилотлар умумлаштирилади.

Кўнгилочар мақолалар газетанинг сўнгги, дам олиш саҳифаларида берилади.

Баъзан, кўнгилочар мақолаларда етакчи факт мавжуд бўлади, аммо унинг атрофидаги қўшимча факт ва маълумотларнинг етарли эмаслиги кўзга ташланади. Бу асосан “сариқ матбуот” нашрларида учрайди. Ёки етакчи факт атрофидаги тафсилотлар мақола муаллифи томонидан тўқима тарзда

(импровизация) ривожлантирилади. Ҳатто баъзан, воқеанинг ўзи ҳам тўқиб чиқарилади.

Турли хил қотилликлар, жиноятлар, жисмоний-руҳий зўрлашлар, қўрқинчли маълумотлар асосидаги тўқима воқеалар “сариқ матбуот” нинг асосий мавзуларидир. Гарчанд аксарият “сариқ матбуот” нашрлари ана шундай мавзулар атрофида фаолият олиб бораётган бўлса-да, аслида бу журналистика принципларига зиддир. Чунки воқелик аниқ бўлганидан кейин, унинг атрофидаги ҳодиса ва жараёнлар ҳам табиий ва тўғри бўлиши шарт. Ушбу ҳодисаларни тасаввурда ўйлаб, тўқиб ёзиш эса бадиий адабиётнинг ишидир. Афсуски, кўнгилочар газеталарнинг саҳифаларини воқеликка асосланилган ёки тўқиб чикариладиган бир хил мазмундаги мақолалар, воқеа ҳикоялар босиб кетди. Тўғри, бозор иқтисодиёти қонуниятлари рақобат асосида ривожланади. Газетанинг ўз ўқувчиларини топиш, уларни сақлаб туриш, обуначилар сонини ошириш учун уларни қизиқтирадиган мақолаларни бериш керак. Аммо воқеа-ҳодисалар ҳақидаги ёлғон ахборотлар билан ёки умуман ҳаётда содир бўлмаган воқеаларни бир хил тарзда бериш орқали газетхонларни ушлаб туриш мушкул. Айниқса, ҳар қандай берилаётган газета материалининг замирида қандайдир ғоя мужассам бўлади. Ғоя эса ўзлаштирилади. Қолаверса, кўнгилочар мақолалар ўқувчилар диди, савияси, билимининг ўтмаслашишига эмас, аксинча, уларнинг билими ва савияси, маънавий-руҳий дунёсининг бойишига хизмат қилмоғи мақсадга мувофиқдир.

**6-мавзу: Тақриз**

1. **Тақриз-таҳлилий журналистиканинг етакчи жанри сифатида.**
2. **Тақризнинг асосий хусусиятлари.**
3. **Тақриз турлари: илмий, бадиий, кино, театр тақризлари, уларнинг умумий жиҳатлари ва фарқли томонлари.**

**Тақриз лотинча “резенция” сўзидан олинган бўлиб, “қайта кўриб чиқиш, хабар қилиш, баҳо бериш, тавсиф” деган маъноларни англатади.**

Тақриз таҳлилий журналистиканинг жанрларидан бири бўлиб, унинг асосини ижтимоий-сиёсий, илмий-оммабоп ва бадиий асарлар, адабиётлар, илм-фандаги тадқиқотлар, санъат асарлари театр, кино, рассомчилик асарларига танқидий баҳо бериш ташкил этади.

Тарихий тараққиёт, журналистиканинг ривожланиши унинг жанрларини ҳам муттасил шаклланиб боришига таъсир этмай қолмайди. Бу таъсир бевосита тақриз жанрига ҳам тааллуқлидир. Илгари тақриз фақат ижтимоий-сиёсий, илмий ёки бадиий адабиётларга ёзилган бўлса, кейинчалик санъатнинг спектакль, концерт, кино, рақс, тасвирий санъат, рассомчилик каби турларига ҳам бериладиган бўлди, эндиликда телекўрсатувлар, радиоэшиттиришларга ҳам, клиплар, реклама роликларига ҳам, ҳатто моддий ишлаб чиқариш маҳсулотларига ҳам тақриз, баҳо берилади. Кўп газеталарда “Буюмларга тақриз” деган рукнда тақризлар берилади.

Отличие рецензии от других исследовательско-новостных жанров в том, что предметом анализа в ней является отраженная действительность, то есть реальность, уже нашедшая отражение в творческих произведениях – искусства, науки, публицистики и т.п. Поэтому автор всегда соотносит свой взгляд на окружающий мир с тем, как этот мир показан в обозреваемом произведении. Главные задачи рецензента – ориентация аудитории в тех проблемах, о которых говорят создатели книги, спектакля или живописного полотна, формирование у читателя эстетических представлений о действительности, объяснение сути творческого процесса, содействие аудитории в выработке самостоятельных оценок подобных произведений.

Рассмотрим специфику этого жанра на материале художественной критики. Публицистический смысл рецензии состоит в том, чтобы оперативно откликнуться на появление конкретного произведения искусства и создать образ рецензируемого произведения, объяснить читателю или слушателю, как связаны между собой эстетически оформленный мир, фантазия творца и виртуальный мир искусства. Поскольку художественное произведение – это концентрированная система образов, отражающая впечатления художника от окружающей его действительности, критик стремится понять, что хотел сказать автор и как это сказалось. Поиск ответов на вопросы «Что хотел сказать?» и «Как сказалось?» помогает создать целостное представление о рецензируемой вещи, и способствуют целостности журналистского текста. Процесс создания текста зеркально отражает ход мышления критика-публициста, при этом выделяются четыре взаимосвязанных между собой этапа:

Ø восприятие произведения – непосредственно-эмоциональный акт коммуникативного общения с произведением;

Ø размышление над прочитанным, увиденным, услышанным;

Ø «разъятие гармонии» (по В.Г. Белинскому) – практическое осуществление анализа, то есть определение темы и идеи произведения, системы образов, выражающих замысел

художника, структурно-композиционных особенностей произведения, характера конфликта как его движущей силы, своеобразия языка и стиля;

Ø собственно написание текста.

Говоря упрощенно, рецензент отвечает на вопрос – «Про что все это?» При этом он предлагает свою интерпретацию вещи (постижение замысла художника), ее трактовку (выяснение идейно-философского или философско-нравственного содержания произведения), дает истолкование (разбор сложных мест, зашифрованных образов и символов), предлагает прочтение вещи (осмысление всех компонентов произведения в их взаимосвязи).

Следует помнить, что, анализируя конкретное сочинение, рецензент обязан вписать его в художественный процесс, в художественную традицию, художественную моду. Сделать это можно с помощью разных подходов: а) на жанровом уровне – скажем, анализируемый роман соотнести с эволюцией жанра; б) на биографическом уровне – рассматриваемую вещь вписать в творческую биографию художника; в) на тематическом уровне – сопоставить разработку художником определенной проблемы с тем, что уже сказано по данной теме; г) на уровне образов – показать эволюцию героя в системе образов мирового искусства (или данного отрезка времени).

Разновидности художественной рецензии многочисленны – они соответствуют всем основным видам искусства (кинорецензия, рецензия литературная, театральная, музыкальная и т.д.). Своеобразие каждой из них обусловлено предметом анализа, особенностями рассматриваемой формы. В театральной рецензии, например, критик имеет дело с постоянно возобновляемым зрелищем, в кинорецензии – с особой организацией динамически организованного зрительного ряда (кадр, ракурс, монтаж), в литературной рецензии – с линейными (словесными) образами, «перетекающими» в пластические, создаваемые фантазией читателя. Но во всех видах рецензии есть нечто общее, а именно стремление критика выразить свое отношение к миру через анализ художественного произведения.

Рецензия – жанр эстетически-концептуальный. Оценка публициста – это не субъективный произвол («нравится – не нравится»), а тщательно аргументированный разбор источника. Он не обязательно носит исчерпывающий характер (в театральной рецензии, скажем, можно ограничиться анализом режиссерской разработки спектакля или игрой одного-двух актеров), но всегда важно дать аудитории целостное представление о произведении.

В рецензии «Послесловие или предисловие?» («Известия») на спектакль Юрия Любимова «Шарашка» на Таганке об игре актеров ничего не говорится. Все внимание сосредоточено на ином: в какой степени талантливая работа режиссера («это сильный спектакль») созвучна сегодняшним настроениям зрительного зала. По рецензенту – «не созвучна»: «Спектакль становится по-настоящему страшен, когда система начинает насиловать человека... Но в целом он не попадает в цель. Любимов проклинает сталинизм так истово, как будто делает это в первый раз... Зазеркалье, ад, населенный человекоподобными роботами, – а их все же хотелось бы понять». И вывод: «Спектакль, основное содержание которого составляет пафос противостояния тоталитарной системе, сейчас не ко двору: кто-то давно усвоил то, о чем говорит Любимов, а те, кто верует в идею коммунизма, на Таганку не пойдут».

Данная рецензия уязвима отнюдь не потому, что в центре ее только трактовка режиссером известного романа А. Солженицына «В круге первом». Критик видит неудачу спектакля в том, что «публики, которая могла бы оценить его, больше нет». Творец и его публика –

одна из самых животрепещущих тем в искусстве. Но судить постановщика с позиций господствующих в зале взглядов – задача неблагодарная и бесперспективная. Произведение выпадает из Времени не тогда, когда творец не имеет своей аудитории, а тогда, когда он не ощущает своего разлада с миром, его окружающим, когда живет в призрачном мире фантомов собственной причудливой фантазии.

И еще одно чрезвычайно важное обстоятельство: социологи традиционно отмечают невысокий (3–4%) рейтинг материалов на темы культуры у аудитории СМИ. Но из этого вовсе не следует, что рецензия – жанр элитарный, рассчитанный прежде всего на специально подготовленную часть населения. «Комсомольская правда» время от времени предлагает читателям рубрику «Зацепило» – минирецензии на принципиальные, с точки зрения редакции, произведения искусства. Так, канал «Культура» показал передачу, в которой Зиновий Гердт читал «Одесские рассказы» И. Бабеля. «Комсомолка» откликнулась на передачу минирецензией «Осень, которая всегда с тобой»: «Слова с помощью дивного голоса превращаются в картинки, добавочных иллюстраций не нужно, все уже есть в тексте и тембре». Реплика эта обращена к стране, канала «Культура» не знающей. Но публицистический долг критика состоит в том, чтобы заинтересовывать аудиторию произведениями, из которых складывается представление о творческом состоянии общества в целом. Рецензия – жанр просветительский. Знакомство с эстетическим разнообразием мира возможно и без посредства критика-рецензента. Но опытный проводник на этом пути – гарантия того, что у художника не прервется связь с аудиторией.

Публицистический смысл рецензии состоит в том, чтобы оперативно откликнуться на появление конкретного произведения искусства и создать образ рецензируемого произведения, объяснить читателю или слушателю, как связаны между собой эстетически оформленный мир, фантазия творца и виртуальный мир искусства. Поскольку художественное произведение – это концентрированная система образов, отражающая впечатления художника от окружающей его действительности, критик стремится понять, что хотел сказать автор и как это сказалось. Поиск ответов на вопросы «Что хотел сказать?» и «Как сказалось?» помогает создать целостное представление о рецензируемой вещи, и способствуют целостности журналистского текста. Процесс создания текста зеркально отражает ход мышления критика-публициста, при этом выделяются четыре взаимосвязанных между собой этапа:

Ø восприятие произведения – непосредственно-эмоциональный акт коммуникативного общения с произведением;

Ø размышление над прочитанным, увиденным, услышанным;

Ø «разъятие гармонии» (по В.Г. Белинскому) – практическое осуществление анализа, то есть определение темы и идеи произведения, системы образов, выражающих замысел художника, структурно-композиционных особенностей произведения, характера конфликта как его движущей силы, своеобразия языка и стиля;

Ø собственно написание текста.

Говоря упрощенно, рецензент отвечает на вопрос – «Про что все это?» При этом он предлагает свою интерпретацию вещи (постижение замысла художника), ее трактовку (выяснение идейно-философского или философско-нравственного содержания произведения), дает истолкование (разбор сложных мест, зашифрованных образов и символов), предлагает прочтение вещи (осмысление всех компонентов произведения в их взаимосвязи).

Следует помнить, что, анализируя конкретное сочинение, рецензент обязан вписать его в художественный процесс, в художественную традицию, художественную моду. Сделать это можно с помощью разных подходов: а) на жанровом уровне – скажем, анализируемый роман соотнести с эволюцией жанра; б) на биографическом уровне – рассматриваемую вещь вписать в творческую биографию художника; в) на тематическом уровне – сопоставить разработку художником определенной проблемы с тем, что уже сказано по данной теме; г) на уровне образов – показать эволюцию героя в системе образов мирового искусства (или данного отрезка времени).

Разновидности художественной рецензии многочисленны – они соответствуют всем основным видам искусства (кинорецензия, рецензия литературная, театральная, музыкальная и т.д.). Своеобразие каждой из них обусловлено предметом анализа, особенностями рассматриваемой формы. В театральной рецензии, например, критик имеет дело с постоянно возобновляемым зрелищем, в кинорецензии – с особой организацией динамически организованного зрительного ряда (кадр, ракурс, монтаж), в литературной рецензии – с линейными (словесными) образами, «перетекающими» в пластические, создаваемые фантазией читателя. Но во всех видах рецензии есть нечто общее, а именно стремление критика выразить свое отношение к миру через анализ художественного произведения.

Рецензия – жанр эстетически-концептуальный. Оценка публициста – это не субъективный произвол («нравится – не нравится»), а тщательно аргументированный разбор источника. Он не обязательно носит исчерпывающий характер (в театральной рецензии, скажем, можно ограничиться анализом режиссерской разработки спектакля или игрой одного-двух актеров), но всегда важно дать аудитории целостное представление о произведении.

В рецензии «Послесловие или предисловие?» («Известия») на спектакль Юрия Любимова «Шарашка» на Таганке об игре актеров ничего не говорится. Все внимание сосредоточено на ином: в какой степени талантливая работа режиссера («это сильный спектакль») созвучна сегодняшним настроениям зрительного зала. По рецензенту – «не созвучна»:

«Спектакль становится по-настоящему страшен, когда система начинает насиловать человека... Но в целом он не попадает в цель. Любимов проклинает сталинизм так истово, как будто делает это в первый раз... Зазеркалье, ад, населенный человекоподобными роботами, – а их все же хотелось бы понять». И вывод: «Спектакль, основное содержание которого составляет пафос противостояния тоталитарной системе, сейчас не ко двору: кто-то давно усвоил то, о чем говорит Любимов, а те, кто верует в идею коммунизма, на Таганку не пойдут».

Данная рецензия уязвима отнюдь не потому, что в центре ее только трактовка режиссером известного романа А. Солженицына «В круге первом». Критик видит неудачу спектакля в том, что «публики, которая могла бы оценить его, больше нет». Творец и его публика – одна из самых животрепещущих тем в искусстве. Но судить постановщика с позиций господствующих в зале взглядов – задача неблагодарная и бесперспективная. Произведение выпадает из Времени не тогда, когда творец не имеет своей аудитории, а тогда, когда он не ощущает своего разлада с миром, его окружающим, когда живет в призрачном мире фантомов собственной причудливой фантазии.

И еще одно чрезвычайно важное обстоятельство: социологи традиционно отмечают невысокий (3–4%) рейтинг материалов на темы культуры у аудитории СМИ. Но из этого вовсе не следует, что рецензия – жанр элитарный, рассчитанный прежде всего на специально подготовленную часть населения. «Комсомольская правда» время от времени предлагает читателям рубрику «Зацепило» – минирецензии на принципиальные, с точки зрения редакции, произведения искусства. Так, канал «Культура» показал передачу, в которой Зиновий Гердт читал «Одесские рассказы» И. Бабеля. «Комсомолка» откликнулась на передачу минирецензией «Осень, которая всегда с тобой»: «Слова с помощью дивного голоса превращаются в картинки, добавочных иллюстраций не нужно, все уже есть в тексте и тембре». Реплика эта обращена к стране, канала «Культура» не знающей. Но публицистический долг критика состоит в том, чтобы заинтересовывать аудиторию произведениями, из которых складывается представление о творческом состоянии общества в целом. Рецензия – жанр просветительский. Знакомство с эстетическим разнообразием мира возможно и без посредства критика-рецензента. Но опытный проводник на этом пути – гарантия того, что у художника не прервется связь с аудиторией. 150.б ( Корконосенко)

Тақризнинг бошқа газета жанрлардан фарқли жиҳати шундаки, унинг предмети бошқа жанрларга ўхшаб воқеликнинг ўзи эмас, балки асос солиб бўлинган воқеликдир, яъни информоцион ҳодиса— китоб, рисола, спектакль, кинофильм, телекўрсатув ва бошқалардир.

Қоидаги кўра тақриз ёзувчи журналист муайян бир асарни олиб кўриб чиқади ва ўзининг олдига у ҳақда баҳо беришдан ортиқ, муҳим вазифани қўймайди. Агар журналист ўзининг олдига ўша асар устида чуқур таҳлил олиб бориш вазифасини қўйса ва шу орқали жамиятга дахлдор муаммони кўтариб чиқса, унинг асари тақриз бўлмай, балки адабий-танқидий мақола бўлиб қолади. Шу боис журналист тақриз ёзадиган манбанинг бирламчи аҳамияти муҳимдир. У бирор бир китоб, бадиий асар, спектакль, бадиий фильмни олиши мумкин. Тақриз ёзиш таҳлил объектининг тўғри танлашидан бошланади. Кейин уни таҳлил қилиш учун зарур манбалар йиғилади. Ана шу тайёргарлик жараёни тақризни муваффақиятли чиқишида муҳим роль ўйнайди. Масалан: театр танқидчилари тақриз ёзиш учун эътиборни асарнинг ўзига қаратади. Аслида эса театрга бориб спектаклни кўриши, репитицияларни кузатиши, актёрлар ижроси ва спектаклнинг қандай саҳналаштирилганига эътибор қаратиши зарур.

Тақриз турли хил ўқувчилар, тингловчилар, томошабинларга мос келадиган аниқ шакл ва мазмунга эга бўлиши керак. Бунинг учун тақриз муаллифи объекти (китоб, кинофильм, спектакль, кўрсатув, эшиттириш)ни атрофлича ўрганиши керак бўлади. Тақриз муаллифи ўқувчига янги чиққан китоб, асар ҳақида батафсил маълумот бериши, уни ўқувчига ишончли қабул қилдира олиши, асар муаллифи ва ижодий жамоани ўз ишларига объектив баҳо берганда асарнинг камчиликларини ва уни бартараф этиш йўлларини кўрсатган ҳолда қабул қилишга ўргатиши талаб этилади. Бир сўз билан айтганда тақризчи ёзувчи билан ўқувчининг, олим билан ҳамфикрининг, ҳаммаслагининг орасида воситачидир.

Журналист тақриз ёзганда иккита мақсадни олдига қўяди. Биринчиси-ахборотни билиш (идрок этиш), яъни асар ва унинг муаллифига тегишли бўлган турли хил маълумотларни тўплаши, иккинчиси тадқиқот орқали, асарнинг ҳақиқий қимматини таҳлил қилиб бериш керак.

Публицистиканинг бошқа жанрларидан фарқ қилган ҳолда тақриз ҳужжатлиликка яқиндир. Тақризга адабий асарни санъатнинг тарғибот воситаси сифатида қараб тақризчи ўзининг мулоҳазаларида ҳаётий манбалар

билан асарда тасвирланган воқеаларни солиштиради, аслидаги воқелик билан фактларни, ҳужжатларни бир-бирига қанчалик мос келишини ўрганади. Албатта, тақризнинг асосини ҳам худди корреспонденцияда, очерк, фелъетон, репортажда сингари, факт ва маълумотлар, зарур манбалар, ҳужжатлар ташкил қилади. Фақат тақризда бу фактлар ҳаётдан олинмайди, балки олимнинг ёки рассом, актёрлар аллақачон ўз илмий-бадиий асарида, спектакль, чизган суратида қўллаб бўлган фактларга мурожаат қилади.

Тақриз ёзаётган журналистнинг асосий вазифаси ўрганаётган объектидаги бошқалар илғамаган жиҳатларни очиб беришдир. Буни бирор бир муайян соҳа (адабиёт, театр ҳаёти, санъат ва бошқ.)га тегишли бўлган махсус билимга эга бўлмасдан туриб амалга ошириш бир мунча мураккабдир. Бу билимларни оддий ҳаётий тажриба ёки интуиция (ҳис килиш) билан алмаштириб бўлмайди. Журналист қанчалик махсус билимларга эга бўлса, унда шунча профессионал тақриз ёзиш имконияти шаклладн.

Тақризнинг асосини таҳлил ташкил этади. У ҳар томонлама ва холис бўлиш зарур. Тақриз муаллифи таҳлил қилаётган асарда унинг фикрларини ривожлантириш хизмат қиладиган марказдаги янгиликни топа олишни билиш керак. Журналист таҳлил жараёнида қандай йўлдан боришидан қатъий назар унинг чиқиши асосини муайян фикрлар, ғоялар ташкил қилиши керак. Шу боис, тақризнинг машҳурлиги ҳам — муаллифининг исботланган.

Ўзбек матбуотида чоп этилаётган тақризларнинг у ёки бу жиҳатларга қараб муайян гуруҳларга туркумлаш мумкин. Уларни қуйдагича гуруҳлаш мумкин.

1. Ёзилишига қараб тақризни иккига катта ва кичик тақризга бўлинади. Катта, кенг кўламдаги тақриз газета ёки журнал сонининг “мих” материали бўлиши мумкин. Бундай тақризлар кўпинча махсус нашрларда учрайди. Унинг катталиги муаллифга тадқиқ қилинаётган асарнинг чуқур ва ҳар томонлама қамраб олишга имкон беради. Бундай тақризлар одатда ўзларининг ижтимоий-сиёсий ва фалсафий-ахлоқий қарашлари билан жамоатчиликнинг эътиборига тушган танқид усталари томонидан ёзилади.

Кичик тақризлар эса ҳозирги пайтда кенг кўламдаги, ёйиқ тақризларга нисбатан кўпроқ учрайди. Унинг ҳажми бир, бир ярим қоғоздан ошмаслиги мумкин. Бу жиҳатдан у информацион жанрларга ўхшаб кетади ва асар ҳақида қисқача ахборотлар бериш билан чегараланади.

2. Тадқиқ қилинаётган асарларнинг сонига қараб уларни монотақриз ва политақризга бўлиш мумкин.

**Монотақризда** муаллиф битта асарни таҳлил қилади. Албатта, уни бошқа шунга ўхшаш асар билан қиёслаши мумкин. Лекин бу қиёслаш тақризда катта жойини эгалламайди. Монотақризда муаллиф таҳлил қилаётган асарни аудиторияга маълум бўлган асар билан қиёслайди.

**Политақризда** эса икки ёки ундан ортиқ асарлар таҳлил қилинади. Одатда улар бир-бири билан таққосланади ва у тақризнинг асосий ҳажмини эгаллайди. Бундай тақризлар янги яратилган ҳамда аудиторияга номаълум бўлган ёки маълум кишиларгина хабардор бўлган асарлар ҳақида қиёсий таҳлил олиб боради.

3. Мавзуларга қараб ҳам тақризлар турлича бўлади.

Тақризнинг бир неча турлари бор.

Булар адабий-бадиий тақриз, театр тақризи, кино тақризлар ва бошқалар. Сўнгги пайтларда мультфильмлар, ҳужжатли фильмлар, клиплар, телекўрсатувлар, реклама роликлари ҳақида ҳам тақризлар тез-тез учраяпти. Бунга сабаб, ҳужжатли ва анимал фильмларнинг, кўрсатувларнинг, драматик можароларнинг, ҳаётий воқеаларнинг, реклама маҳсулотларининг ҳаддан зиёд кўпайиб кетиши оқибатидир. Фақат бугина эмас, тақризнинг жанрлар орасида ҳам турлари мавжуд. Масалан, тақриз - мақола, тақриз - очерк, тақриз - репортаж ва ҳ.к.

Аммо қайси тақриз турини олиб қараманг уларга тааллуқли бўлган умумий талаблар мавжуд. Улар қуйидагилар:

1. Мавжуд воқеликка ҳаққоний, ишончли фактларга асосланиб, объектив баҳо бериш керак. Бироқ, тақризчининг диққат марказида муаллифнинг ҳаётий манбалари, аниқ бир ижтимоий-сиёсий, илмий ёки бадиий асар

турмоғи керак. Шу нуқтаи назардан бу жанрга баҳо берганда айтиш мумкинки, тақриз ахборот ҳақидаги ахборотдир;

2. Асарнинг ажойиблиги ҳақида гапириши мумкин, лекин ёзувчи ижодида қўллаган асосий принципларини ҳам эсдан чиқармаслик зарур;
3. Тақризнинг асосини, тадқиқ этилаётган асарнинг таҳлили ташкил этади. Имкон қадар шу таҳлил ҳар томонлама бўлиши керак. Айтайлик, бирор фильм ҳақида тақриз ёзганда, тақризчи бутун эътиборни фильмнинг сценарийсига қаратиб, унинг мукаммал чиққани фильмнинг қимматини белгиланганини айтиш  нотўғри. Бу ерда сценарий билан бирга фильм режиссураси, актёрлар гуруҳининг тўғри танланиши, ижрочилик маҳорати, костюмларнинг танланиши, мусиқанинг фильм мазмунига мос тушганлиги, дубляж –шуларнинг бир бутунлиги фильмнинг муваффақиятини таъминланганини тақризчи батафсил кўрсатиб бериш керак;
4. Бадиий асарларга тақриз ёзганда, унинг мазмунини ўқувчига ҳикоя қилиш билан чекланиб қолмаслик керак. Аслида тақризчи  ўқувчини асарда акс этган ижтимоий ҳаётда ёки адабиётдаги, санъатдаги янгилик сифатида учраган бирор янги ҳодиса билан таништириши лозим;
5. Тақриз ёзувчи журналист асар ҳақида айтмоқчи бўлган фикрида ўзининг аниқ позициясини билиб олиши керак. Агар асарнинг тўғри келган жойидан олиб, таҳлил қилишга ҳаракат қилса, у ўқувчини ўз қарашларига, берган баҳосининг тўғри эканлигига ишонтира олмайди;
6. Тақризчининг вазифаси ўқувчига тушунарсиз нарсани тушунтириш, ноаниқни аниқлаштиш, мураккабликни соддалаштиришдир;
7. Тақризчининг вазифаси, бурчи-муаллифнинг камчиликларини топиб, уни бартараф этишга ёрдам бериш, ўқувчига эса асарнинг моҳиятини ишончли қилиб тушунтиришдир.

Калтак ва қамчи-адабиёт ва санъат учун ёмон ёрдамчилардир. Яъни фақат танқид қилиш, айниқса фактларни сохталаштириш, асарнинг баҳосини туширади. Тақризчи ўз эътирозларини билдириши, камчиликларни

исботлаши ва бунга ўқувчини ишонтира олиши керак. Қуйида спектаклга ёзилган тақризларидан бирини кўриб ўтамиз.

**Азалий мавзунинг янги талқини**

Шиллер қаҳрамонлари яна саҳнада

*“...Миллий театр саҳнасида шу йил саҳнага қўйилган “Макр ва муҳаббат” спектакли драматург Комил Яшин ва адиб Маъруф Ҳаким томонидан таржима қилиниб, 1985 йили чоп этилган нусхага асосланган... Асарни саҳнага қўйган таниқли актёр ва режиссёр Турғун Азизов, рассом Бахтиёр Тўраев ва актёрлар ташқи жозибадор, ҳавойи тавсифларга берилмай, ички моҳиятни очишга, яъни асардаги эзгулик ғоясини тараннум этишга ҳаракат қилганлар.*

*Спектаклда одатдагидек безаклар йўқ: четда бир стол, стул, ўнг чеккада диван, орқа ва ён-вери ёй шаклида қад кўтарган бир неча ҳайкал...*

*...Ҳайкаллар асар воқеаларига дахлсиз кўринсалар-да, лекин айни замонда қаср ён-вери безагига айланиб, санъаткор мусиқий тасвир билан уйғунлик касб этади ва спектаклга ўзига хос яхлитлик ва кўркамлик бахш этиб тургандек таассурот қолдиради...*

*...Миллер образи артист Қаҳрамон Абдураҳимов томонидан ўзига яраша қаттиққўл, инсонлик ғурури баланд, ягона қизига ўта меҳрибон ота тарзида талқин этилган...*

*...Луиза спектаклда нурли бир сиймо янглиғ намоён бўлган. Унинг дард-аламлари актриса Лола Элтоеванинг гоҳ ҳадикли, гоҳ ўкинчли, гоҳ умидбахш оҳангида сезилиб туради... Санъаткор Луизанинг ўлими саҳнасини пластик ифода орқали ечган: ёруғ дунёга сиғмаган бу қиз мисоли парга айланадию она замин уни енгилгина ўз бағрига олади...*

*...Рихситилла Абдуллаевнинг Фердинанди бўрон ва тазйиқ муҳитининг тўсиқ билмас курашчиларини эслатади. Леди Милфорд билан учрашаркан, уни енгилоёқ аёл тарзида фош этишга берилиб кетади. Луиза билан учрашувларда ҳам у оромсиз, ҳадик ва шубҳали ҳислар эпкинида яшайди. Лекин унинг “ҳужум”лари баъзи ўринларда ҳавойи кўринади, актёрда муҳитни ҳис этиш етишмайди...*

*...Толиб Мўминов — Вурм укки кўз ҳам эмас, қизил соч ҳам, сиртдан қараганда бошқалардан ажралиб турмайди. Лекин унинг қабихона интилиш ва мақсадларига алоҳида урғу берилиши, образ очилиши керак эди. Т.Мўминов ижросидаги Вурм беозор маслаҳатчига ўхшаб қолган. Бундай талқинга қўшилиб бўлмайди.*

*Моҳира Нурматова леди Милфордни латофатли, мафтункор аёл тарзида кўрсатишга ҳаракат қилган. Унда ўзига бино қўйиш, димоғдорлик жиҳатлари ҳам сезилиб туради. Лекин инглиз саройининг собиқ аслзодасининг аламли қисмати, мушоҳадакорлиги етарлича очилмаган.*

*Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, спектаклнинг маконий ечимида қовушимлилик йўқ. Атрофда қад кўтарган ҳайкаллар умумий кўркам кўриниш ҳосил этса-да, ўзгаришсиз қолиши натижасида воқеалар суратига таъсир кўрсатмайди...*

*...Турғун Азизов ўз вақтида институтда, сўнг театрда устози Тошхўжа Хўжаев бошчилигида Фердинанд ролини ижро этганди. Энди у тажрибаларини ёшларга сингдириб, Миллий театримизда жаҳон мумтоз драматургияси асарларини қўйиш анъанасини давом эттиришга журъат этган экан, бу таҳсинга муносиб ташаббусдир".*

***С.Турсунбоев***

***("Ўзбекистон адабиёти ва санъати" газетаси 2006 йил ,22 сентябр, 38-сон)***

Муаллифнинг ёзмоқчи бўлган мавзуда узоқни кўра билиши муҳим аҳамиятга эга. Асарни таҳлил қилиш жараёнида китобнинг, асарнинг, фильмнинг ёки спектаклнинг ғоявий-тематик ўзига хослигидан янгилик топишни ҳаракат қилади. Асар тасвиридан янгилик топиш–бу нафақат танқид кўламини кенгайтиради, шу билан бирга ўқувчи диққатини ўзига қаратади.

## 7-мавзу: Журналист суриштируви

1. **Журналист суриштируви жанри ҳақида тушунча ва унинг ривожланиш босқичлари**
2. **Матбуотда журналист суриштирувига бўлган эҳтиёж ва уни амалга ошириш жараёнлари.**
3. **Жиноий процессуал суриштирув билан журналист суриштирувининг фарқлари. Журналист суриштирувининг ҳуқуқий асослари.**
4. **Журналист текширувида ахборот йиҚиш усуллари ва уларни қўллаш.**

Анъанавий журналистика илмида ва миллий журналистикада журналист суриштируви асосан журналистик тадқиқотнинг синоними сифатида қўлланиларди. Шу боис унинг асосий вазифаси ижтимоий ҳаётнинг турли муаммолари юзасидан мақола, очерк ёки фельетон ёзишда таҳлилга тортилган

маълумотлар йиғиндиси, ёки таҳлил олиб бориш жараёнида фактларга эга бўлиш учун қўлланиладиган усул сифатида тушуниб келинди. Фақат ўтган асрнинг охирларида тарихга “қайта қуриш” номи билан кирган сиёсий жараёнлар давридагина Ғарб журналистикасида аллақачон ўрнини топиб улгурган бу жанр миллий журналистикамизда пайдо бўлди. Журналист суриштируви жанр сифатида ўзининг мазмунига, олдига қўйган мақсади, воқеликка таъсири, ахборот олиш усуллари, қўлга киритилган материалларни тасвирлаш жиҳатлари билан бошқа жанрлардан ажралиб туради.

Даставвал, фақат хабарнома ҳисобланган газета эндиликда жамиятда турли воқеа-ҳодисаларга ҳақидаги хилма-хил фикр-қарашлар асосида ҳақиқатни юзага чиқариш ва маълум бир манфаат юзасидан сир тутилаётган муҳим ахборотларни ошкор этиш функциясига ҳам эга бўлди. Бу журналистикада суриштируви жанрининг вужудга келишига туртки берди.

Жаҳон журналистикасида, айниқса XX аср охирида ривожлана бошлаган суриштирувлар биринчи галда, жамият ҳаётининг барча жабҳаларида мавжуд бўлган салбий ҳодисаларга шунингдек, ҳуқуқий тизим олдини ололмаётган ёки чек қўя олмаётган (баъзан хоҳламаётган) бир қатор қонунбузарликларга нисбатан омманинг муносабати орқали ифодаланади.

Журналист суриштирувининг объекти одатда пайқамаслик мумкин бўлмаган салбий ҳодисалар (булар биринчи навбатда турли хил жиноятлар, воқеалар, ноқонунийликлар, адолатсизликлар)дир. Муайян бир ҳаракатлар, лоқайдликлар, тазйиқлар, манфаатлар тўқнашуви натижасида бундай салбий ҳодисаларнинг олди олинмаган бўлса, одатда уларнинг ўзагини ёки келтириб чиқарган сабабларини яширишга ҳаракат қилинади. Журналист суриштирувининг вазифаси эса ўша яширилган, сир тутилган ҳолатларни очиб бериш орқали ҳақиқат қарор топишига хизмат қилишдир.

Журналист суриштируви мураккаб жанр ҳисобланади ва журналистдан жуда катта маҳорат ва тажриба, билим ва жасорат талаб этади. Замонавий ОАВда бир қарашда журналист суриштирувига ўхшайдиган, бироқ аслида бунга мутлақо алоқаси бўлмаган материаллар (оқим, ёлланма мақола ва к.к.) кўп

учрайди. Уларнинг олдини олиш учун мазкур жанрнинг моҳиятини, унинг тамойил ва усулларини аниқ белгилаш зарурати пайдо бўлади.

Бу ҳақда гапиришдан олдин мазкур жанрининг ривожланиш тараққиётига назар ташлаш мақсадга мувофикдир.

Журналистика соҳасида илк суриштирувларни олиб борган шахслар сифатида Юхан Стринберг ("Қизил хона", 1879 йил), Эмиль Золя (жосусликда айбланаётган Альфред Дрейфус ишига алоқадор "Мен айблайман" номли суриштирув мақолалари тўплами, 1898 йил), Теодор Вольф ("Шу ҳам сиёсатми?", 1899 йил) ва бошқалар кўрсатилади. Бу жанр маъноси, олиб борилиши усули билан турли даврларда турли номлар билан аталади. Хусусан, "инвестигейтор" (журналист-суриштирувчилар), маккрекерлар" (сенсацион ахборот асосида материал тайёрлайдиганлар, кўпинча, сариқ матбуот вакиллари), "папарация"- (ахборот олиш мақсадида техник воситалардан яширин равишда фойдаланувчилар). Мазкур тушунчаларни "суриштирув" сўзига синоним сифатида қўллаш тўғрими?

Замонавий америкалик журналистлар аждодларидан бири, даставвал журналист, сўнгра ёзувчи сифатида фаолият юритган Сэмюэл Клеменс (1835-1910) "Территориэл интерпрайзер" газетасига Марк Твен тахаллуси билан мақолалар ёзган. У ўз асарларида ҳақиқий ҳужжатлар, фактлар, маълумотлар, матбуот нашрлари маълумотлари ва гувоҳлар кўрсатмаларидан унумли фойдаланган. Шу тариқа, аудиторияни қизиқтирган, жамиятни хавотирга солган воқеаларни синчковлик билан ўрганган ва кўплаб долзарб муаммоларга асосли ечимларни топиб, суриштирув олиб бориш маҳоратини намойиш қилган.

Кейинчалик Сэмюэл Клеменс (Марк Твен) асос солган инвестигейторлик асослари кўплаб ижодкорлар асарларида акс этди ва ривожланиб борди. Бу хусусиятлар айниқса, маккрекерлар фаолиятида ёрқин акс этган. Америкада "маккрекерлар" (сенсацион ахборот асосида материал тайёрлайдиган журналистлар, кўп ҳолларда сариқ матбуот вакиллари) тушунчаси XIX аср охирида, яъни жамиятдаги иқтисодий ўсиш натижасида оммавий журналлар, жумладан Бенжамин Флауэрнинг "Саҳна" номли нашри

ташкил этилган бир пайтда пайдо бўлди. Мазкур журнал орқали “маккрекерлар” – кенг жамоатчилик эътиборини барча соҳадаги турли иллатларга жалб қилишни вазифаси деб биладиган бир қатор публицист ва ёзувчиларнинг ҳаракати жадал ривожланди.

Улар айнан қандай мавзуларни ёритганлар? Журналистлар кўтарган мавзулар турлича эди. Масалан, “Кольерс” журнали тиббиётдаги фирибгарликка қарши фаол курашган. Журналнинг 1905 йил 7 октябрь сонида Сэмюэль Хопкинс Адамс “Америкадаги буюк фирибгарлик” мақоласи билан дори-дармон саноати вакилларига кучли “зарба” беради. Журналист қўлидаги фактлар билан матбуотда кенг реклама қилинаётган дори-дармонлар аслида беморларнинг соғайишига эмас, аксинча таркибида алкоголь, опий, кокаин, морфий ва бошқа наркотик моддалар борлиги сабабли, соғлом одамларга ҳам зарар етказаётганлигини исботлаб берган. Натижада, мақола сарлавҳаси ўша даврнинг энг машҳур шиорларидан бирига айланган.

“Космополитэн” журнали ҳам улардан қолишмай, 1906 йил март ойида журналист Филлипснинг катта баҳсларга сабаб бўлган “Сенат хоинлиги” номли мақоласини чоп этган бўлса, “Хэмптонс” журнали саҳифаларидан ўрин олган Рета Чайлд Доррнинг аёллар тенг ҳуқуқлиги борасидаги мақоласи мамлакатдаги нафақат аёллар, балки эркакларни ҳам оёққа турғазди. Ёки “Амэрикэн мэгэзин” АҚШ президенти Рузвельт билан турли мавзуларда қизғин баҳслар олиб борган. Рузвельт танқидий муносабат эгалари бўлган бу нашр журналистларини тарихда илк бора “маккрекерлар” (сўзма-сўз таржимаси “ахлат титувчилар”) номи билан атаган. Бу суриштирувлар АҚШ, шунингдек, дунёнинг бошқа мамлакатлари журналистикаси ривожига ҳам улкан таъсир кўрсатди.

Журналист суриштируви жанри доирасида фаолият юритадиган журналистлар холислик ва ҳаққонийлик йўлини тутадилар. Айнан шу сабаб АҚШнинг энг машҳур нашрларидан бири бўлган “Вашингтоп Пост” газетаси мухбирлари Карл Бернстайн ва Боб Вудвордлар “Уотергейт иши” номли суриштирув иши олиб бориб, ўша пайтдаги президент Ричард Никсонни

истеъфога чиқишига эришганлар. Кейинчалик бу жанрнинг самарадорлигини Германия, Австрия, Буюк Британия каби бир қанча мамлакатлар журналистикасида кузатилади. Хусусан, сўнгги ўн йилликларда Германия матбуотида Герман Гюнтер Вальраффнинг бир қатор долзарб муаммоларга бағишланган журналист суриштирувлари туркуми чоп этилди. Дунё мамлакатлари орасида япон журналистикасидаги журналист-суриштирувчиларнинг ўрни ҳам анча мустаҳкам. “Совершенно секретно” газетасида таъкидланишича, қонунбузарликларни содир этган шахслар қанчалик сир сақлашга уринмасин, Япония матбуотида деярли барча муҳим воқеалар, жиноятлар, фирибгарликлар очиқ-ошкор чоп этилади.

Россия журналистикасидаги суриштирув жанри бир карашда янги пайдо бўлгандек кўрингани билан унинг илдизлари анча узок тарихга эга. А.С.Пушкин каламига мансуб “Пугачёв тарихи” номли ҳужжатли қисса рус журналистикасидаги дастлабки тарихий суриштирувлардан бири ҳисобланади. Муаллиф фактларни йиғиш жараёнида улкан ишни амалга оширади. Унинг асарида машҳур шахслар, ўша даврнинг кўзга кўринган саркардалари келтирилади. Шунингдек, муаллиф воқеалар содир бўлган вақтни дақиқасигача бўлган аниқликда баён қилади.

В. Короленконинг суриштирувлари журналистикада жуда қимматли ва қадрли, чунки у кўпинча ҳақиқат учун қаттиқ курашган. Натижада унинг асарлари тўғридан-тўғри суд ва ижро ҳокимиятлари фаолиятига таъсир кўрсатган.

Рус “инвестигейторлик” фаолиятини янада кучайишига ҳисса қўшган шахс сифатида В. Гиляровский кўп таъкидланади. У журналист-суриштирувчи сифатида 1881 йилдан бошлаб “Московский листок” газетасининг хроника ва жиноий воқеалар бўлимида ишлай бошлайди. Истеъдодли журналист ҳар хил касб эгалари бўлган шахслардан иборат ахборот манбалари тизимини ташкил этишга муваффак бўлади. В. Гиляровскийнинг тезкорлиги ҳакида жуда кўп гап-сўзлар юради.

Собик Иттифок даврида бир қатор нашрлар (“Известия”, “Комсомольская правда”, “Красная звезда” ва б. )да мазмунан журналист

суриштирувига яқин бўлган муаммоли мақола, репортаж, очерк, журналист тажрибалари оммалаша бошлайди. Бу Алла Трубникова, Аркадий Ваксберг, Анатолий Рубиновлар тажриба ва амалиёт мактаби эди. Ўша даврларда суриштирув ишлари асосан ижтимоий турмуш, маиший хизмат соҳаларидаги камчилик ва муаммоларга бағишланган. Кўпинча таҳририятга келадиган мактублар ҳам суриштирув ўтказишга туртки берарди. Қарийб йигирма йил давомида “Ленинградская газета” нашрида “ЛГ тажрибалари” рукни Анатолий Рубинов раҳбарлиги остида олиб борилган. Шунга карамай, журналист суриштируви қайта қуришдан сўнггина жанр сифатида ривожлана бошлаган. Кейинчалик журналистиканинг мазкур жанри бошқа янги мустақил давлатлар оммавий ахборот воситаларида ҳам оммалашди.

Ўзбек матбуотида журналист суриштируви асосан 80-йилларнинг охири 90-йилларнинг бошларидан ривожлана борди. Ҳарбий хизматда аскар йигитлар ўртасидаги “дедовшина” ҳақида ҳикоя қилувчи журналист Карим Баҳриевнинг “Ой бориб, омон қайтмаган болам”, инсон ўзлиги ва авлодлар маънавиятининг издан чиқишида собиқ шўролар ҳукумати сиёсатини ошкор қилувчи Ҳалим Саййиднинг “Таназзул” суриштирувлари ўша давр ўзбек журналистикасида муҳим воқелик сифатида эътироф этилди. Ўтган асрнинг охири ва янги асрда ўзбек журналистикасида суриштирув олиб борувчи журналистларнинг гуруҳи шаклланди. Абдунаби Ҳайдаров, Беккул Эгамқулов, Ҳабибулла Олимжонов, Турсунали Акбаров, Зиёда Ашурова, Ҳусан Нишонов, Беҳзод Шукуров, Беҳзод Бозоров, Анвар Суюнов ва бошқалар жамиятда мавжуд бўлган қонунбузарликлар, қаллобликлар, фирибгарликларни очиш орқали ўзбек журналистикасида суриштирув жанрининг ривожланиши ва шаклланишига ҳисса қўшдилар.

Ана шундай суриштирувларнинг бирига мурожаат қиламиз.

**Адолатсизлик оловида ёнаётган аёл**

*Ўтган йилнинг баҳори охирлаб, ёз эшик қоқаётган, қулупнай пишган, гилос ранг бера бошлаган, дала-чорбоғ ҳам, томорқа-боғлар ҳам ям-яшиб либосга бурканган айни гўзал палла эди. 10 май. Бироқ бу гўзаллик Гулчеҳра опанинг кўзига кўринмади, унинг дили сиёҳ, кўнгли чироқ ёқса ёримайди. Худди шу кайфиятдаги эри эрталаб яна вилоят фуқаролик судига жўнади —суднинг Ҳал қилувчи қарори ижросини тўхтатиб туришни*

*илтимос қилиш учун. Бугун уч кунлик муҳлат тугайди, ижрочи яна қиличини қайраб келади —уй-жойингни, мол-ҳолингни хатлайман, бир миллион 30 минг сўмни тўламабсанлар, деб. Бола-чақам кун кўриб турган ердан ажрадик, бунча пулни тўлаш учун етадиган мол-ҳолимиз бўлмаса, суд ҳам, бошқаси ҳам барибир яна раиснинг гапини айтади, отаси ҳали яна шумшайиб кириб келади, буларнинг қийналганини кўрганимдан кўра ўлиб қутилақолайин деган хаёлда, қўлида бир баклажка солярка билан томорқанинг этагига кета болади. Келин додлаб унга ёпишди: "Ойижон, қўйинг, ундай қилманг, йўқса мен ҳам ўзимга ўт қўяман! "*

*Йўқ улгурмади! Қайнонаси соляркани устига қуйиб гугурт чақди. Аланга кўкка ўрлади...*

Шундай фожиали воқеа тасвири билан бошланувчи ушбу суриштирувда гап Бухоро вилояти Вобкент туманида жабрланувчи С.Камолов томонидан ширкат хўжалигидан 1,89 гектар боғ-узумзорни олиб парваришлагани, боғ ҳосилга кирганда хўжалик раҳбарлари сунъий равишда ернинг ижара ҳаққини беш баробарга оширгани, бу пулни тўлашга кучи етмаган С.Камолов ширкат раисининг рухсати билан уни маҳсулот топшириш ҳисобидан тўлаганини қайд этади. 6 йил давомида ўзи парвариш қилган ушбу боғни С.Камолов раис фермер хўжалиги қилиб беришга ваъда қиладию, ваъдасининг устидан чиқмайди. Йил охирида эса раис ушбу масала хўжалик аъзоларининг умумий йиғилишида кўрилиб, ҳал қилинишини айтади, аммо йиғилишда унинг аризаси ҳеч кимнинг эсига келмайди. Шундан сўнг С.Камолов яна икки марта ариза ёзади. Унинг аризасига "Сизга хўжалик ҳудудидан ер беролмаймиз, истасангиз Қоровулбозор чўлидан ер берамиз, бўлмаса йўқ" деган жавобни беради. С.Камолов бу борада ёрдам сўраб Вобкент тумани ҳокимига мурожаат қилганлиги, у ҳам ишни ижобий ҳал қилишга ваъда бериб, ўзининг ўрнига прократура ходимларини жўнатганини, хуллас раиснинг тазйиқи билан бутун қонун ва кўрсатмалар, С.Камоловга қарши ишлагани, охир – оқибатда 1, 89 гектар ернинг 20 сотих бўлинган жойига ноқониний уй-жой қурилганлигида (аслида раиснинг рухсати билан) айблаб уни жиноий-жавобгарликка тортиш ва уй-жойини бузиш тўғрисида вилоят судининг хал қилувчи қарори чиқарилади. Бу

машмашаларнинг адолатли хал бўлишидан умидини узган С.Камоловнинг хотини ўзига ўт қўяди...

Журналист Х.Олимжонов таҳририятга келган С.Камоловнинг шикоят хати бўйича суриштирув олиб боради. Бутун жараённи синчиклаб ўрганади ва натижада, ушбу иш бўйича ширкат хўжалигидан тортиб, Бухоро вилояти Адлия бошқармасига олиб борилган хатти-ҳаракатларда қатор ноқонунийликларни аниқлайди. Уни ёритишда эса ўзининг холислик позициясига қатъий амал қилади.

*“Митти шарҳ: раиснинг укасига 22 гектар, ўғлига 12 гектар ер хўжалик марказий ҳудудидан ажратилиб берилаётганда “Ер тўғрисида”ги Қонун ҳеч кимнинг эсига келмаган, оддий фуқаро олти йил хўжалик аъзоси бўлиб тер тўккан С.Камоловга ўзи парваришлаётган 1,89 гектар ерда фермер хўжалигини ташкил этишни сўраб ариза ёзганида “Ер тўғрисида”ги Қонун дарров ишга тушиб, унга Қоровулбозор чўлидан ер таклиф қилнмоқда. Қалай зўрми? Ҳатто Армия хизматини ҳам айрим йигитлар ўзи туғилиб ўсган қишлоғида ўтаса бўлаверади. Агар у...расининг ўғли бўлса! Яна махсус олий маълумоти бўлмай туриб ҳуқуқшунос лавозимида ишласа ҳам бўлаверади. Фақат қонунни четлаб ўтиш учун раиснинг ўғли бўлиши керак. Қонун пластилин, ундан истаган нарсани ясаш мумкин, деган экан файласуф Цицерон. Унинг бу гапи ушбу суриштирув давомида кўп ёдга тушди. ”*

Суриштирув олиб бориш журналистлар учун айрим ҳолларда хавфли ҳисобланади. Жаҳон журналистлар уюшмасининг маълумотларига кўра журналистлар ўлимининг қайд этилиши қайноқ нуқталарда ёки фавқулодда воқеаларни ёритишдан кўра ҳам айнан ана шундай суриштирув олиб борувчи журналистлар ҳиссасига кўпроқ тўғри келар экан. Суриштирувларда журналистларга нисбатан тазйиқ,лар, дўқ-пўписалар, туҳматлар ва бошқа ноқонуний хатти-ҳаракатлар содир этилади. Ушбу иш ҳам бундан мустасно эмас. Уни муаллиф шундай изоҳлайди:

*“...Бухородан Тошкентга қайтиб улгирмасимдан бош муҳаррирга қўнғироқ бўлибди — вилоят миқёсидаги ҳурматли одам. У киши кейин муаллиф билан ҳам телефон орқали гаплашди: улар анча “бақувват”, яхши одамлар, шартмикин шуни шов-шув қилиш?*

*Анча вақт ёзишга қўлим бормади. Бу орада Саъдулла ака яна қўни-қўшниларидан йўлкира олиб келиб –кетди: “Нима бўлди ёзишга чўчияпсизми, бошқа таҳририятга кирайми? ”...*

*Кеча тушимга опа кирди: кўкка ўрлаётган олов орасидан хотиржам ва хазин нигоҳини менга қадаб, ғалати илжайиб турибди.*

*Эрталаб туриб ёздим".*

***Хабибулла Олимжонов, ("Мустақил"газета 2003 йил 20 февраль)***

Журналист суриштируви алоҳида тури сифатида ўзига хос хусусиятларига эга. Жанр сифатида ўз ўрнини топгунга қадар журналистнинг ҳақиқатни ошкор этишга бўлган уринишлари "журналист тадқиқот" тушунча орқали ифодаланган. Шу сабаб, суриштирув ишини олиб бормоқчи бўлган журналист кўп ҳолларда жамият ҳаётидаги кундалик муаммолар таҳлилига бағишланган материалларни тўплаш билан кифояланиб қолган. Таъкидлаш зарурки, баъзи Ғарб ОАВ бўйича мутахассисларининг фикрига кўра, инвестигейторлик, яъни суриштирув ишини олиб бориш ва таҳлилий журналистика бир хил фаолият тури ҳисобланади. У тўплаган материал мантиқан ёки таҳлилий, ёки танқидий мақола, ёки муаммоли очерк ёки фелъетонга яқин бўлган. Бошқача қилиб айтганда, моҳиятан суриштирув эканлиги аниқ бўлса-да, мазкур турдаги материал журналист суриштируви натижаси сифатида қабул қилинмас эди.

Ҳозирда эса журналист суриштируви ўз предмети, мақсади, воситалари, усуллари, амалга ошириш шарт-шароитлари орқали мустақил бир жанр сифатида тобора кўпроқ намоён бўлмоқда.

Журналист суриштирувининг мақсади биринчи навбатда ана шу салбий ҳодисани келтириб чиқарган ўзакни, унинг сабабларини, яширинган сирни топиш ва охир-оқибатда аниқ натижага эришиш билан белгиланади. Суриштирув олиб бораётган журналистнинг олдида битта, "Нимага?" деган савол туриши лозим. Шунингдек, бу жанр учун "Қандай?" деган савол ҳам ортиқчалик қилмайди. Иккинчи саволга жавоб бериш суриштирувда вақт (суриштирув жараёни), жой (чоп этилиши) билан боғлиқ анчагина катта муддатни талаб қилиши мумкин.

Маълумки, турли жиноий вазиятлар ёки сирли ҳолатлар махфий тарзда яширилади, бу эса табиийки, суриштирув жараёнини мураккаблаштиради. Бунда журналист ахборотни қўлга киритиш усулларидан келиб чиқиб бир

томондан жиноят қидирув бўлими инспектори, терговчисига, иккинчи томондан тадқиқот олиб борувчи илмий ходим сифатида ўтган кунларда содир бўлган катта ишлар билан боғлиқ тарихий воқеалар юзасидан суриштирув олиб борилади. Бу боғлиқлик воқеликка дахлдор бўлган йўлларни синчиклаб, ҳар бир ҳолатни изчил ўрганишни, бунда аниқ ва адашмайдиган изни топиб олишни тақозо этади. Ана шу тўғри издан борар экан журналист тез-тез ўзининг ортида ўқувчини, томошабинни, тингловчини кўради. Айнан ана шу қоронғу лабиринтнинг ичидан бир йўлга тушиб олиш, ҳаракат қилиш ва қўлга киритилган маълумотларни белгиланган тартибда жамоатчиликка етказиш суриштирувнинг детективлик хусусиятини ўзидан намоён этади.

Сўнгги ўн йилликлар мобайнида журналист-суриштирувчилар эътиборини энг кўп тортадиган муаммолар кўлами вужудга келди. Бу иқтисодий жиноятлар, коррупция, фирибгарлик, мулкни ноқонуний ўзлаштириб олиш, жиноий воқеалар, қотилликлар, экологик қонунбузарликлар, ўтмишнинг очилмай қолган саҳифа (сир)лари ва ҳ.к. Мазкур воқеа-ҳодисалар сабаби ва оқибатларини аниқлаш билан бирга суриштирувчи-журналистлар аудитория онгида тўғри ва холис ижтимоий муносабатни ҳосил қилишга, мавжуд вазият юзасидан оқилона хулосага келишга ёрдам берадилар. Суриштирув жараёнида замонавий журналистлар ахборот излашнинг турли хил – ҳам анъанавий, ҳам ноанъанавий усуллари (ташқи кузатув, яширин камера, касбини алмаштириш ва б.)дан унумли фойдаланадилар.

Замонавий оммавий ахборот тизимида журналист суриштируви мустақил жанр сифатида намоён бўлади. Бу нарса эса журналистик фаолиятнинг алоҳида тури ҳисобланган мазкур жанрнинг ўзига хос хусусиятга эга бўлаётгани ва улғаяётганидан далолат беради. Аммо унинг тараққиёти йўлида йўқотишлар – журналистларнинг фожеавий ўлими, уларни суд орқали ёки бошка йўллар билан таъқиб этиш ҳолатлари ҳам йўқ эмас. Шунга қарамай, аксарият ҳолларда суриштирув олиб борган журналистлар кўпгина амалдорлар ва шу каби “мартабали жиноятчиларни” фош қилишга, жамоатчиликка замонавий ҳаётнинг долзарб муаммоларини намойиш этишга

ва шу билан бирга халқнинг ҳақиқатга бўлган ишончини уйғотишга эришмокдалар.
Оммавий ахборот воситалари фаолияти ва ваколат доирасини кенгайтиришга қаратилган қонун ва ҳуқуқий ҳужжатлар ҳам маълум маънода суриштирув жанрининг ривожига туртки бўлган.
Яна бир томондан, журналист суриштирувисиз матбуот саҳифалари “қуруқ ва мантиқсиз” бўлиб кўринса, телевидение ва радиога ранг-баранглик етишмайдигандай таассурот қолдиради. Аммо муаммо шундаки, оммавий ахборот воситаларида бу каби ранг-баранг ва мазмундор суриштирувлар тобора кўпайиб бораётган бўлса-да, гўё унинг билан бирга газета-журнал саҳифалари, телеэкранларда кўчирмачилик, ёлланма материаллар ва касбий билимсизлик яққол кўзга ташланади. Энг ёмони, телефон кўнғироқлар матни, жиноий видеоёзувнинг намойиш қилиниши, аниқ бир шахснинг обрўсини тўкадиган материал, хуллас, барча текширилган-текширилмаган, асоссиз, ўйлаш ва изланишни талаб қилмайдиган, фақат журналист қаламининг енгилгина ҳаракати билан тайёр бўладиган ҳар кандай материал ёппасига “суриштирув иши” деб номлана бошлади. Хўш, ҳақиқий журналист суриштирувини “қалбакиси”дан қандай фарқлаш мумкин? Ҳакикий журналист суриштирувини ўтказиш учун нималарни билиш керак? Аслида ўзи журналист суриштирувидан мақсад нима? Ҳакикатми? Холисликми? Ёки шахсий қизиқишни қондиришми? Суриштирув жараёнидаги рухсат ва чекловлар, қонун ва ноқонунийлик, касбий маҳорат ва билимсизлик ўртасидаги чегара қаерда? Бу саволларга жавоб топиш учун мазкур жанр хусусиятларига кенгроқ тўхталиш жоиздир.

Журналист суриштирувига қўл урган журналист узоқ вақтгача бошқа иш билан шуғуллана олмайди. Чунки бу жараёнда журналистни биринчи ўринда ўзига тортадиган нарса бу қизиқувчанлик ва натижанинг кутилмаган бўлиши эҳтимолидир.

Ҳозирги кунда Ғарб журналистикасида “инвестигейторлар” (журналист-суриштирувчилар) ва “маккрекерлар” (сенсацион ахборот асосида материал тайёрлайдиган журналистлар, кўп ҳолларда сариқ матбуот

вакиллари) деярли бир маънони англатади. Жанр сифатида журналист суриштируви кам ўрганилган, таъқиқланган ёки сир сақланаётган мавзунинг ҳар томонлама ва чуқур ўрганиш орқали очиб беришни назарда тутади. Бу жараёнда журналист-суриштирувчи ўзига зарур маълумотни олишда унга тўсқинлик қиладиган маълум тизим ёки шахслар қаршилигига учраши, табиий. Шу сабаб, нафақат, журналист суриштируви, балки уни олиб бориш усули ҳам эътиборни тортади. Негаки, суриштирув муваффақияти биргина мавзунинг долзарблигига эмас, унинг усул-услублари, комбинациялари, тамойиллари ва кенг жамоатчиликнинг бу борадаги муносабатига ҳам боғлиқдир.

Баъзи мамлакатлар оммавий ахборот воситаларида журналист суриштируви бироз торроқ маънода талқин қилинади. Унда кўпинча манфаатни суистеъмол қилиш ёки коррупция билан боғлиқ мавзуни ёритиш тушунилади. Моҳиятан шундай бўлса-да, журналист суриштируви жанр сифатида маълум муаммо доирасида чегараланиб қолмайди. Суриштирув жанрининг бошқалардан асосий фарқли томони шундаки, унда журналист муаммони ўртага ташлаш ва уни мустақил ўрганиш билан кифояланмайди. Одатда, инвестигейторлар пайдо бўлган саволларга ишончли манбалардан жавоб излайди, олиб борган иш юзасидан фикр ва хулосаларни жамоатчиликка тақдим этади. Баъзида суриштирув материалида бу очиқ-ошкор ёритилмаслиги мумкин, лекин журналист тўплаган факт, далил ва изоҳлар аудиторияни тўғри хулоса чиқаришга ундайди.

Журналист суриштируви ўта мураккаб, баъзида бунга тайёр бўлмаган одам учун ҳатто хавфли фаолиятдир. Негаки, кенг доирадаги ахборотни мураккаб шароитда излаш, йиғиш, уни қайта ишлаш ва текшириш талаблари амалга ошгандагина мақсадга эришиш мумкин. Аслида журналистика соҳасининг ҳар бир вакили – мухбир ҳам, шарҳловчи ҳам, бошловчи ҳам, шоумен ҳам маълум бир ахборотни излайди, йиғади ва тарқатади, лекин журналист-суриштирувчининг улардан асосий фарқи шундаки, у асосан яширилаётган, сир тутилган ахборотни ошкор этишга ҳаракат қилади.

Алоҳида таъкидлаш зарурки, замонавий матбуот саҳифаларида бир қарашда журналист суриштирувига ўхшаб кетадиган, аммо аслида бунга мутлақо алоқаси бўлмаган материаллар тобора кўпаймокда. Бундай ҳолат профессионал журналистика оламида “оқим” деб аталади. Бу атама оммавий ахборот воситаларига бирон бир шахс томонидан маълум турдаги ахборот ва унинг матбуотда чоп этилиши натижасида ўз рақиби ёки сиёсий душманлари обрўсига путур етказиш мақсадида тақдим этиладиган маълумот маъносини беради. Мазкур турдаги “суриштирув ишлари” унинг асл тушунчаси ва моҳиятига зид бўлиб, суриштирувчи журналистларга бўлган ишончни сўндиради.

Шу сабаб, бундай “суриштирувлар” ташаббускорларига журналистика соҳаси вакиллари кучли ва қатъий қаршилик кўрсатишлари зарур. Бунга эришиш учун эса энг аввало, журналистик суриштирувининг жанр сифатидаги муҳим тамойилларини белгилаб олиш лозим бўлади.

Холислик, ҳаққонийлик ва фикр аниқлиги фаолият жараёнида журналист-суриштирувчи позициясини белгилаб берувчи асосий тамойиллар ҳисобланади. Суриштирув материали бирон масала ёки муаммони мавжуд бўлган барча қарашлар нуқтаи назаридан ўрганиб чиқилгандагина юқоридаги талабларга жавоб беради. Шу боис, журналист суриштирувининг ўзига хос хусусияти сифатида намоён бўладиган мазкур тамойилларга амал қилган Ғарб матбуоти бу борада анча илгарилаб кетди.

Кенг қамровли ва ҳар томонлама суриштирув ўтказиш учун эса мавзуни турли хил манбалар асосида ўрганиш зарур. Суриштирув материалида албатта, фактлар, манбалар, қарашлар, қарши фикрлар, ҳатто исбот ва далиллар ҳам берилиши зарур. Эътиборли томони шундаки, буларнинг барчаси ўзаро мувозанатда бўлиши, бирортаси бошқасидан ошиб кетмаслиги керак. Муаллифнинг ҳис-туйғулари орқали эмас, балки материалнинг тузилиши, тизимлилигига қараб мантиқий ёндашув намоён бўлиши талаб этилади.

Халқаро журналистлар федерацияси томонидан қабул қилинган декларацияда айнан журналист-суриштирувчилар фаолиятига бевосита

алоқадор бўлган бир нечта муҳим қоидалар белгиланган. Улар қуйидагилардан иборат:

**1.** Ҳақиқат ва жамиятнинг ундан хабардор бўлиш ҳуқуқини ҳурмат қилиш журналист олдида турган асосий бурч ҳисобланади.

**2.** Касбий фаолиятини олиб бораётган журналист ахборотни ҳаққоний йўл билан излаш ва уни эълон қилиш эркинлиги, ҳамда холис изоҳ ва танқид ҳуқуқини ҳимоялаши, уларга амал қилиши лозим.

**3.** Журналист ўзига маълум бўлган манба билангина ишлаши керак. У муҳим ахборотни эътибордан четда қолдирмаслиги ва ҳужжатларни сохталаштирмаслиги керак.

**4.** Ахборот, сурат ва ҳужжатларни излаётганда журналист холис ва ҳаққоний усуллардан фойдаланмоғи зарур.

**5.** Журналист жиддий зарар етказадиган ахборотдан иложи борича тўғри фойдаланиши ёки ундан умуман фойдаланмасликка ҳаракат қилгани маъқул.

Журналист суриштируви одамлар, ҳужжатлар ва шахсий кузатувлар каби бир қатор манбалар асосида олиб борилади. Кўпинча журналист суриштируви жараёнида ҳукумат вакиллари ошкор этилишини хоҳламайдиган ахборотлар юзага чиқиши мумкин. Аммо баъзида материалда бевосита ҳукумат вакилларидан олинган ахборот ҳам ўрин олган бўлади. Журналистларнинг жамиятга холис хизмат қилиш ва ҳақиқат учун курашиш истаги уларни суриштирув олиб борищдан кўзланган асосий мақсадидир. Айнан шу мақсад журналист суриштирувининг асосий тамойилларидан бири бўлган холисликни юзага келтиради. Суриштирув давомида журналистлар фойдаланадиган манбаларни икки катта гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчисига, журналист учун зарур ахборотга эга шахслар киради. Масалан, гувоҳлар, бирон бир ахборот (хат, архив, ҳужжат, кундалик ва ҳ.к) ни сақловчи одамлар. Бундай инсонлардан ахборотни олиш уларнинг хоҳиш-истаги, қолаверса, журналистнинг уларни ишонтира олиш қобилиятига боғлиқ.

Лекин журналист учун иккинчи гуруҳга кирувчи манбалардан фойдаланиш нисбатан самаралироқ бўлади. Улар оммавий ахборот воситалари билан бўлган ўзаро алоқаси қонун томонидан назорат қилинадиган турли ташкилот ва муассасалардир. Суриштирилаётган мавзунинг ривожи (суриштирув жараёни, шартлари, воқеалар кетма-кетлиги, эришилган натижаларнинг баёни) сюжети бўлиши шарт эмас. Сабаби, мақсад ахборот учун эмас, балки йиғилган ахборот суриштирув ишидан кўзланган мақсад учун хизмат қилиши керак.

Бугунги кунга келиб жаҳон журналистикасида суриштирувнинг ўзига хос ривожланиш тенденциялари ҳам шаклланди. Улар куйидагилар:

- мавзуни ҳар томонлама ўрганиш;
- суриштирув ишида берилаётган факт ва ахборотнинг холис ва ҳаққонийлиги;
- жамоатчилик ҳаётига таъсир этадиган, бироқ махфий сақланишга уринаётган ахборотни ошкор этиш;
- манбалар изчиллиги ва ранг-баранглиги;
- манбаларнинг сир тутилиши ва ҳимоя қилиниши;
- долзарб мавзуни танлаш ва оммавий ахборот воситаларида ёритиш билан чекланмай, унинг долзарблигини ишончли факт ва маълумотлар орқали исботлаб бера олиш;
- журналист-суриштирувчи судья вазифасини бажармаслиги, аксинча, суриштирув жараёнида тўпланган ахборотни бериш билан хулоса ёки ҳукмни чиқаришни оммага қолдириш;
- маълум бир (жамоатчилик ёки ўзига тегишли) қарашни бериш эмас, балки фактларга асосланган материални оммага тақдим этиш зарур ва ҳоказо.

Етакчи журналистлар тамал тоши қўйган суриштирув жанри анъаналари, замонавий журналист суриштируви тамойиллари ва услубларини ёш журналист авлод томонидан ўрганиш ва ўзлаштириш жамият учун муҳим, айни пайтда мураккаб ҳисобланган суриштирув жанрининг ривожига туртки бўлувчи асоссий омиллардандир.

Бундан ташқари, ҳозирда жамиятда юз бераётган жараёнлар, вужудга келаётган янги ғоялар, инсониятнинг ахборий жамиятга интилишларини англаб, уларни тўғри талқин қилиб, ахборотдан тўғри фойдаланадиган журналистларни тайёрлаш зарурати яққол сезилмоқда.

## АДАБИЁТЛАР

### Асосий адабиётлар:


1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. Т. Ўзбекистон. 1993.
2. “Тўртинчи ҳокимият” Т.: 2003.
3. “Энг содиқ дўст, энг яқин камроҳ”. Т.: 1998.
4. Дэвид Рэндалл. Универсальный журналист. Алмати: 1996.
5. Журналист суриштируви. қисқача таъриф ва тавсиялар. Т.: 2002й. (Уруш ва тинчликни ёритиш институти). 21 бет.
6. Мўминов Ф.А. Методы журналистики и методы деятельности журналистов. Т.: “Университет”, 1998.
7. Муминов Ф.А. Журналистское расследование Т.: “Университет”, 2002.
8. Нестеренко Ф.П., Эрназаров к.Т. , Маматова Я.М. Труд журналиста: профессионализм, творчество, мастерство. Учебное пособие, Ташкент.: 2002.
9. Тертычный А.А. Расследовательская журналистика. Учебное пособие. Москва. Аспект пресс. 2002. 384 с.
10. Ким М.Н. Технология создания журналистского произвидения. Санкт-Петербург. 2001. 320с.
11. Прохоров Е.П. Журналистика и демократия. Учебное пособие. Москва. Аспект –пресс. 2004. 352с.
12. Фахриддин Низом. Янгиланиш жараёни. Т.:1999.
13. Профессионал маҳорат сари тўрт қадам. (журналистлар учун ўқув қўлланма).Т. 2002.(Уруш ва тинчликни ёритиш институти).27б.

14. Репортёрлик фаолиятининг назарияси ва амалиёти. ¤кув кўлланма муаллифлар: Қ.Т.Эрназаров, Ё.М.Маматова, И.Э.Тошалиев, Ш.Қ. Эрназаров ). Т: 2002 й. 200 бет.

15. Стрельцов Б.В. Основы журналистики. Жанры. Минск: 1990.

**Қўшимча адабиётлар:**

1.Тошев Б. Журналист текшируви. “Адолат” газетаси, 1998 йил, 6 февраль.

2.Тоғаев О. Ижод ва идрок .Т.: 1987.

3.Тоғаев О. Публицистик тадқиқот санъати. Т.: “Ўзбекистон”, 1987.

4. “Ҳуррият”, “ЎзАС”, “Халқ сўзи”, “Маърифат”, “Қалб кўзи”, “Ўзбекистон овози”, “Инсон ва ҳукуқ”, “Адолат”, “Оила ва жамият”, “Милий тикланиш” газеталари тахламлари.